

430.2
2
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



ЎЗБЕК МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ
АДАБИЁТИГА МАТЕРИАЛЛАР
I-СОН


Тошкент - 2004

0.2
23/1
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ АДАБИЁТИГА
МАТЕРИАЛЛАР

1-СОН



ТОШКЕНТ — 2004

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ АДАБИЁТИГА
МАТЕРИАЛЛАР

1 – СОН

(И.ГАСПРИНСКИЙ, ХИСЛАТ, МИСКИН, ТАВАЛЛО)

ТАҲРИРИЯТ: ПРОФ. Б.ҚОСИМОВ, ПРОФ. Ҳ.БОЛТАБОЕВ,
ПРОФ. Б.КАРИМОВ

Нашрга тайёрловчилар: проф. Б.Қосимов, доц. У.Долимов,
доц. Н.Жабборов

Проф. Б.Қосимовнинг умумий таҳрири остида



«УНИВЕРСИТЕТ»
ТОШКЕНТ 2004

ТАҲРИРИЯТДАН

Халқ ва Ватан тарихининг ғоят шиддатли ва ниҳоятда сермазмун воқеаларга бой бўлган, тарихга миллий уйғониш дари бўлиб кирган XX аср тонготаридан тобора узоқлашиб кетмоқдамиз. Фидойи боболаримизнинг серқирра фаолиятлари, жумладан, ҳар бири бир олам жасорат талаб этган янги мактаблар, матбуот, театр, жамиятлар, ниҳоят, янги адабиёт иратиш билан боғлиқ фаолиятларига оид факт ва ҳужжатлар объектив ва субъектив сабабларга кўра йилдан – йилга камайиб бормоқда. Уларнинг сақланиб қолганларини тўплаш, саралаш ва илмий тадқиқотчилар ҳукмига ҳавола этиш шу куннинг долзарб масалаларидан бўлиб турибди.

Ўзбекистон Миллий университети Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти кафедраси XIX асрнинг охири, XX асрнинг биринчи чорагига оид факт ва материалларини нашрга тайёрлашни режалаштирмоқда. Нашр мунтазам бўлиб, ҳар йили «Материаллар»нинг 4 та сонини чиқариш мўлжалланади. Ҳар бирининг ҳажми 5 босма табоқдан 10 босма табоққача.

Ноширлар матннинг манбаини кўрсатиб, энг зарур изоҳларнигина берадилар, талқин ва таҳлилдан сақланадилар.

«Материаллар»нинг ҳар бир сони 500 нусхада чоп қилинади ва бир қисми сотувга чиқарилади.

Биринчи сонда И.Гаспринский, Хислат, Мискин, Тавалло асарларидан саралаб олиб берилмоқда. Гаспринскийнинг адабий – танқидий мақолалари жаҳид эстетикасининг асосини ташкил қилади. Улар бугун ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Хислат, Таваллонинг эса илгари чоп этилмаган ёхуд жуда кам нашр қилинган асарлари тўплаб берилмоқда. Мискиннинг эса китоби чиққан эмас.

Келгусида нашрнинг тематика ва хронологиясига эътибор қилиш кўзда тутилган.

ИСМОИЛБЕК ГАСПРИНСКИЙ

АДАБИЙ ТАНҚИДИЙ МАҚОЛАЛАР

Адабий– танқидий мақолалар

Матбуоти Усмония

(Иловаи Таржимон, 17 сентябр 1895, №35, 110 – 111 бетлар)

Ўн беш, йигирма йилдан бери Усмонийлар давлатида турли тилларда ва хусусан турк тилида жуда кўплаб илмий ва адабий китоблар нашр қилинди. Бу ҳол Усмонийларнинг адабиёт ва маърифатни ёйишда гоят илгарилаб бораётганликларини кўрсатади. Бугунги кунда усмонли туркчасида турли фан ва илмларга оид китоблар билан бир қаторда Европанинг машҳур адиблари Шекспир, Гёте, Ла Фонтен, Шиллер, Байрон, Гюго ва бошқаларнинг айрим асарлари ҳам таржима қилинмоқда. Ёзувчиларнинг аксарияти Усмонийларга таниш. Бизнинг Грибоедовнинг «Ақллилик балоси», Пушкин, Лермонтов ва граф Толстойлар асарларидан намуналар туркчага ўгирилмоқда.

Миллий заминга асосланган кўплаб илмий ва адабий асарлар юзага келиб, улар орасида жиддий илмий китоблар, ҳикоялар ва мажмуалар бор. Айни пайтда, бундай илгарилаш билан бирга баъзи бир нуқсонларга йўл қўйилаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди... Дунё ўзи шундай: на тараққиётнинг охирига етиб бўлади, на нуқсонларни йўқ этиб. Бугунги илгарилаш эртага янгисини талаб қилади, тўхтамоқ йўқ. Замон ҳар кун олға силжишга ундайди. Тараққиёт тўхтамаганидек, нуқсонимиз ҳам адо бўлмайди!

Усмонлилар адабиёти оламида унинг тараққиётига бир қадар тўсқинлик қилаётган ҳол бор. У ҳам бўлса, шу қадар ривожланган бир адабиётнинг мезонсиз келишидир. Усмонлиларда ҳалигача «танқид», «танқидоти адабия»¹ вужудга келгани йўқ. Ҳолбуки, танқид адабиётнинг мезонидир. Мезонсиз бозор – танқидсиз адабиёт мисоли ривож топмас.

Адабиёти жадиданинг шаклланиш даврида чоп этилган ҳар бир асарнинг «тарғиб ва ташвиқ»и учун беш «офарин» ила ўнта фикр айтиш жоиз бўлса – да, адабиёт ва нашриёт бир қадар йўлга тушиб олганидан сўнг танқид ўзини кўрсатиб, тегишли ўрнини эгалламоғи лозим. Чит бозорига аршин, нонга окка² не қадар зарур бўлса, адабиётнинг ўлчови бўлган танқид улардан ҳам зиёда лозимдир. Адабиёт маънавий озуқамиздирки, моддий озуқамиздан ҳам қадрлироқдир. Дуч келган кийимни киймаймиз,

¹ Танқидоти адабия – адабий танқидчилик

² Окка – 1,283 килограммга тенг оғирлик ўлчови бирлиги

тутри қолган овқатни емаймиз—у, қўлга тушган ҳар қандай китобни ўқийверамизми? Мовуту читларни саралаб, асл—ноаслга ажратиш зарур иш—у, олинадиган ва ўқиладиган асарларни ва илмий китобларни мезонга солиб, қандай савияда ёзилганлигини билиш нозарурми?

Буларнинг моҳият ва даражаларини тайин қиладиган нарса «бетарафона танқид»дир. Лекин бутун мусулмон дунёсида «ҳажв» ва «мадҳия» мўътабар бўлиб, «танқид» калимаси тилларда ҳам луғатларда ҳам учрамайди. Танқиднинг мақоми олиясига арслон инига кириб олган тулкига қарагандек қарайдилар. Бу ҳол Мағриб замин³дан то Жава⁴ оролларига қадар ҳукм сурмоқда. Шунга қарамай, бир кун келиб, арслон уясининг топилишига, танқид ўз мақомини эгаллашига шубҳа йўқ.

Танқид лозим, аммо танқидчи қандай бўлмоғи лозим? Бу иш жингиртоб тандирга қўкраккача бош тиқиб нон ёпмоқдан ҳам, кема кўмирчилигидан ҳам оғирроқдир. Лекин ярим маданий Фас⁵да ёки Афғонистонда тоқат қилинмайдиган «танқид» маданий миллатлардан бўлган Усмонли жамиятида тоқат қилишгина эмас, қабул этиладиган даражага кўтарилди... Адабиёт бу қадар илгарилаб кетди, ҳар йили қанчадан—қанча таржималар, оригинал асарлар таълиф қилинмоқда. Булар қандай асарлар? Бир—бирларидан фарқи ва савиялари қай даражада? Барчаси ҳам фойдалими? Баъзилари қора сиёҳ билан бўялган қоғоздан иборат эмасми? Роман босилди, комедия саҳналаштирилди, муаллиф нима демоқчи? Мақсади нима? Идораи сиёсат, мураса—мадора ва бошқа—бошқа хусусдаги муҳокамаи умумияга арз қилаётган маслағи нимадан иборат?

Булар борасида баҳс юритиб, уларни тайин ва баён қиладиган танқиддир, танқидчидир. Такрор айтаман, жуда ҳам машаққатли ишдир, лекин зарур ишдир. Адабий жавҳарни қобигидан ажратиб берадиган танқиддир.

Иззатбей (боринги, бошқа бири бўлсин), масалан, география китоби ёзди. Мулла Ҳусайн — илми ҳол. Сулаймон афанди «Янги усул алифбоси»ни чоп этди, биродарим Али Оға миллий роман ёзди, фалончи биродар — драма... Буларнинг ҳар бирига «Офарин»у мақтов айтиш билан кифояланилса, китоб бозори яқин орада бўёқ чапланган қоғозлар уюмидан халос бўла олмайди, адабиёт эса мақсад ва матлабдан четлашиб, илгари босмайди, ёзилган нарсалар бўялган қоғоз сифатида босмадан чиқа бошлайди.

³ Мағриб замин — Марокаш кўзда тутилади.

⁴ Жава — Ява

⁵ Марокаш

Бугун бирор китоб олмоқчи бўлсангиз, сарлавҳасига эмас, ичидагисига синчиклаб қарамогингиз лозим бўладики, бу танқиднинг ўз ўрнини эгалламаганидандир. Чунки китобнинг номи ила ичидагининг орасида Болқон тоғлари бордир.

Бугун қанчадан – қанча романлар, драмалар таржима қилиниб, нашрдан чиқарилмоқда, ўқилмоқда ва саҳнада қўйилмоқда... Булар ҳақида мутахассислар фикр билдиришлари керак. Акс ҳолда, на икки аскарнинг қаҳрамонлигидан, на Маргаританинг ҳолидан, на Жульеттанинг бошига келганлардан, на мусьё Барбенинг изтиробларидан, ўйлайманки, бизнинг Ҳусайн ва Ойшалар бирор маънилик нарса ола олмайдилар.

Усманийлар адабиётининг энг заиф жиҳати бу миллий роман ва пьесаларидир. Марҳум Камолбей⁶нинг «Жазми»си билан Меҳмет Муратбейнинг (асл матнда Аҳмад Мурод деб берилган, тузатилди... асарининг тўла номи «Турфондами йўқса Турфами?» дир – ношир проф. Явуз Акпинар изоҳи) «Турфондами» номли асарини ҳисобга олмаганда, миллий роман йўқ, даражада. Ҳолбуки, Усманийлар ҳаёти ва тарихи роман, драма, фожиа ҳазинасидир. Бу хазинадан истифода қилаётганларни бугунги кунда кўрмаяпман, балки кўрмаётгандирман.

Бугун усмонли адабиёти «танқидсиз» кетаётганлиги етмаганидай, донишмандона «сукут» сақлаб ҳам тура олмаяпти. Адабий удумлари, анъаналари, муҳаррирларига ҳайрон қоласан. Фалон пошазода фалон бей афанди «фалон рисоласини ёзиб, матбуот дунёсига ёки маориф оламига ёки бўлмасам, бани башарга бунча хизмат қилдилар, рисоалари (ёки романлари) жуда ҳам фойдалидир. Ҳар кимса ундан бир нусха олиб ўқимоғи лозим» каби «тақдимотлар» барча газеталарнинг саҳифаларини тўлдирмоқда. Ҳолбуки, тақдим этилган «асар» бир чақага ҳам арзимайди! Бундай ҳоллар одат тусига кириб, назокати маҳаллия ҳукминини олган.

Воқеан, бир бейнинг ёзган бир асари ҳақида бошқа бир бей афанди танқидий фикр билдириб, кузатган беўхшов ўринларини, янглиш жойларини айтгудек бўлса, улфатчиликдан ҳам, маслақдошлиқдан ҳам нишон қолмайди, ҳар қандай дўстлик шиддатли пўртана долғаларида фарқ бўлиб кетади.

Танқид нуқсонни айтиш, айтиб беришдангина иборат эмас, балки маълум бир асарнинг қай даражада фойдали эканлигини кўрсатиб бермоқ, исбот этмоқдир. Бундай иш эса, қилинмаяпти. Аҳмад Мидҳат, Абузиё Тавфиқбей, Шамсиддин Сомибей, Меҳмет

⁶ Номия Камол (1840 – 1888)

Муродбей ва бошқа афандиларнинг қаламларига мансуб асарларидан, уларнинг маслақларидан истанбулликларнинг юздан нечасининг хабари бор? Буларнинг йирик – йирик асарлари ҳақида атрофлича мулоҳазалар кўринмапти. «Салон кўнгилочари» матбуот оламига зеб берди. Фойдали иш. Олтмиш пул, кўприк бошида... тегишли иборалар сирасида «Қомус – ул – аълам»⁷нинг ...чи жузъи нашр қилинди; бу билан ...чи жилди тула бўлади... ибораси берилмоқдаки, билмаганлар «Салон кўнгилочари» билан «Қомус – ул – аълам»ни фарқлашдан ожиз қолаверади. Ҳар кимда ҳам танқидий истеъдод бўлавермайди. Шунга кўра, бундайларга танқидот⁸ ила йўл кўрсатиш керак. Йўқса, билмаган одам адабиёт боғчаси деб, мойли бўёқ ўрмонига кириб қолади.

Оддий бир одам, масалан, тарихи умумийни оладиган бўлсак, Меҳмет Муродбейнинг асари билан бошқалариники миқёсини билмоғи лозим. «Жазми» билан бошқа бир «миллий» романинггина эмас, уларнинг лисоний афкор ва маслакий тафовутини ҳам англамоғи керак.

Роман нима, ҳикоя нима – фалон романдан мақсад нима; фалон томошанинг ибрати нима – буларни очадиган, гушунтирадиган танқиддир.

Инсонларнинг умум муомаласини танқид ғалвиридан ўтказиб олиш одат ва усулга айланса, янада яхши бўлади. Шунга кўра, қувватимиз етганича, бир – икки баҳс қиламиз.

{2-} танқид

(Иловаи Таржимон, 1895 йил 8 октябр, №38, 38 – бет)

Беш – ўн йилдан бери Истанбулда нашр қилинаётган адабий китобларнинг ҳамон бир қисми таржима романлардан иборатдир. Буларнинг таъсир, хизмат доираси ва адабий моҳияти нимадан иборат?

Мана шуни бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Роман, хусусан, «таржима» қилинадиган роман шунчаки вақт ўтказмоқ, кўнгил очмоқ учун бўлиши керак эмас. Таржима қилинадиган ҳар бир роман ўқувчининг танвири афкорига ёки тарбияи ҳиссиётига ва ёки тавсияи маълумотига хизмат этсин. Шунга кўра, адабиётдаги романи 3 катта қисмга ажратамиз. Биринчиси, «афкорий роман»лар бўлиб, маишат ва муносабати инсониядаги жуда гўзал суратларни баён ва тасвир этади. Иккинчиси, «руҳоний

⁷ Шамсиддин Сомибекнинг асари

⁸ Муаллиф «танқид»нинг «сараламоқ» деган луғавий маъносини ҳам кўзда тутмоқда.

роман»лар бўлиб, инсонларнинг аҳволи руҳияси ва ҳиссиётлари кашфи ҳамда баёнига хизмат қилади. Учинчиси, «илмий» ёки «тарихий» романлар бўлиб, ўқувчига қизиқарли бир суратда воқеоти тарихиядан ёки ҳақиқат ва тасаввуроти илмийдан хабар бериб, тавсиъи маълумот⁹га хизмат қилади. Мазкур уч қисм ташқарисида ёзилган романлар ҳам бўлади. Уларни «роман» деб айтиш кўп ҳам ўринли бўлмайди. Фалонча Жозефинанинг фалон Алфред билан бўлган муошақасини ёки бизнинг Фатмалардан бирининг Сулаймонлардан бирига ҳижоб ортидан ошиқона боқишлари, оҳ — воҳларини ҳикоя қилиш, роман ёзиш эмас.

Романчи гўзал ва ўткир қалам соҳиби бўлишидан ташқари, ёзадиган романига кўра ё фикрлар булоғи, ё аҳволи руҳ аҳлидан ёки илм — фан асосларини содда, барчага тушунарли қилиб бермоққа моҳир бўлмоғи керак. Шу билан бирга оз кўриб, кўп англамоқ, кўрган ҳар бир нарсаси ва хаёлига келган фикрини рассом сингари, лекин мойбўёқ ва чўткасиз, ёлғиз тил ва ёзув ила аниқ — тиниқ тасвир эта билмоқ истезододига эга бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам Теккерей¹⁰, Виктор Гюго¹¹, Шпильгаген¹², граф Толстой¹³, Филамарен, Жюл Верн¹⁴ каби романчиларга тақлид қилганлар «романчи» бўлмасдан, гўзал ёзсалар — да, «ҳикоячи» поясинда қолмоқдалар.

Буюк романчиларнинг романлари турли тилларга таржима қилинади, яъни уларнинг ёзганларидан ақвоми мухталифа¹⁵ истифода қилади. Улар билдирган фикрлардан, кашф қилган ҳиссиёт ва очиб берган ҳақиқатларидан ҳар тараф инсонлари ҳисса ва ибрат ола биладилар; чунки, уларнинг ё афкорлари шу қадар порлоқ ва кенг қамровли ёки ҳиссиётлари ва чизгилари шу қадар теран ва умумийдирки, турли — туман одатлар ва яшаш тарзларига кўра бир — бирларидан узоқлашиб кетган инсонларнинг қалблари гўшасида яшириниб қолган умуминсоний виждони ва ҳиссиётига қалам ва нуфуз бера оладилар. Гюгонинг «Сафиллар»ида бўлган шахслар Онадулида бўлмайди, лекин улардай азоб чекувчи ва шодланувчи кишилар бу ерда ҳам топилади.

Машҳур адибларнинг ёзган романлари таржимасига ва мутолаасига эътибор ва муносабат билдирмоқ даркор. Лекин ажнабий номдаги романларнинг таржимасига эҳтиёж

⁹ Тавсиъи маълумот — маълумотнинг кенгайиши

¹⁰ Вилям Теккерей (1811 — 1863) — инглиз ёзувчиси

¹¹ Виктор Гюго (1802 — 1885) — француз ёзувчиси

¹² Фридрих Шпильгаген (1829 — 1911) — немис ёзувчиси

¹³ Лев Николаевич Толстой (1828 — 1910) — рус ёзувчиси

¹⁴ Жюл Верн (1828 — 1905) — француз ёзувчиси

¹⁵ Ақвоми мухталифа — хилма — хил қавмлар, миллатлар.

курмаяпман. Пол де Кок, Габурё¹⁶ ва ҳатто Эмил Золя¹⁷, Пол Бурже¹⁸ каби романчиларни туркларга тақдим этишдан бирор манфаат бормикин. Булар орқали Оврупони, ғарб турмушининг ҳозирги маданиятини, юксак фикрларни ўқисалар ҳам укмаслар. Буларни ўқиб завқлансалар—да, уларга нисбатан қуйироқда турадиган «миллий ҳикоялар»ни ўқитмоқ минг бора афзалдир.

(давоми бор)

{3—} танқид.

(Иловаи Таржимон, 1895 йил 22 октябр, №40, 42—бет)

Аввалги баҳсимизда ажнабий романларни ўқиш аҳамиятли бир фойда бермаслиги ҳақида гапирган эдик. Бу фикримиз таассубона тус олиб, қоидага айланмасин. Мир Алишер Навоий, Фузулий, Ҳофиз ва Саъдий каби адибларимиз биз учун нақадар муътабар бўлсалар, Ғарбнинг Шекспири, Гюгоси, Шиллери, Пушкини ҳам наздимизда шу қадар муътабардир. Машҳур адибларнинг умуминсоният оламига раҳбар мақомида эканликларини инкор этмайман. Шунга қарамай, ҳеч бир танламасдан ҳалигиндай роман таржималарининг ёмғир каби ёғдирилишига бирор бир сабаб кўрмайман.

Ажнабий романларнинг ўндан саккизи хамиртурушларидан бирини кўриб чиқайлик:

Мусъё Шарл бадавлат ва тарбияли бир тужжор ёки сарроф, ёки мулкдор. Икки марта уйланган. Иккинчиси — 18 ёшли Жульетта. Бу қиз ё мактабда, ё черковда нозик тарбия кўрган. Барча анбиёу авлиё, Муҳити Кабир¹⁹ ороллари номларини беш қўлдай билади. Лекин турмуш ва оила учун лозим маълумотлардан бебаҳра. Пианино чалади, қўшиқ айтади, лекин «сут»дан «сув»ни фарқлолмайди. Балларда урчукдай айлана олади, аммо қўлига капгир ушлаб, қозон ва ўчоқ бошида бирор иш қила олмайди. Амакиси билан холаси «мусъё Шарл ундай, мусъё Шарл бундай, пули кўп, яхши одам, шунга тегишинг керак, бахтли бўласан», деяверишиб, ҳоли—жонига қўйишмагач, бўлажак эрининг ҳузурига ўзи бориб, муҳаббат изҳор қилган. Воқеа бир—икки ой мана шундай тортма—узма, яъни ўзаро муҳаббат ёхуд муҳаббатга интилишдек мужмал бир ҳол билан давом этади.

¹⁶ Эмил Габорио (1832—1873)—француз ёзувчиси

¹⁷ Эмил Золя (1841—1902)—француз ёзувчиси

¹⁸ Пол Бурже (1852—1935)—француз ёзувчиси

¹⁹ Муҳити Кабир—Тинч океани

Жульетта шу вақт мобайнида анча нарса ўрганади. Мусъё Шарлнинг ҳам жисман, ҳам руҳан нимага қодирлигини, унинг яқин дўсти ва ҳамхонаси мусъё Фердинанднинг нақадар эридан устунлигини кўради ва ишонч ҳосил қилади. Мусъё Фердинанднинг 30 ёшида, айти камолот ёшида эканлиги Жульеттага, табиийки, ўз таъсирини кўрсатиб, бошида баъзи фикрлар айланишига ва қалбида айрим хиссиётлар уйғонишига сабаб бўлади.

«Менинг Шарлим мусъё Фердинанд каби бўлсайди анча яхши бўларди. Шарл ёмон одам эмас, аммо Фердинанд ундан ҳам яхшироқ кўринади. Шарл мени севади, лекин Фердинанднинг муҳаббати янада кучли, янада оташинроқ бўлса керак...», деган, бир қарашда беозордай туюлган фикрлар аста – секин кучайиб, Жульеттанинг матонати қалбияси синишига олиб келади.

Мусъё Фердинанд эса, дўсти Шарлнинг ёш хотинга кўп ҳам муносиб эмаслигини фикр қилади, гўзал ва жилвакор Жульетта билан сўзлашмоқ, кўришмоқдан лаззатланади. Келади – кетади. Бошда мусъё Шарл уйдалиги вақтида келарди. Сўнг эса мусъё Шарл йўқ бўлса, суҳбатлари янада лаззатли бўлишини билиб, хос ва ёлғиз учрашувларни орзу қилади. Бу орзу Жульеттанинг кайфиятига ҳам мувофиқ келади. Шу тахлитда воқеалар давом этаверади. Мусъё Фердинанд билан Жульетта ўртасида муҳаббат ёхуд муҳаббатга ўхшаган бир ҳис пайдо бўлади... Шундан бошлаб, Жульетта бир турли, мусъё Шарл иккинчи турли ва мусъё Фердинанд учинчи турли қалб маразига дучор бўладилар. Бирининг хиссиёти қалбиясида – садоқат, бошқасиникида – шубҳа, Фердинанднинг қалбида эса, дўстига қарши нафрат уйғона бошлайди. Ҳар учаласи ҳам қаттиқ изтироб чекадилар. Нафс ва истаклари тобора намоён бўлиб боради. Лекин бир – бирларидан ҳолларини беркитадилар, юракларидagini билдирмайдилар. Аммо тоғдан қуйига шиддат билан тушаётган сувнинг йўлини тўсмоқ гоят қийин бўлганидек, хиссиётларини бошқаролмай қоладилар. Жульетта Фердинандга таслим бўлади. Бир оз вақтгача мусъё Шарл ишнинг бу даражага борганидан хабари бўлмайди. Жульеттагинам менга садоқатли, деб ўйлайди. Унга бўлган муҳаббат ва ишончини сақлайди. Илтифот ва ҳурматини янада оширади. Ёқишга ҳаракат қилади. 55 ёшда ўзини 30 ёшдай тутлади.

(давоми бор)

Бир қанча вақт шу зайлда кечади. Ниҳоят, барча нарса аён бўлади. Бечора эр хонасига қамалиб олиб, ўзини қўярга жой тополмайди. Нима қилишини билмайди... Воқеани ошкор этса, севгилиси Жульеттани масхара ва бадбахт қилмоғи керак. У эса, севади... Шу сабаб, сукут қилишга қарор бериб, ҳаммасини вақтга ҳавола этади: бир кун Жульетта хатосини тушунади, эр қадрини англайди, Фердинандни тарк этади, дўстнинг эскиси яхши бўлишини билиб олади, муҳаббати янгидан алангаланаяди, деган ўйлар билан сабр – тоқат қилади. Шуларга қарамай, ичдан эзилади, қалби заҳарланади, ора – сира, ёлғиз қолганида кўзларига ёш келади. Лекин ҳеч кимга билдирмайди. Мусъё Фердинандга дўстлик, Жульеттага муҳаббат юзи билан қарашга ўзини мажбур қилади.

Бу уч шахснинг аҳволи қалбиясининг тасвири катта бир роман бўлади. Уқувчилар уларнинг ҳолини фикр ва мулоҳаза қиладилар. Ҳар бири ўзича таъсирланади, ҳукм чиқаради... Бундай романи ўқиган аҳли шарқда қандай ҳис пайдо бўлади ва у қандай ҳукм чиқаради?

Воқеан мазкур шахсларнинг аҳволи қалбиялари жуда мушкул, жуда нозикдир. Европалик наздида мусъё Шарлнинг сабр ва марҳаматида «буюклик» ва «инсонийлик» кўрилади, аммо шундайми? Модомики, Жульеттада муҳаббат қолмади, ҳамонки у хиёнат қилишгача борди, қайтмади – ҳурриятини қўлига тутқазиб, ортга қайтмоқ янада табиийроқ, бинобарин, инсонийроқ бўлмасми эди?

Бу хил романларнинг аҳли шарққа берадиган сабоғи, кўрсатадиган ҳусни таъсири нимадан иборат? – Ҳеч нимадан! Табиатларига мулойимлик, ахлоқларига яхшилик бера оладими? Маишатларига тимсол бўла оладими? – Мутлақо!

Қалб кечинмаларидан, психологиядан сабоқ бермоқ лозим бўлса, аҳли шарқ қўлида миллий воқеалар ва маишат шу қадар буюк сармоя бўла оладими, ёзиб тугатиб бўлмайди. Роман ёзмоқ учун персонажларни анвойи балларга, миллат боғчаларига, театрларга етаклаб боришга эҳтиёж йўқ. Париж фоҳишасининг бошига тушган кулфатдан лол қоламиз, унинг қалб изтиробларидан кўзимизга ёш келади. Бурса ва Эскишаҳар Фатмаларининг ҳолини ёза оладиган, ҳиссиётларини ифодалай оладиган адиби комил бўлса, Дюмаларнинг, Золяларнинг қаламларидан тўкилган мадамлардан – да зиёда ибратли ва таъсирли сабоқ олина билишига шубҳа йўқ.. Шарқ турмуши

роман суратида тасаввур этилмайди, деб ўйлайдиганлар кўпдир, лекин улар янглишадилар. Шуниси гоят ажабланарлики, баъзи усмонли адиблари Ғарб персонажларини қаламга олиб, уларнинг одат ва қарашларини ифодаловчи оврупоча романлар ёзмоқдалар, ғўе Европада романчи оз—у, улар Шарқдан ёрдам сўрамоқдалар...

(давоми бор)

{5-} танқид (тўртинчи баҳс)

(Иловаи Таржимон, 1895 йил 5 ноябр, №42, 46—бет)

Машҳур адиблар қаламига мансуб ва чиндан ҳам буюк бўлган асарлардан бошқасини ғарб тилларидан шарқ тилларига таржима қилмоқдан бирор фойда чиқмаслигини гапириб ўтган эдик. На француз, на немис, на инглиз романларининг бирортаси испанлар мизожига тўғри келмагани ҳолда, аҳли шарқ мизожига ундан—да зиёда мувофиқ келмаслиги содда бир ҳақиқатдир, деб ўйлаймиз. Шу сабабли, таржималарга сарф қилинган куч ва ғайрат миллий ҳикоя ва роман ёзишга сарф қилинса, на қадар фойдали бўлиши ойдин бир ҳақиқатдир... Тўғри, ҳар ким ҳам романчи бўлавермайди. Ҳар ким ҳам роман ёза олмайди. Ҳуш, шунинг учун ҳамма таржимага ўзини уриши керакми? Гўзал, лекин фойдасиз бир таржимадан у қадар қизиқарли бўлмаган, лекин истифодали бўлган бир миллий ҳикоя ёзмоқ афзалдир. Бу ҳикоялар нимадан баҳс юритишлари мумкин? Мавзулар жуда кўп. Майдон ниҳоятда катта. Тарих, ҳол, усмонли ва мусулмон турмушининг истиқболи шу қадар фожиали, шу қадар долғали бир майдондирки, қанча ёзиб, тадқиқ қилинмасин, адо бўлмайди. Такрор айтаман, роман ва ҳикоя ёзиш учун персонажларни ресторан—булварга ёки пианиноли салонга етаклаб боришнинг мутлақо ҳожати йўқ. Камолбейнинг «Жазми» асарида, Меҳмет Мурод Бейнинг «Турфонда» асарида булвар, бал, салон, меҳмонхона машмашаси, шаҳар почтаси, фалонча актриса кабилар йўқ. Лекин буларнинг биридаги тарихий тафаккурни, иккинчисидаги юксак бадиятни қирқта таржимада ҳам топа олмайсиз. Масалан, Эртуғрулнинг тарих саҳнасига чиқиши, Анқара воқеаси, Чалдиран даври, Вена қамали, Жам Султон фожеаси, Юнон ва Миср исёни ҳар бири алоҳида тўрт—беш роман бўла олади.

Руҳоний (психологик) роман хоҳласангиз — мана, масалан, асир қилиниб, сотилиб келинган гуржи зодағони қизининг ёки

кундошлик, ёхуд жория рашки силлик тушагига ётқизган хонимнинг ҳолидан, эри Критда, катта ўғли Қоратоғда, кичиги Плевнада юрган Анадоли Фатмалари мингдан бирининг аҳволи руҳониясидан, афкоридан ва бошқа ҳолларидан баҳс қилиб, кашф ва мунозарага ноил бўлсангиз, нақадар ибратли, нақадар дахшатли, нақадар таъсирли нарсалар тилсимини очасизки, ўқиган киши ҳақиқатни англаб олади. Уни тушунишга, виждони билан юзма — юз келишга мажбур бўлади.

Кичик Осиё, Анадўлининг ҳар бир қишлоғи — катта бир ҳикоя. Гап — да, деб, бепарво ўтманг. Диққат қилиб фикр юритсангиз, усмонли ҳаётининг асрлар оша кеча ва кундуз давом этган энг порлоқ бир ҳикоя, энг дахшатли фожиа, энг гузал тарих эканлигига амин бўласиз. Буларнинг ичида чинакам шахсият ўлароқ неча — неча қаҳрамонлар, улуғ зотлар, содиқ инсонлар, бойлару олчоқлар, пинҳона кўз ёш тўкканлар борки, кашф ва тасвир қилинмоғи лозим. Адабиётнинг асоси таржималар эмас, миллий ҳикоядир. Тил, фикр ва миллатга муҳаббатни ўстирадиган, унга зеб берадиган, унинг таъби ва ахлоқини тарбия этадиган миллий ҳикоялардир. Бу йўлда хизмат этмак эса, аҳли қаламнинг бурчидир, миллият ва қавмият адабиётнинг шарафидир.

{6—} танқид ёки ўлчов

(Иловаи Таржимон, 3 декабр 1895, 44 — сон, 50 — бет)

Европа тилларида қўлланилаётган «критик» (critique) сўзини усмонли ёзувчилардан баъзилари «танқид», баъзилари «муоҳаза»²⁰ сўзлари ила таржима қиладилар. Бизга қолса, «муоҳаза»дан кўра кўпроқ «танқид» лафзини қўллаш тўғрироқ бўлади. Лекин, энг маъқули, сўзнинг туркчасини топиб, ёки қабул қилиб қўллашдир.

Туркчада «критик» сўзи бўладими? Бўлмаса бўлдириш керак. Маълум бир ҳукуматнинг ҳол ва тараққийи аскария²¹си нуқтаи назаридан лозим маълумотни тарқатиш учун элчихона ҳайъатига қўшилган аскарий маъмурга «атташе милитер», ҳол ва тараққийи баҳр²²ияни кузатиш учун тайин қилинган маъмурга «атташе новал» дейдилар... Французлар буларни, билмайман, нима сабабдан шундай атайдилар... Турклар, ҳолбуки, туркча айтишлари мумкин эди. Жуда ўринли ҳам булар эди. Масалан,

²⁰ Муоҳаза — қоралаш, жазолаш

²¹ Тараққийи аскария — ҳарбий жиҳатдан ривожланиш

²² Баҳр — денгиз

«атташе милитер»га «вакили аскарый», «атташе новал»ни «вакили баҳрий» дейилса жоиз бўлмасмиди. Аммо, бу ҳам туркча бўлмайди — ку, десангиз, «турклашган арабча», деб айтаман. Истиқлоли лисония ва хайсияти қавмия назаридан, турклашган арабча сўзнинг француз истилоҳидан афзаллиги ойдин бир ҳақиқатдир.

«Критик» сўзига келайлик. Уни бирор туркча сўз билан атамоқ учун, ўзи нима эканлигини кўрайлик.

Бир адабий асарнинг, баъзан бир инсоннинг амал ва иши моҳиятини тайин ва зоҳир этувчи мулоҳаза ва мутолаага «критика» дейдилар. Критика, демак, бир асарнинг ёки бир ишнинг фақатгина ёмон томонини, қусури — хатосини очмоқдан иборат эмас. Адабий даражаси ва ёки моҳияти умумга англашилмаган бир асар ёки амалнинг ҳақиқати ҳолини кашф ва изҳор этмоқ критика амалиётига киради. Умум назаридан четда қолган ва қўлга олинмай қўйилган баъзи асарларнинг мулоҳазайи критикия воситасида майдонга чиқиши ва машҳур номларнинг бирор критикчи қалами заҳри ила қоп — қора этилиши, иккинчи бир критикчининг ундан теранроқ ва атрофлича мутолаати ила эҳтиром саҳнасига кўтарилиши кузатилмоқда.

Бинобарин, «критика»нинг вазифаси ҳар бир асарнинг асл моҳиятини тайин этмоқдан иборатдир. Шундай ҳолда, унга бир туркча ном бериш мумкин, деб ўйлайман. Ҳақиқий оғирлик «чеки»²³, масофа ва майдон ўлчов билан аниқланади. Асар билан иш ҳам чеки ва ўлчовга тўғри келадик, бундан кейин шу нозик «критика» сўзини «ўлчов» ва «чеки» сўзлари билан таржима қилмоқни истайман. Бироз дағал, албатта, лекин бу қўлланилмаганидан, аслида ундай эмас.

Бу сўзларимни чеки (тарозу)га солинг, ҳаққим бор — йўқлигини фикрлаб кўринг. Агар, чекингиз тўғри бўлиб, хатоим чеки билан ўртага қўйиладиган бўлса, ушбу чекингиздан мингдан — минг рози бўламан.

{7-} танқид

(Иловаи Таржимон, 1896 йил 7 январ, 1 — сон)

Адабиётни ташкил қилган шеър, ҳикоя, фожеа, ривоят, тамсил, латифа, мадҳия, ҳажв боблари мусулмонларга маълум бўлгани ҳолда, унинг энг муҳим қисмларидан «танқид» номаълумлигича қолмоқда. Баъзи асарлар ва одамлар ҳақида

²³ Чеки — 250 килограммга тенг бўлган оғирлик ўлчови

«ҳажв»лар бор бўлса — да, «ҳажв» ҳеч қачон «танқид»нинг ўрнини босмайди.

Танқид адабиётнинг уллови ва мезошидир. Танқиддан матлаб ҳақиқатни кашф этмоқдир. Ҳар бир асар, фикр, ҳатто ишнинг даражаи ҳақиқиясини тайин ва зоҳир қиладиган танқиддир. Танқид шундай бир зиёдирки, ҳақиқий гўзаллик, чинакам фойдали фикр ва амал у орқалигина тайин қилинади. Танқид кўздан кечирмагунча, фикр хатодан, тарих муболағадан, шеър ва ҳикоя кераксиз сатр ва саҳифалардан холи бўлмагани сингари яхши ишнинг ёмон, ёмон ишнинг эса яхши кўриниши эҳтимоли сақланиб қолади. Хулоса шуки, танқид, фикр ва амалнинг мезонидирки, унинг қулланилиши жуда ҳам зарурдир.

Танқид нимадан иборат ва нимадан баҳс юритади? Буни тайин ва баён қилмоқ учун катта бир китоб ёзмоқ керак. Бу ерда, газета имконияти доирасидагина маълумот бермоқни истаймиз ва буни, айни пайтда, ҳар ким тушунадиган суратда баён қилмоқ хоҳишида бўлганимиздан ўртага чиқадиган баъзи қусурларнинг афв этилмоғини умид қиламиз. Кейинроқ ушбу мавзуга доир фикр — мулоҳазалардан аста — секин танқиднинг нима эканлиги атрофлича тушунтирилиб, ундан мақсад гўзаллик ва ҳақиқатни аниқлаб бермоқ эканлиги кўрсатилади.

Танқид, асосан, уч қисмдан иборатдир: 1) танқидоти илмия;²⁴ 2) танқидоти тарихия;²⁵ 3) танқидоти адабия²⁶.

Танқидоти илмия муқаддас китоблардан баҳс юритиб, уларнинг ҳақиқат эканлигини, ёзилганларининг тўғри ўқилишини, ўқилган нарсаларнинг эса, тўғри ва тула англанишини тадқиқ этиб, кашф ва тайин қилади.

Танқидоти илмиянинг нақадар муҳим ва зарур бир нарса эканлигини англамоқ мушкул эмас. Иймон келтирилиши лозим бўлган бир нарсани инкор этмоқ қанчалик оғир гуноҳ бўлса, муболағали бир ҳақиқатни иймон келтириладиган нарсалар сирасига киритмоқ ҳам ўша даражада катта хатодир. Бу хатодан бизни сақлайдиган нарса, танқиддир.

Авом халқ орасида баъзи вилоятларда «Ошиқ Карам», баъзиларида «Бўз йигит», баъзиларида эса «Гўрўғли» авлиёлар қаторига қўйилиши қулоққа чалинади. Булар жузъий танқид орқали курсатиб бериладиган хатолардандир.

Танқидоти тарихиянинг қўлами янада кенг бўлиб, асрлар, замонлар қоронғусидан, турфа хил асар, нишон ва

²⁴ Танқидоти илмия — илмий танқид

²⁵ Танқидоти тарихия — тарихий танқид

²⁶ Танқидоти адабия — адабий танқид

ривоятларнинг турли — туман, бир — бирини инкор этувчи маълумотларидан ҳақиқатни ажратиб олишга хизмат қилади

Муайян бир асарнинг чиндан ҳам биз излаган асар эканлигини, унда келтирилган маълумотлар, фикр — баҳслар матлабимиз бўлган воқеа ёки одамга тааллуқли эканлигини танқид ва тадқиқгина аниқлаб бера олади.

Умумият назарида, танқид, аҳли ислом ҳаётида қўлланилмаган бўлса — да, танқидоти тарихиянинг отаси ва кашфиётчиси мусулмон уламоларидан бўлган Ибн Халдун эканлигини камоли фахр ила тилга олишга бурчлимиз. Ибн Халдуннинг бутун инсоният оламига ушбу йўлда қилган хизматлари Европа уламоси тарафидан эътироф этилмоқда. Тарих ва ривоятларга шифоли «шубҳа» кўзи ила боқиб, ҳақиқат ва воқеъликни муболаға ҳамда миш — мишлар ботқоғидан қутқаришни бошлаб берган Ибн Халдундир. Бу олимнинг машҳур «Муқаддима»си танқидот ила тула улароқ, европача фалсафаи тарихия ва критикаи тарихияга асос қилиб олинган.

Таассуфлар бўлсинким, европаликлар шунчалар баҳраманд бўлганлари Ибн Халдуннинг исми шарифи бизнинг бирорта мулламизга маълум эмас.

Танқидоти адабия жуда эски замонлардан маълумдир. Арасту ва Афлотуннинг асарларида танқид баҳслари учрайди; хусусан, улар шеър, драма ва нафис санъат ҳақида бир қанча танқид қоидаларини қабул қилиб, уни алоҳида фан сифатида шакллантирган эдилар.

Юнонларнинг илми ва маданияти римликларга, улардан европаликларга ўтгани каби, адабий танқид усули ҳам бутунлай Оврупоникига айланиб, янада ривож топди. Инсоннинг фикри, сўзи ва қўлидан зуҳур бўлган барча асарлар атрофлича танқид остига олиниб, ҳар асарнинг гўзаллиги ва фойдаси ўлчанмоғи қоида ҳукмига кирди. Русияда усули танқид Европадагидан ҳам кенг кўламда ривожланиб, гўзал бир касб — корга айланди. Европада танқидоти адабия гўзалликни тадқиқ этиш ва аниқлаш доирасида қолди (системи эстетик), Русияда моддиятта қўл чўзилиб, ҳар бир иш ва ҳолатнинг фойда — зарарини аниқлаш ва айтиб беришга киришилди.

Аҳвол, турмуш тарзи ва мусулмон адабиётини тадқиқ этмоқ учун рус танқидчилиги қоидалари Оврупо танқидчилигидан маъқулроқ кўрилмоқда, чунки у инсонларнинг биргина сўзини эмас, ишларини ҳам тарозуга солишни қоидага айлантирди.

(давоми бор).



«Тиканлар» номли миллий бир роман чоп этила бошланади. «Гуллаар, Тиканлар» газетамиз муҳаррирларидан Абдуллох Бурдубеи тарафидан қаламга олинган. Ҳар қандай тошбағир қавми ҳам ларзага солувчи ғоят мудҳиш, фажеъ ва асрорангиз киноядан, тош қотган кўнгилларга мулойимлик бахш этадиган оғриқ, табиий, лоҳутий бир муҳаббатдан ҳикоя қилувчи бу роман одати миллияга мувофиқ бир суратда ёзилганидиган ғоят шарафли ва шоеъи мутлақдир», деб ёзилибди.

Мазкур роман одати миллияга мувофиқ ёзилган бўлса, бодир, лекин бу тарзда кўзга суртадиган тўғриё шаклида реклама қилиниши одати миллиядан эмас. Бейўғлининг бидъатидандир. Балки, «Гуллаар, Тиканлар» ҳақиқатан ҳам «тош қотган кўнгилларга мулойимлик бахш этар». Лекин буни тасдиқу бодир қиладиган ношир ва муҳаррир эмас, ўқийдиган одамлардир. Акс ҳолда у «Кеб қолинг, обқолинг, нақ шакарқамишдан, юз дирҳами қирқ пул!» дея бақир—чақир қилаётган ҳолвачидан шима фарқ қилади?!

Устунлар остида битилган бир роман нашр қилинмасидан ашвал мадҳ этилади—да, устунларнинг юқорисида битилган моддларнинг қабоҳати негадир баён ҳам, мадҳ ҳам қилинмайди.

«Чоп қилаётган телеграммаларимиз энг сўнги мошиналардан олинади; хабарларимиз энг ҳаққоний хабарлардир; гузал ва таъсирли лисонимизни ҳатто, тил билмаганлар ҳам тушуна оладилар», каби огоҳлантиришлар кўп учрайди. Бу мисолларнинг барчасини «Сабоҳ» газетасидан олдик; лекин сўзимиз фақатгина бу рафиқимизга тегишли эмас. Тонгги, тушқи ва оқшом газеталари ҳам бу хил мадҳия—«огоҳлантиришлар»га ғоят сахийлар. Аслида бундай «сахийлик»ка йўл бермасалар, буюк бир хизмат қилган бўлардилар.

{10—} Муоҳаза

(Иловаи Таржимон, 1897 йил 30 март, 13—сон)

Адабиёти шарқиянинг шеър, ҳикоя, дуруби амсол, латифа, мадҳия, марсия, ҳажв каби қисмлари аввалдан мавжуд бўлиб, роман, фоғия ва комедия кабилар сўнгроқ қўшилганлигидан, ушбу ақсоми адабия³⁰нинг энг эскиси бўлмаса—да, энг муҳими ҳисобланадиган «муоҳаза», айтиш керакки, ҳали ҳам юзага

²⁸ Бидъат — жорий қилинган янгилик

³⁰ Ақсоми адабия — адабиёт қисмлари

чиққани йўқ. Тўғри, ҳажв бир қадар муоҳаза ишини бажармоқда, лекин у ҳеч қачон муоҳаза ўрнини боса олмайди. Ҳажв нуқсондан қўполгина қилиб хабар беради, холос. Муоҳаза «яхши»нинг «ёмон»ини, «ёмон»нинг «яхши»сини курсатиб беради. Фарқ – шунда.

Муоҳаза хоҳ аччиқ, хоҳ ширин, кашфи ҳол ва ҳақиқатни излашдан ва ҳар нарсанинг моҳияти ҳақиқиясини тайин қилишдан иборатдир. Муоҳазадан олинадиган истифода муоҳазанинг қудрати фикрияси ва мулоҳозоти ҳукмиясига боғлиқдир. Қувватсиз муохиз³¹ сафсата сотади; қувватли муохиз буюк хизмати адабияда бўлади.

Ҳар ишнинг, воқеа ва асарнинг мезони бўлган «муоҳаза»нинг Шарқда ўз ўрнини топа олмай, унинг ўрнини фақатгина сукут ва мадҳия эгаллагани таассуфли ҳолдир. Шарқдаги фикрий турғунлик муоҳазанинг йўқлигидан эмасмикин, деб ўйлаб қоласиз.

Европадаги фикрий уйғониш муоҳаза пайдо бўлганидан сўнгра оёққа қалқиди. Аҳли маълумотга булар сир эмас. Шарқ муҳаррирлари орасида муоҳазанинг қадр – қийматини биладиганлар кўпдир. Аксар муҳаррирлар бир ёки икки ғарб тили билганлари сабабли европача муоҳазанинг қандай иш кўраётганидан хабардорлар. Лекин, адабиёти арабия, туркия ва форсия муоҳаза бобидан бу кунга қадар маҳрум қолмоқда. Бунга айбдор муҳаррирлар эмас, балки «аҳвол» ва бир даражада «анъана»дир. Лекин биродарлар, бизни афв этсинлар, қисман айб бизларда, яъни ёзувчиларда ҳам бор.

Фараз қилайлик, «аҳвол»ни енгадиган даражада қувват, «анъана»га қарши борадиган қадар жасорати мадания бўлмасин. Аҳвол ва анъана монёъ бўлмаган пайтларда ҳам муоҳаза ўрнига мадҳия; «йўқ» дейиладиган ерда, «лаббай, афандим», дея йўл чизиб, қалам судрамоқни «қалам айби» дейиш оз. Буни ҳеч адашмай, «қалам хиёнати» дейиш мумкин.

Узун бу муқаддимадан муродимиз, кичик бир орзу: Агар, барча муҳаррирлар нима ёзсалар муоҳазани кўзда тутиб, нима ўқисалар ва нима кўрсалар кўрганларини муоҳазага солиб, қалам тебратсалар, Шарқнинг ислоҳига ва таждиди афкор³²ига жуда катта хизмат қилган бўлардилар.

«Макон ва замон монёъдир» жавоби бўлса, қадрол ҳол³³ ёзиш керак, деймиз. Чунки, туннел орқали ўтиб бўлмайдиган

³¹ Муохиз – танқидчи

³² Таждиди афкор – фикрлар янгилануви

³³ Қадрол ҳол – имкон қадар, имкони борича

тодан арава йўли орқали ўтилади; арава йўли ҳам йўқ бўлса, отда кичик сўқмоқлар билан ўтиш мумкин.

Ёлғиз атроф — оламга, ёхуд бугунги кунга эмас, келажак замонларга ҳам хитобан ёзиш гоят шарафли эканлиги ҳаммага маълум. Тўрига тўри, эрига эри, ёмонга ёмон, гўзалга гўзал дейишлик, бу шарафнинг асоси олиясидир. Акс ҳолда, қалам ҳеч қачон шон — шараф келтира олмайди. Аҳвол ва анъана сўйлатмайди, монетьдир; ҳа, аммо сукут қўлимизда эмасми?

Фалон одамнинг иши ёмон; ёки фалон асарнинг маводди мундарижаси беш пулга қиммат дейишга мусоада ёки жасорат йўқ бўлса, ўша одам, «шундай олимдир, шундай ғанийдир» ёки мазкур асар «гоят муфид бир нарсадир; ҳар кутубхонани кўрки бўлган бир китобдир», дея, хилофи ҳақиқат ёзишга бизларни мажбур қиладиган қуввати ҳам бўлмайди. Сукутда ихтиёр қўлдадир.

Мажмуаларнинг бирида «фалон шаҳзода ниҳоят даражада олимдир; марҳамати ва саховати машҳурдир; ватанга хизмати шоёни ташаккурдир, маорифи миллияга муҳаббати ва маорифнинг кенг ёйилишига хизмати буюқдир» сингари иборалар кўрганимда, «олим» эканлиги нимадан маълум; марҳамати, саховатини нима исбот қилади, ватанга хизмати нимадан иборатки, вужудига шукрлар айтилсин, маорифга муҳаббати, унинг тарқалишида қилган ғайрати нимадан иборат, таъсис қилган мактаблари қаерларда, ўз ёнидан ўқитиб, миллатга бахшида айлаган чироқлари қанча, кимлар, қаердалар саволарига жавоб топа олмадим. Ҳолбуки, далилсиз сўзлар сел суви мақомидадир; келади — кетади, фойдаси ва таъсири бўлмайди, зарари бўлиши мумкин.

Мана шу тарзда таржимаи ҳолларни ёзиш «муоҳаза мастур³⁴» ҳисобланади ва таъсири танбал ва афкорсизларнинг яна бир қадам илгариланишига сабаб бўлади ва аҳолининг кўзига оддий, оқ маъдан — кумуш ўлароқ кўринмайди. Бу ҳам катта фойда.

{11—} Мажбурий эмас, лозим жавоб

(Иловаи Таржимон, 1897 йил 13 апрел, 15—сон)

Газетамизнинг 1896 йил 26—сонида чоп этилган «Муоҳаза ва мулоҳаза»да бир муҳаррирнинг ёзганини ёки ноширнинг нашр қилганини мадҳ этиб, уни ўтказишга уриниш мувофиқи адаб эмаслигини айтиб, мисол сифатида «Сабоҳ» газетасидан

³⁴ Муоҳаза мастур — пинҳон қоралов

«Бир махсус огоҳлантириш»ни келтирган эдик. Нима қилганда ҳам мулоҳазамиз биргина «Сабоҳ» рафиқимизга тегишли бўлмаса — да, «Бир жавоби мажбурий» ёзиб, «Таржимон»ни қаттиқ сиқув остига олдилар ёки олмоқчи бўдилар... Марҳамат, қараб кўринг, нима дейдилар:

Газетамизда нашрга тайёрланаётган «Гуллар, Тиканлар» романи ҳали босилмасидан туриб, усули одатимизга кўра, мазкур романнинг мавзу ва моҳиятини баён этиб, арбоби мутолаа³⁵нинг диққатларини жалб қилмоқ мақсадида «Бир махсус огоҳлантириш» ёзган эдик.

Бу махсус огоҳлантириш ҳар қалай, Қримда чиқаётган «Таржимон» газетаси соҳиби имтиёзининг ҳушига ёқмаганидан, охириги сониди «Муоҳаза» унвони билан бекорчи гаплардан иборат бир неча устунлик сафсата чоп қилибдилар.

«Таржимон» газетаси бир муҳаррирнинг қалами маҳсули бўлган бир романни арбоби мутолаага тавсияси учун махсус бир фикра³⁶ ёзмоқни хайсияти каломиядан маҳрум бўлмоқ, деб талқин этибди.

«Мадҳу сано бўлмаган бир нарсага хом хаёл билан бу хил оро бериш, газетачиликда хайсияти каломияни ҳар ҳолда ундан кўпроқ билган ва муҳофаза қилганларга дарси адаб бериш...»

«Сабоҳ»нинг жавоби жуда узун, лекин масалага оид нуқталари юқорида ёзган сатрларимиздан иборат. Муоҳазамизда ишлатган «бир қанча алфози ғализа», «сафсата» ва «бир қаҳвахона остонасида айтилмайдиган» сўзларимиз ва «Таржимон»дай бир газетачи бўлганимиз учун газетачи ҳисобланмаслигимиздан ҳақиқатда мутаассиф ва маҳжуб³⁷ бўлдик. Шундай бўлса — да, хайрли «Сабоҳ»нинг лисони нозиконасидан қатъи назар ишни кўриб чиқайлик: «Сабоҳ» рафиқимизнинг ёзишича, «махсус огоҳлантириш» мадҳу сано бўлмай, фақатгина романнинг мавзу ва моҳиятини арбоби мутолаага баёнидан иборат эмиш. Бундай бўлса, жуда ҳам яхши. Демак, маълум бўладики, мадҳу сано «Сабоҳ»да ҳам биздаги сингари муносиб кўрилмайди; шунга мувофиқ, фикримиз бир, лекин рафиқимизнинг ёзган огоҳлантиришини тушунмай, оддийгина бир хабарни мадҳ деб ўйлаб, мақола ёзиб, гўё тентаклик қилганмизки, биз буни қабул қилолмаймиз. Мазкур «огоҳлантириш» будир; Хўш бу, «xabар»ми, «мадҳия»ми?

«Эртадан эътиборан «Гуллар, Тиканлар» номли миллий бир роман чоп этила бошланади. Ҳар қандай тошбағир юракни ҳам

³⁵ Арбоби мутолаа — ўқувчи аҳли

³⁶ Фикра — ихчам адабий — танқидий жанр

³⁷ Маҳжуб — уялмоқ

ларзага солувчи ғоят мудҳиш, фожеъ ва асрорангиз жиноятдан, тош қотган кунгилларга мулойимлик бахш этадиган соф, табиий, лоҳутий бир муҳаббатдан ҳикоя қилувчи бу роман одати миллиямизга мувофиқ бир суратда ёзилганлигидан ғоят мароқли ва шоёни мутолаадир.»

Агар, юқорида ёзган сатрларимизга оддий хабар, дейдиган бўлсак, ҳеч қабул қила олмаймиз. Чунки, нашр қилинадиган бир роман ҳақида арбоби мутолаага хабар бериш лозим бўлса, «фалон муаллифнинг илмий (ва ёки миллий) ва ёки (тарихга оид) фалон романи», дейишлик етарли. Катта олами матбуотда «усули одатига кура» мана шундайдир. Таназзул даври инглиз, француз, олмон ва рус матбуотига бир назар қилинг; кўрасизки, «фалон романчининг (масалан, Золянинг ёки Шпильгагеннинг) янги бир асарини нашр қила бошлаймиз», каби хабар билан кифояланилмоқда. Лекин «огоҳлантириш»га мазкур асарда қаламга олинган воқеалар шу қадар мудҳишки, арбоби мутолаанинг юраги орқасига тортади; шу қадар кулгулики, кула — кула то Макри қишлоғигача бориб қолади, сингари баёнот илова қилинса, ҳолвачининг бақириш, чақиришига ўхшамайдими?!

Ранжиш, аччиқланиш керак эмас; газетачи бўлганингиздан кейин уялиш ҳам тўғри келмайди. Қўпол ёки ҳаммолчасига лисонимиз билан айтганларимиз ҳақиқат, «бир одам ўзи ишлаганини ёки ёзганини ўзи мадҳу сано қилмаслиги керак ва ҳатто, яширин равишда ҳам илгари сурмаслиги керак», деймиз. Бунга Шарқу Ғарб ҳамда ўзингиз ҳам кўшиласиз. Шунга мувофиқ, вазифангиз жуда оддий: Ёзган «огоҳлантириш», оддий огоҳлантириш эканлигини, реклама ва мадҳия эмаслигини арбоби мутолаага тушунтиришдан иборат.

Илмий бир асарнинг моҳият ва даражаси мутахассислари тарафидан; адабий бир асарнинг тарзи ифодаси, усули тасаввури, таъсири, фойдаси муохиз ва ўқувчилар тарафидан тайин бўлиши, умумий қоидаи адабиядир. Боғчасарой газетасининг «бекорчи» «сафсата»си эмас. Мени айтганларимга қоникмасангиз Самибей, Аҳмет Мидҳат афанди ва Абузиё Тавфиқбей афандиларга мурожаат қилишингиз мумкин.

Мезон (Адабий—маиший ва танқидий баҳслар)

— Баракалла, Ориф оға, на ишлаюрсиз?

— Иштирокиюн мазҳабини интишора чолишиюрам. Қарориб³⁸ қолмишсиз, халқлари оқартмоқ, очмоқ керак. Зоти ҳазрат ҳаётбахш Қарл Маркс афандимизинг ҳадиси зарафшонлариндан бизим бадбахтлари ҳиссаманд эдажагим...

— Эй, Сулаймон оғой, на ишлаюрсиз?

— На ишляяжагим? Иштирокиюннинг тарзи ҳаракатиндан хайр маъмул³⁹ дагилдир, аммо мазҳаби интишора чолишмали. Ажала этмамали, тадрижота салом вермали... Сўсиал — демократлиқ маслакининг хидматинда бўлиниюрам.

— Эй сиз, Убайдулла бобой, на ҳолдасиз?

— Чўқ яхши ҳола дагилим: бир тарафдан мутаассиблар, дигар тарафдан ифротчилар (мутаассибини жадида) заҳмат вериюрлар. Бири қуйи⁴⁰яа тушмиш миллати ер юзина чиқармайи истамаюр, дигари қуйидаги миллати кўк юзинда учирмая чолишиюр. Бўйла маслақлар жоиз дагилдир. Баним маслаким соддадир: Миллати қуйидан ер юзина чиқормали ва баъда кўк юзинда учирмали ҳурриятлар машрутиятлар маслакиндаям... Эй, сиз ўзингиз нишлаюрсиз, афандим.

Помуқ⁴¹, кандир, юн⁴², қил, қуш қанотлари ва сойир уфоқ — туфак⁴³ шайлар ила машғулам...

— Вой — буй... Айб дагилми шулай муҳим замонда помук, кандир, қил каби йўқ нарсалар ила маташиб турасин. Мен сени киши деб ўйлаган эдим! Шул йўқ нарсаларни нишламакчи бўласин?

— Айбқа санамангиз, Убайдулла бобой. Мен вет⁴⁴ сизга хидмат қилажақ бўламан.

— У ниндай хидмат? Ну — ка скажи!

— Қилдан, кандирдан ип ўраман, қанотлардан ҳаво қайиғи ишлайман.

— Бунлар на керак?

— Қуйидан киши тортқанда сиза ип керак ўлуб, кишилари ҳавода кездиражак — да қанот ёки ҳаво қайиғи лозим бўлур деб маташам.

³⁸ Қорайиб

³⁹ Кутилган яхши нарса

⁴⁰ Қудуқ

⁴¹ Пахта

⁴² Жун

⁴³ Майда — чуйда

⁴⁴ Русча «ведь»

— А я брат, об этом позабил! Чиқингиз қуйидан деб қичқирам, чиқмаюрлар, ўлмиш миллат, «миллати мархума» деб (ганч турклар лугатиндан), сўқуб, ачувлануб турам.

— Вой мани эски дўстим, табдила жон афанди! Бу на ҳол бу? Чалма⁴⁵ десам, чалма дагил, шлапа десам, шлапа дагил...

— Бу бошқа бир шай, о, қўзим, маслак жадид ва фикр жадид

— Бошга қурбон ўлайим! Сўйла, бунлар надан иборат?

— Маслаким маслаксизликдан, фикрим фикрсизликдан иборат.

— О... Аммо натижаси на ўлажақ?

— Ҳо, киши, маслаксизликдан афтунумия, фикрсизликдан федерасия дуғажақ, буни англамаян қолмади! Сан нарада эдинг?

Ушбу сочма—сопон сатрлари ўқуб англаяжақ мингда бир киши ворми? Англаянлардан ҳазм эдажак бир киши ворми? Масала будир.

«Таржимон» г., 1906 й. 58—сон

Мезон (Адабий—маиший ва ганқидий баҳслар)

Есть что—то роковое, трудно объяснимое в отношении к народу нашей (пока малочисленной) интеллигенции. Сказать, что она, эта интеллигенция не любила бы народ—нельзя, но однако странный факт на лицо; до освободительного движения эта интеллигенция (говорим о большинстве ее) стояла в стороне и на право от народа, а с начала освободительного движения перебросилось в сторону же, влево...и народ в массе опять предоставлен самому себе. Между тем ему так нужны теперь знающие свои, родные люди. Странное явление.

Қардошлар, на ажойиб ҳоллардир бу бизим ҳоллар! «...Зиёли», «маълумотли» табақай олиямиз ўлажақ мусулмонларинг бош гўстардиклари йигирма беш—ўттиз сана ўлиқор. Тарих бунлар ҳақинда на сўйлар, ажабо? Ибтидо деяжагим уддирки, бунлар, яъни мусулмонлар ёпун муҳорабасиндан ва даври ҳурриятдан муқаддам миллатинг ўнг тарафинда узоқча бир нуқтада бўлинулар эди. Даври ҳуррият очилдиғи ила бунлар ғазал⁴⁶ каби сачраюб, миллатдан сўл тарафа яна узоқча бир нуқтая тушдилар. Хаста ва табиба муҳтож ўлдиғи каби миллат ҳар вақт бунлара муҳтож бўлиндиқда. Бунлар миллатинг иларусина тушмаюб—да, гоҳ соғда—да, гоҳ сўлда юражаклари мутаажжиб ва ажойиб дагил эса, надир? Ҳар милагинг табақайи олияси миллатинг боши учинда ва иларусинда бўлинура бизда на учун бўйла ўлмаюр?

⁴⁵ Салло

⁴⁶ Кийик

Бу сўзлар упка – фалон дагилдир. Баёни ҳол ва орзуйи даводир. Ҳар нарада уч – беш зиёли мусулмон бўлинув эса, аксари ниҳоят, саволлар ва ифротиюн доирасина мансуб қурилув. Аксариятинг алинда ёғлиқ, олами инсоният учун оҳ – воҳ эдарак оғлаюрлар. Биз, турклар учун оғлаяжақ кимдир? Эвет⁴⁷, олами инсоният яхши ҳолда дагилдир, лекин бизим ҳолимиз даҳа фано, даҳа мушкулдур! Олами инсониятинг одамлари, хадамалари⁴⁸ чўқдур, биз учун оғлаян йўқдур!

Қардошлар, келинг биз бизлар учун оғлаялим, миллатимиз олам хорижинда дагилдир. Миллатимизинг, фуқаромизинг душмани ва балоси мулкдорлар ила сармоядорлар дагил, жаҳолатдир. Келинг, жаҳолата қарши даво эдалим. Бу душмани сўндирмадикча бошқа бир иша голиб ўламайиз. Сиз бунлари билмаз, англамаз дагилсиз. 1300 санадан бери табшир буюрулмиш алифбойи тамом ўқумаян ва бир нисфи бадавий ўлан тоифая энг мутамаддун, энг мутараққий миллатларинг даҳа ўз орасинда қабул эдилмиш тасаввур ва хаёлоти сизлар бизлара насил⁴⁹ қабул этдиражақсиз? Тасаввур этдигингиз олий саройлар, иморатлар майдона келана қадар қавмимиздан балки асар ва нишон қолмаяжақ бир душуналим: бизи кўксинда билмиш, қучоғинда эсиргаюб, оёқландирмиш ва олама чиқормиш ё Хадича ё Фотимадир. Шу ожиз ҳолимизда бунлара ва бизлара гизо ва нон кетуран ё бир Муҳаммад ё бир Али эди. Ҳеч бошқа кишилар дагил эди. Шимди бунлар бизлара муҳтож, бошқалар сафода, бунлар ҳап оч. Надир бизни мажбур эдан – бунлари бироқ – да, қоч!

– Эй, муҳаррири қарт, бу санинг билдигинг шайлар дагилдир, Биз санга айб этмайиз, сан – да воз кеч!... Бизлар ўлдиқ фидокор, эдажақсиз жумлайи хункор! Худдама⁵⁰йи бахтиёр, жумла лисони поядор!

Аммо бизим миллат на ўлажақ?!
* * *

Чўқ тушундим⁵¹. Ўйладим, бу на ҳикматдир? Охириси, азиз хадичалар, фотималар сизларинг оёқларингизга тушуб, ниёза қарор вердим: Эй, исматли оналар! Миллата Сиз марҳамат этинг, қучоғингизда бўлинан мини – мини наврузларга, қонтемурларга ёғиз сут вермангиз. Муҳаббати миллия ва дурус⁵²и адабия верингиз! Миллатинг мисол ва ҳикматиндан,

⁴⁷ Тўғри

⁴⁸ Хизматчилари

⁴⁹ Қандай

⁵⁰ Ходимлар

⁵¹ Уйладим

⁵² Дарслар

қаҳрамонларимизнинг ишлариндан, шоирларимизнинг жонли, лазиз сўзлариндан ичларина ҳисса қўйингизда сўнгра қапу⁵³дан чиқарингиз. ...

Волидалар, миллат бизлара дагил, Сизлара муҳтож. Волидалар, билмиш ўлингиз, умид – сизда. Нажот сиздан. Биза миллатчи ўғуллар, баҳодирлар веринг!

«Таржимон» г., 1906, 20 сентябр, 106 – сон

Мезон. Адабий, маиший, ганқидий баҳслар

Матбуоти жадидамизнинг иккинчи санасина кирилди. Ҳозирда ўн уч газетамиз ва ўн турли ҳафталик ва ойлик мажмуаи маваққата⁵⁴ларимиз давом этмақдадир. Бу ҳол муҳаррир қардошларимиз ва жамоатимиз учун буюк шарафдир. Жаноби Ҳақ давом ва ривожини версун.

Кечан сана газеталаримизнинг ёза бошладиқлари «ерли шевалар» тавҳиди лисон⁵⁵ ва лисони адабия⁵⁶ масаласининг ҳалина⁵⁷ монё ўлурлар қўрқуси ила хейли ҳуркмиш эдик ва бундан бўйла бир неча муохаза⁵⁸лар ёзмиш эдик. Бу сана газеталаримизнинг усул ва услуби таҳририясинда шу қадар тараққий ворки, матбуоти миллиямиз маъмул ўлмаян даражада тавҳиди тил ва лисони адабия йўлинда суръат ила ҳаракат эдиюр.

Кечан сана «муохаза» каби ёздиқларимиз шайлар хайрихоҳона ёзувлар ўлдиғина қаноат ҳосил ўлмишдир умиди ила тасалли топиюруз.

«Лисони адабиядан маҳрум миллат дагилдир» ҳикматина биноан «Таржимон»нинг йигирма беш санадан бери чолишдиғи бу моддадир! Бир моддадир, лекин моддаларинг асосий негиз моддасидир.

«Иттифоқ», «илм», «маориф», «тараққий», «адабиёт», «мухторият» на гўзал шиордир. Лекин ҳар қайси учун энг ибтидо ва энг зиёда лозим ўлан «лисони адабия»дир.

Мутаваффий⁵⁹ Илминский⁶⁰нинг собиқ раҳбон⁶¹ вазири Пубаданўсчеф⁶²а ёздиғи хусусий мактубларининг биринда «Қрим

⁵³ Эшик

⁵⁴ Вақтли туплам(журнал)

⁵⁵ Тил бирлиги

⁵⁶ Адабий тил

⁵⁷ Ҳал бўлишига

⁵⁸ Суриштириш

⁵⁹ Марҳум

⁶⁰ Машҳур миссионер, шарқшунос Н.И. Ильминский (1822 – 1891)

⁶¹ Раҳбар маъносида

⁶² К.И. Победоносцев (1827 – 1907).1880 – 1905 йилларда Синоднинг обер – прокурори бўлган эди.

миллатчиси Сибирия ичариларина қадар темур занжир узатуб, мухталиф⁶³ жинс ва шева ўлан ақвом⁶⁴и бирлаштирмая ва жумласи учун усмонли шевасина қарийб⁶⁵ бир шева қабул этдирмая чолишдиғи иларуда Русия давлатини муқаддар⁶⁶ ва мугазаррир⁶⁷ эдажақдир» дедиги, бир назардан, муболага ва таассуб эса, дигар назардан ишинг, яъни умумий лисоннинг аҳамиятини густармақдир.

Чўқ бахтиёризки, аскар муҳаррир рафиқларимиз умумий лисон аҳамиятини билтажриба англаюб, бу йўлда қадару – л – ҳол хидмат этмақдалар.

Матбуотимизинг гўзал бир ҳоли даҳа икки, баъзан уч ўлан рафиқимиздан моадаси «маслаки миллия» доирасинда чолишдиқларидир. Маслаки миллиядан чиққанларинг ва оп – оқ қадет ўланларинг миллият доирасина кирдиклари бу гўзалликка бир иловадир.

«Қадет» дедигим учун қадетлиги таҳқир зан эдилмасун. Фақат миллияти ҳар шайдан даҳа аъло кўрдиким учун «гўзаллиги» иловая мажбур қолиюрам.

Мажмуаларимиз орасинда нафосати табъ ила «Тарбияйи атфол»⁶⁸ биринчи мавқеъ қозонмишдир. Лисони адабияси ила «Фуюзот»⁶⁹ энг иларудадир.

«Ад – дин вал – адаб»⁷⁰инг масоили шаръия⁷¹ баҳслари шоёни диққатдир. «Ал – асру – л жадид»⁷² ўлдиқча гўзал тартиб ўлиниюр ва бохусус шоир Тўқаев⁷³ жанобларининг нафис сатрлари ила зийнатланур. «Дабистон»⁷⁴ ва раҳбар» мажмуаси усули тадриса жиддий хидмат этмақдир.

Бизим «Олами нисвон»⁷⁵ даҳа лозимича майдон оламаюр. Хотин – қизларинг лисона ошно ўлмадиқлари иша буюк огирлик вермақдир. Бу жиҳатдан, «Олами нисвон» «Таржимон»инг кечирдиги мушкулот ила ўғрашмоқдир.

Ҳажвиёта доир ўлан тўрт мажмуамиз орасинда «Мулла Насриддин»⁷⁶ биринчиликда давом эдиюр. Ҳар нухсаси камоли

63 Ҳар хил

64 Қавмлар

65 Яқин

66 Кунгилни хира қилмоқ

67 Зарар етказувчи

68 «Болалар тарбияси» дегани, 1907 йилда Москвада чиққан журнал

69 1906 – 1907 йилларда Бакуда чиққан журнал, маъноси: файзлар

70 Қозонда 1906 – 1917 йилларда чиққан журнал

71 Шариат масалалари

72 1906 – 1907 йилларда Уральскда чиққан журнал.

73 Машҳур Абдулла Тўқай (1886 – 1913)

74 Ўқиш жойи

75 Дёллар олами, 1906 йилда Гаспринский чиқарган журнал

76 1906 йилдан Бокуда Жалил Мамадқулизода чиқарган журнал

лаззат ила ўқулуб, расмлариндан бир чўқ ибрат олинмақдадур. Бу каби нашриёт ва расмларинг оғир курилажаги табиийдур. Лекин даҳа чўқ замон кечмаз, «Мулла Насриддин»нинг қадру қиммати маълум ўлур.

Душман кулгуси оғирдир. «Мулла Насриддин» душман дагил, миллий дўст ва хожа⁷⁷дир. Бунинг кулгусина таҳаммул⁷⁸ лозимдир, чунки шарр⁷⁹ учун дагил, хайр учун кулмақдадир.

«Чўкич»⁸⁰, «Қарчиға»⁸¹, «Ўқлар»⁸² ҳажвиёти «Мулла Насриддин»а кўра пек қабо⁸³, пек соддадир. Расмлари эса, ҳеч қиёс қабул этмаз. Мусоада буюрсалар, бу рафиқларимиза деяжагимиз бир сўз «назокат ва яна назокат»дир.

Назокат ҳар шайда лозимдир, қалам ва адабиётда боҳусус. Ҳажв ва танқид адабиётинг буюк ва муфид⁸⁴ бойларидир. Лекин мувоҳиз⁸⁵ ва мунтақид⁸⁶ пек диққат этмалидирки, сўзи ва дарси гийбата ўхшамасин.

Матбуотимизча таассуф ўлинуру бир ҳол — да вордир: бу Тошканда зуҳур этмиш «Тараққий» ва «Хуршид» рафиқларимизинг боғландикидир. Озиейи Вусто⁸⁷ учун расмий «Туркистон газети» кофий дагилдир.⁸⁸

«Таржимон» г., 1907, 14 — сон

МАНБАЛАР

И. Гаспринскийнинг адабий — танқидий мақолалари интернет саҳифаларидан олиб тайёрланди. Уларни туркиялик таниқли адабиётшунос профессор Явуз Акпинар «Исмоил Гаспиралибейнинг адабий танқидлари» номи билан киритган. Матн «Турк дили ве эдебияти арашгирмалари дергиси» (1X, Измир, 1998 с. 87 — 115, Эгей уриверситети, Адабиёт факультети ёйинлари) асосида тайёрланган. Ноширнинг қайд этишича, мақолалар «Таржимон» газетаси ва унинг иловаларидан олинган.

⁷⁷ Муаллим

⁷⁸ Сабр — тоқат

⁷⁹ Ёмонлик

⁸⁰ 1906 — 1910 йилларда Оренбургда чиққан журнал.

⁸¹ Оренбург (1906)

⁸² Уральск (1906)

⁸³ Қупол

⁸⁴ Фойдали

⁸⁵ Олувчи, қабул қилувчи

⁸⁶ Танқид қилувчи

⁸⁷ Ўрта Осиё

⁸⁸ Кифоя эмас.

Сарлавҳалардаги «Танқид» калимаси руқнини отидир. Катта қавс ва унинг ичидаги рақамлар ношир томонидан қўйилган. Куринганидек, мақолаларнинг кўпчилиги сарлавҳаланмаган. Мазкур мақолалардан айримларини намуна сифатида ушбу нашрга киритар эканмиз, уларни излаб топиб, юз йиллик танаффусдан сўнг ўқувчиларга илк бор ҳавола этган заҳматқаш тадқиқотчи профессор Явузбейга ўз миннатдорчилигимизни мамнуният билан билдирамиз.

«Мезон. Адабий, маиший, танқидий баҳслар» мавзuidaги мақолалар «Таржимон» газетасининг 1906 йил 58, 106 – сонлари ва 1907 йил 14 – сонидан олинди.

И. Гаспринскийнинг адабий – танқидий мақолалари проф. Б. Қосимов ва ўқитувчи – тадқиқотчи З. Абдирашидовлар томонидан нашрга гайёрланди.

ХИСЛАТ

ШЕЪРЛАР

Ғ А З А Л Л А Р

Худоё қилмадим сенга дилу жон бирла тоатни,
Кечурдим беҳуда умрим кезиб роҳи залолатни.

Қаю юз бирла боргумдур қаро ер остиға ё раб,
Юриб устида қилдим элга кўб бўъзу адоватни.

Илоҳо, айлагил гўё забонимни жавобиға
Кириб Мункар Накир гўр ичра, бас, қилса сиёсатни.

Едум, ичдум жаҳонни айшиға мағрур бўлиб, лекин
Дилимға олмадим ҳаргиз ҳисоби ул қиёматни.

Гуноҳимни худовандо ўзинг афв этмасанг мушкул,
Ҳамиша айладим фисқу фужур, кизбу хиёнатни.

Каримо тингла сан фарқи гунаҳ Хислатга жаннатдин
Карам қил аҳли маҳшар ичра чектурмай хижолатни.

* * *

Хат юбориб кор дафъи ғам қилинг,
Яъни бу ғамгин дилим хуррам қилинг.

Мубталодурман жудолиғ дардиға,
Раҳм этиб, бу дарда сиз малҳам қилинг.

Хасм ўлубдур иккимизға ҳар киши,
Рашк боридин қад(д)ини ҳам қилинг.

Бир неча ёлғон ва бўҳтон сўз ила,
Қилса иғво кимки, сиз мулзам қилинг.

Лутфу эҳсонлар гадоларға баса,
Ўтмасун то вақти ушбу дам қилинг.

Сизга бергондур худойим ҳусни хўб,
Ҳамд этиб ҳақ шукрини ҳардам қилинг.

Айрилиб, Хислат қалай ҳолинг дебон,
Хат юбориб гоҳ дафъи ғам қилинг.

* * *

Ўшит арзимни эй шоҳи замона,
Кул ўддум ҳажр ўтига ёна — ёна.

Санамлар ичра йўқтур санга монанд,
Эрурсан хублиғда ягона.

Юрурман табакай эй, Лайли осо,
Бўлуб ишқингда Мажнундек фасона.

Лабингни рашкидин лаъли Бадахшон
Қизилдур, ботмиш ул гўёки қона.

Боқиб йўлунгга жоно эртаю кеч,
Оқар ашким кўзумдин дона — дона.

Ёзиб хуни жигардин ушбу иншо,
Шаҳо, қилдим санга бу дам равона.

Карам айлаб, жавобин тез ёзгил,
Бу Хислат сори эй шоҳи замона.

* * *

Бу кун сизларга арбоби фаросат,
Қилай ман Тўйчихондин бир ҳикоят.

Ниҳоятда ўзи дилдору дилкаш,
Муҳайё суҳбатида неча маҳваш.

Олиб соз илкига қилса тараннум,
Бўлурлар сомиъ ул дам барча мардум.

Ҳама беихтиёр «Раҳмат!» дегайлар,
«Жаҳонда чекмагай заҳмат!» дегайлар.

Қилибдур аржуманд элга худованд,
Бўлолмас ҳеч хушхон бунга монанд.

Бу янглиғ бўлса ҳам йўқдур биноси,
Анга бирдек жаҳон шоҳу гадоси.

Анинг — чун шуҳрати оламни туткан,
Демай олам, фалак тоқидин ўткан.

Жаҳон борича сурсун даври даврон,
Ки юрсун, кўрмасун ғам, шоду хандон.

Худоё, давлатин ҳаддин фузун қил,
Қилиб ризқин зиёд, умрин узун қил.

Кел, эй Хислат, сўзинг эмди адо қил,
Ки утмай фурсат азми муддао қил.

* * *

Биҳамдиллоҳ дилимдин кетти қайғу,
Етиб итмомиға бу «Жанги Барзу»⁸⁹.

Эди форсий тилида нусха аввал,
Анинг чун эрди элдин махфи ушбу.

Бериб кўп сийму зар қилдирди туркий,
Ани Ҳожи Исо хуштабъу хушхў.

Саховат бобида гўёки Хотам,
Эрурлар базмидин эл барча мамлу.

Хати Шавкат хатидур, мулки хатнинг
Мусаххар айлаган мисли Ҳулоку⁹⁰.

Тамом ўлғунча ушбу жангнома,
Кўзумға келмади бир кеча уйқу.

Хирад майдонида Хислат чопибон,
Тафаккур отини ҳар ёну ҳар су.

Деди солин, э – рўйи нақлу итмом,
«Таажжуб, дoston «Жанги Барзу».

* * *

Ширин ғазаллар жамъ айладим то
Қилдим ўзимдин дўстларға савго.

Шулдур умидим кўрганда ҳар ким,
Қилса дуолар ҳаққимға гоҳо.

⁸⁹ Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидан қилган тажмаси устида ғам кетмоқда

⁹⁰ Чингизий ҳукмдорлардан

Эшит арзимни эй шоҳи замона,
Кул улдум ҳажр утига ёна — ёна.

Санамлар ичра йўқтур санга монанд,
Эрусан хублиғда ягона.

Юрурман табакай эй, Лайли осо,
Бўлуб ишқингда Мажнундек фасона.

Лабингни рашкидин лаъли Бадахшон
Қизилдур, ботмиш ул гўёки қона.

Боқиб йўлунгга жоно эртаю кеч,
Оқар ашким кўзумдин дона — дона.

Ёзиб хуни жигардин ушбу иншо,
Шаҳо, қилдим санга бу дам равона.

Карам айлаб, жавобин тез ёзгил,
Бу Хислат сори эй шоҳи замона.

* * *

Бу кун сизларга арбоби фаросат,
Қилай ман Тўйчихондин бир ҳикоят.

Ниҳоятда ўзи дилдору дилкаш,
Муҳайё суҳбатида неча маҳваш.

Олиб соз илкига қилса тараннум,
Бўлурлар сомиъ ул дам барча мардум.

Ҳама беихтиёр «Раҳмат!» дегайлар,
«Жаҳонда чекмагай заҳмат!» дегайлар.

Қилибдур аржуманд элга худованд,
Бўлолмас ҳеч хушхон бунга монанд.

Бу янглиғ бўлса ҳам йўқдур биноси,
Анга бирдек жаҳон шоҳу гадоси.

Анинг — чун шуҳрати оламни туткан,
Демай олам, фалак тоқидин ўткан.

Жаҳон борича сурсун даври даврон,
Ки юрсун, кўрмасун ғам, шоду хандон.

Худое, давлатин ҳаддин фузун қил.
Қилиб ризқин зиёд, умрин узун қил.

Кел, эй Хислат, сўзинг эмди адо қил,
Ки ўтмай фурсат азми муддао қил.

* * *

Биҳамдиллоҳ дилимдин кетти қайғу,
Етиб итмомиға бу «Жанги Барзу»⁸⁹.

Эди форсий тилида нусха аввал,
Ланинг чун эрди элдин махфи ушбу.

Бериб кўп сийму зар қилдирди туркий,
Ани Ҳожи Исо хуштабъу хушхў.

Саховат бобида гўеки Ҳотам,
Эрурлар базмидин эл барча мамлу.

Хати Шавкат хатидур, мулки хатнинг
Мусаххар айлаган мисли Ҳулоқу⁹⁰.

Тамом ўлғунча ушбу жангнома,
Кўзумға келмади бир кеча уйқу.

Хирад майдонида Хислат чопибон,
Тафаккур отини ҳар ёну ҳар су.

Деди солин, э – рўйи нақлу итмом,
«Таажжуб, дoston «Жанги Барзу».

* * *

Ширин ғазаллар жамъ айладим то
Қилдим ўзимдин дўстларға савфо.

Шулдур умидим кўрганда ҳар ким,
Қилса дуолар ҳаққимға гоҳо.

⁸⁹ Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидан қилган тажимаси устида гап кетмоқда

⁹⁰ Чингизий ҳукмдорлардан

Вақти дуода ёд айлаганни
Етқуз мурода, эй биру боро!

Қосид элини ноком айлаб,
Саргашта қилғил доим, худоё!

Туйчийи хушхон ҳиммат қилибон,
Сарф этти мунча кўб сийму тилло.

Хуб қилди, лекин бўлғай ўзидин
Бу бир нишона бордурки дунё.

Аммо хатиким Шавкат хатидур,
Хуштабъу хушхат оламда танҳо.

Аҳли қаламлар ичра бағоят,
Имлоси Жомий, иншоси зебо.

Хислат ажойиб, ваҳ қилди таърих,
Зийнат юзидин «тарихи аъло».

* * *

Айла тараҳҳум, шоҳсен, гадоман,
Шому саҳарлар қилғум дуо ман.

Ҳайрону сарсон, гирёни нолон,
Кўйингда юрган бир бенавоман.

Мендек эмасдур ҳеч қайси ошиқ,
Ҳажрингда, эй гул, булбул навоман.

Девона қилди савдойи ишқинг,
Ақлу ҳушимдин бўлдим жудо ман.

Жонимда йўқдир орому роҳат,
Тортиб ҳамиша жабру жафо ман.

Ойдек юзингга, оҳу кўзингга,
Ширин сўзингга, жоно адоман.

Нозу тағофул Хислатга токи
Қилғунг нигоро, деб маҳлиқо, ман.

* * *

Орази афлоки ҳусн ичра маҳи табон эрур,
Ё дедим сўзни ғалатким, хуршиди раҳшон эрур.

Билмадим зотин париму ё малакму ёки ҳур,
Етмайин аслига ақлим рўзу шаб ҳайрон эрур.

Доди фарёдимга боқмасдин тағофил қилса ҳам,
Йўқ, калим андин нечунким ёши ёш жонон эрур.

Айлаган юз ноз ила токи хиромин кўрган эл,
Дегуси кабки дури ё товуси бустон эрур.

Лол ўлур шарҳ эттали васфин тилим аҳбоблар,
Чунки монанди жаҳонда йўқ анинг — чун хон эрур.

Ҳар қаю одам жамолин кўрса булғай мубтало,
Киссаи кўтоҳ жодутар, офати инсон эрур.

Юз тавалло айласам ҳам боқмагай бир қайрилиб,
Мунча ҳам ул шоҳи хубонни дили сандон эрур.

Булбули ошуфтадек Хислат юзи гул ҳажрида.
Кечаи кундуз корим нолау афгон эрур.

* * *

Қилмас тараҳҳум ҳолима номехрибон ёрим кўринг,
Таъсир қилмайдур анга ҳеч нолаи зорим кўринг.

Кўп йил булибдур айрилиб қолдим жудолиғ даштида,
Олмайди мендин бир хабар бемехр дилдорим кўринг.

Заҳру аламларни ютиб, у бевофони ишқида,
Тинмай оқар дарё киби бу чашми хунборим кўринг.

Воқиф эмас эрди киши сирри ниҳонимдин мени,
Бўлди жаҳонга ошкор бу сирри изҳорим кўринг,

Бўлди алифдек қоматим ғам тоғин остида қолиб,
Нундек эгилди оқибат бу қадуу рафторим кўринг.

Мендин хатолиғ утдиму тушди ароға айрилиғ,
Булди, биродарлар, касод бу рузи бозорим кўринг.

Қайга борай, аҳбоблар, золим фалакни дастидан,
Босган изим кетга кетар ноомади корим кўринг.

Дарду машаққатлар чекиб тўлди юраклар гуссага,
Тошканд аро йўқтур мени айтурға ғамхорим кўринг.

Сендин эмас, деб, бу газал ёлгон, десангизлар агар,
Хислат деган номим чиқар ҳар ерда ашъорим кўринг.

* * *

Ўшар сенга ҳар дилбари зебони демасмен,
Ҳаттоки ўшал Ширину Лайлони демасмен.

Сенсиз нетайин сайру тамошойи чаманни,
Бас кўрсам ўзинг сарв ила раънони демасмен.

Кўклам кўқарур гуллар аро асли гиёдур,
Монанди кўзинг наргиси шаҳлони демасмен.

Шаккар сўзинг(н)и дунёда йўқ мисли назири,
Гуфтори ширин тўтийи гўёни демасмен.

Гар бўлса лабинг бўса қилиш менга муяссар,
Кавсар суйи ҳам бодаи ҳасбони демасмен.

Кечдим сени деб ушбу жаҳон фоидасидин,
Йўқтур кераги суд ила савдони демасмен.

Шоҳо, караминг кўрдуму қул бўлдим ўзингга,
Хоҳ ишлату сот майлига, ўзгони демасмен...

Шеъринг ўкусам, Хислати айлар ҳама манзур,
Ўшар сенга ҳар шоири устони демасмен.

* * *

Ҳажр утига айлаган оламни сўзон иккимиз,
Фитна — ю ошублар дунёга солгон иккимиз.

Мубтало булгай кўруб шоҳу гадо, ёшу қари,
Айласак базм ичра ҳар ён нозу жавлон иккимиз.

Доду фарёдиға ошиқларни солмасмиз қулоқ,
Ким алар бошиға бўлган офатижон иккимиз.

Мисли кундуз бўлғуси равшан қоронғу кечалар,
То очиб рухсоримиз, қилсак намоён иккимиз.

Хуш этармиз кўнглини бўлса фақир бечорақим,
Айлабон юз илтифоту хайру эҳсон иккимиз.

Истаган бирла кўролмайсиз бизнинг базмимиз,
Шаҳрингиз ичра билинг шул кеча меҳмон иккимиз.

Номимизни назм аро эл кўзидин пинҳон этиб,
Онча диққат бирла Ҳислат қилди девон иккимиз.

* * *

Ўлдум асиринг, эй ёри барно,
Қилғил тараҳҳум мен зора гоҳо.

Солдинг дилимга савдойи ишқинг,
Қилдинг мени сен мажнуни шайдо.

Қолмас танимда бир зарра тоқат,
Ёдимга номинг тушганда жоно.

Қонга тўлубдур гулғунча янглиғ,
Кел, кўр юроқим ҳажрингда гўё...

Эткин иложин, девонадурман,
То бўлмасимдин эл ичра расво.

Нам ерга кўксин меңдек берибон,
Ишқингда кимдур ётган нигоро.

Номингни Ҳислат махфий қилибдур,
Топқай ғазалдин, ким бўлса доно.

* * *

Руҳингиз кўргали муштоқ эдим жоно, қалайларсиз,
Турарга қолмади сабру қарор асло, қалайларсиз.

Ҳузури васлима як шаб келиб лутфу карам айлаб,
Нетар бир йўл десангиз, ошиқи шайдо, қалайларсиз.

Ютиб заҳру аламларни ниҳоят ҳаддин афзунким,
Килурмен субҳу шом юз оҳу вовайло, қалайларсиз.

Мудом кўнглум қуши айлар юзингиз шавқида фарёд,
Муҳаббат боғида битган гули раъно, қалайларсиз.

Халойиққа бўлибмен сизни деб мажнунсифат кулки,
Демайсиз лоақал кўрганда, эй расво, қалайларсиз.

Ўтибдур ўртадин ҳам неча фурсат кўп соғиндим,
Сўзи шаққар, қади сарву кўзи шаҳло, қалайларсиз.

Навозишлар қилиб Хислатни, шоҳим, шод этинг бул кун,
Тушубдур бошига юз минг туман савдо, қалайларсиз.

* * *

На деб қон йиғламай, ёраб, нигоримдин аюрдилар,
Суманбар, сарвиқад, чашми хуморимдин аюрдилар.

Чу булбул найлайин шому саҳар оҳу фиғон чекмай,
Нечук тоқат қилайким, гулузоримдин аюрдилар.

Югурсам ҳар тараф девонадек таън айламанг, дўстлар,
Олиб ақлу ҳушум, сабру қароримдин аюрдилар.

Қаддим нундек эгилди бори ғамдин сарғайиб рангим,
Хазон ўлди гул умрум, баҳоримдин аюрдилар.

Уруб бошимни тошқа, айлабон юз нолаи фарёд,
На деб қон йиғламай, Хислат, нигоримдин аюрдилар.

М У Х А М М А С Л А Р

Ҳоиб⁹¹ шоирдин Хислат Эшонга тақдими салом

Ассалом, эй Хислато, жуди тараҳҳум, марҳабо,
Вассалом, эй булбули, ширин тақаллум, марҳабо,
Ассалом, эй баҳри назм, пурталотум, марҳабо,

⁹¹ Ҳоиб – шоир Хуршид таҳаллусларидан бири

Вассалом, эй жону жисм, гули мардум, марҳабо,
Ассалом, ё аййухал аҳбоб, алайкум, марҳабо.

Токи тушти ифтироқ ўлди бу кўнгул доғ – доғ,
Ўлмиш эрди васлингиз дил мурғи кўрган чоғ – чоғ,
Доми фурқат ўлди дил мурғиға чун тузоғ – зоғ,
Васли аҳбоба етуб, қалбингиз ўлди боғ – боғ,
Ассалом, ё аййухал аҳбоб, алайкум, марҳабо.

Чашмим ила рўзу шаб ўлмишдурур ашк ол – ол,
Шиддати фурқат яна ўлди бу ақл лол – лол,
Бир келуб эрди олимға айлаюб иқбол – бол,
Васли – ла шод ўлмиш эрди этти чарх зол – зол,
Ассалом, ё аййухал аҳбоб, алайкум, марҳабо.

Бизни гафлатда қўюбон айламишсиз азми Шош,
Жонимиз мурғина айлаб донаи фурқат маош,
Кўрмасам васлингиз ўлмаздум бу янглиғ зор кош,
Чунки фурқат нав ўлуб содди кўнгул ичра талош,
Ассалом, ё аййухал аҳбоб, алайкум, марҳабо.

Хотири мағмумимиз мактуб бирла шод этинг,
Кўнглимиз мурғини ғамии домидин озод этинг,
Биз ғариба ёдингиз – ла гоҳ – гоҳи ёд этинг,
Ўзгалардек бизға ҳам мактубни муътод этинг,
Ассалом, ё аййухал аҳбоб, алайкум, марҳабо.

Қисмат ўлмиш фурқати аҳбоб менга рўзи аласт,
Ҳар неча саъй эттиму толеъим тийр этти паст,
Шодликни маснадида бир дами айлаб нишаст,
Ёна берди мен ғариба ифтироқ дўст даст,
Ассалом, ё аййухал аҳбоб, алайкум, марҳабо.

Еткуринг мулла Камийға дўстона ад – дуо,
Ҳам Таваллоға бизимдин ғойибона ад – дуо,
Таънамиз йўқ, дилда дермиз муҳлисона ад – дуо,
Еткуринг ҳар шоҳиди ширин забона ад – дуо,
Ассалом, ё аййухал аҳбоб, алайкум, марҳабо.

Хун тўкуб кўздин мудом Жайхун каби Хоиб ғариб,
Дашти фурқатда кезуб Мажнун каби Хоиб ғариб,
Бори ғамдин қадди бўлмиш нун каби Хоиб ғариб,
Кўҳи ғам қозиб, дейур, Бестун каби Хоиб ғариб,
Ассалом, ё аййухал аҳбоб, алайкум, марҳабо.

Савти тараннум мухаммаси Хислат эшон

Эй нигорим, бу на савдо айладинг,
Меҳру ишқинг жон аро жо айладинг,
Хонами дилни мусаффо айладинг,
Уз жамолингни чу пайдо айладинг,
Ишқ элини масту шайдо айладинг.

Умрлар сандин сӯрарман бир нишон,
Фурқатингда кӯзларимдур хунфишон,
Истарам васлинг қилиб тун – кун фиғон,
Гаҳ бўлуб пайдо бўлурсан гаҳ ниҳон,
Бул ажиб ўзни ҳувайдо айладинг.

Нор ишқинг кўнглум ичра ташлабон,
Жону жисмим ёндурурға бошлабон,
Ҳасратингда кӯзларимни ёшлабон,
Ғайрларни ўзинга йўлдошлабон,
Ақлу ҳушум турфа яғмо айладинг.

Бенаво афтодаларға ёр ўзунг,
Лабларингдин дур сочиб бир бор ўзунг,
Нетгуси этсанг карам изҳор ўзунг,
Сӯрмасанг ҳолимни бас душвор ўзунг,
Қоматим ғам боридин ё айладинг.

Хислати дилпорани ишқинг аро,
Бекасу бечорани ишқинг аро,
Маҳзуни оворани ишқинг аро,
Ваҳ бу бахти қарони ишқинг аро,
Беҳуду ошуфта расво айладинг.

Марсияи аз Хислат эшон

Олди раҳм этмай ажал бир ёри жоним бор эди,
Хур атвору малаксиймо, пари рухсор эди,
Боҳаё нозук табиат бир ажаб дилдор эди,
Камсухан, хушхулқу дурандешу беозор эди,
Йиғларам аччиғ онингчунким шакарғуфтор эди.

Мен нечук тоқат қилай андоғ куёшрӯ бўлса хок,
Тукмайинму кӯзларимдин қон қилиб ёқамни чок,
Қилмайинму ҳасратида захру зардобни хӯрок,

Чекмайинму андалиб янглиф фиғони дарднок,
Ким ҳаётим боғида бутган гули бехор эди.

Тортибон дарди жудолиғни эрур ҳолим забун,
Бири кулфатдин булибдур қоматим гӯёки нун,
Айрилиб қолдим аро йўлда менга йўқ раҳнамун,
Қумридек фарёд этарман оҳ урубон туну кун,
Чунки қаддин олдида сарв сиҳи бекор эди.

Истабон бир топмадим андин нишон ман айрилиб,
Турфа бир афтода ҳолу нотавонман айрилиб,
Шул сабабдин ранги рӯйи заъфаронман айрилиб,
Айладим дўстларки тарк хонумонман айрилиб,
Манга ул кўп меҳрибону мунису ғамхор эди.

Берган эрди тангри анга беадад фазлу ҳунар,
Тўкулурди дур лабидин сўзласа ул маҳ агар,
Маҳв этарди юрса товусдек бўлубон жилвагар,
Бўлмайин мағрури ҳусн, эрди худодин бохабар,
Доимо айлаб ибодат ҳар саҳар бедор эди.

Йўқ эди билмас ишиким ончунон омил эди,
Маъдани фаҳм фаросат, бохушу оқил эди,
Фазлию ҳусниға онинг ҳўблар қойил эди,
Судралурди юрса ер узра узун кокил эди,
Қисқа қилдим, таърифу тавсифларин бисёр эди.

Қолди дўстлар айрилиб турт ёшли духтар боласи,
Ёд этибон айлаган ўтти фалақдин ноласи,
Парваришлар қилғудек йўқ эрди туққан холаси,
Тўкмасун Хислат нечун кўздинки ҳасрат жоласи,
Бир нафас айрилмоғи андинки кўп душвор эди.

Тавсифи Хислат эшон

Айлаб тараҳҳум элга қилди эшони Хислат,
Шод айлади баримиз ул «Армуғони Хислат».

Аҳбобларини огоҳ айлоди шеъри бирлан,
Олди қалам қўлиға соҳибқирон Хислат.

Айлаб муҳаббати хуш бул ишқа саъй бирлан,
Қолдурди элга, дўстлар, охир нишон Хислат.

Тошкандда гарчи кўбгур шоири шеърхонлар,
Ошларни(нг) барчасидин ҳам нуктадон Хислат.

Доим савоб ишига урғай ўзини ўтдек,
Қайда гуноҳ бўлса, андин ниҳон Хислат.

Айланг дуо, ёронлар, ҳаққиға қўл кўторуб,
Дунёни(нг) офатидин бўлсун омон Хислат.

Насли онинг эшондур, номики Хайбатуллох,
Қўйғон тахаллусидур элға аён «Хислат».

Ўз тенги ўзфурунлар султонидурки гўё,
Хушфаҳм, хушфаросат шоҳи жаҳон Хислат.

Афв айлабон кечуринг, бултур мани умидим,
Гарчанд хатимда бўлса, яхши ямон, Хислат.

Мен Муҳсиний, қадрдон эл ичра назм айлаб,
Олдим қалам қўлимға, қилдим баён Хислат.

Мирмуҳсин Шермуҳамедов
«Туркистон вилоятининг газети» 1913 й. 7 апрел.

МАНБАЛАР

Хислатнинг юқорида берилган асарлари «Савғоти Хислат», «Армуғони Хислат», «Тухфаи Хислат», «Баёзи Ҳазиний» баёзларидан ҳамда вақтли матбуотдан олинди. Нашрга доқ. У.Долимов ва ўқитувчи — тадқиқотчи З.Абдирашидовлар тайёрладилар.

МИСКИН

ШЕЪРЛАР

ҲОЛИМИЗГА БИР НАЗАР

Уенди барча миллат, биз ҳануз гафлатга қонмаймиз,
Чунон уйқудамиз — юз минг садо ўлса уёнмаймиз,
Жаҳон илм ила обод ўлди, дерлар, биз инонмаймиз,
Ўқуб биз ҳам ўзимизни нечук одамга сонмаймиз,
Ажаб бидъатпарастлармиз, адо бўлдук, ўсонмаймиз,
Хароб ўлдук жаҳолатдин, ҳануз ҳам, оҳ, ёнмаймиз.

Ало, эй аҳли иймонлар, келингиз, яхши фикр айланг,
Мусулмон айламини бизни, ҳазорон мунга шукр айланг,
Ўқутинг ўғлингиз, яхши насиҳатларни зикр айланг,
Кўринг: аҳволимиз нўлди бўлиб беилм, фикр айланг,
Ажаб бидъатпарастлармиз, адо бўлдук, ўсонмаймиз,
Хароб ўлдук жаҳолатдин, ҳануз ҳам, оҳ, ёнмаймиз.

Боқинг, мактаб — мадорис чун, ажойиб, бизда йўқ журъат,
Ҳама миллат аросида эрурмиз турфа беғайрат,
На бизда иттифоқ вордир, на бир осори жамъият,
Ҳама йиғғонимиз бўлса, қилурмиз тўй учун ҳиммат,
Ажаб бидъатпарастлармиз, адо бўлдук, ўсонмаймиз,
Хароб ўлдук жаҳолатдин, ҳануз ҳам, оҳ, ёнмаймиз.

Тараққий топдилар барча, оёқ остида қолдик биз,
Қилан кори бадимиздин чекиб кулфат, қамалдик биз,
Берувни ўйламай, мол ўлса доим нася олдик биз,
«Кўпайди ақча» деб, беҳад иморатларни солдик биз,
Ажаб бидъатпарастлармиз, адо бўлдук, ўсонмаймиз,
Хароб ўлдук жаҳолатдин, ҳануз ҳам, оҳ, ёнмаймиз.

Тафаккур айласоқ, қилган ишимиз барча жоҳиллик,
Худодан қўрқмадик айлаб, ибодатларга қоҳиллик,
Иноят қил, биза, Тангри, даҳи ҳамдингга қоиллик,
Ошубдир ҳадди ғоятдин бу кун бизларда гофиллик,
Ажаб бидъатпарастлармиз, адо бўлдук, ўсонмаймиз,
Хароб ўлдук жаҳолатдин, ҳануз ҳам, оҳ, ёнмаймиз.

Бу зулматхонамиз шамъу зиёси илм, эй миллат,
Маризи жаҳлимиз, бешак, давоси илм, эй миллат,
Билинг, икки жаҳон завқу сафоси илм, эй миллат,
Мудом Мискин тилар Ҳақдин дуоси илм, эй миллат,
Ажаб бидъатпарастлармиз, адо бўлдук, ўсонмаймиз,
Хароб ўлдук жаҳолатдин, ҳануз ҳам, оҳ, ёнмаймиз.

БИЗ ҚАНДАЙ ҲОЛДАМИЗ

Йиғла, эй кўз, ҳолимизга дам — бадам сан эмди қон.
Жаҳл домига асир ўлдук илмсизлик билон,
Ўзга миллат илм учун сарф айлаюрлар молу жон,
Биз, ажаб чойхонаю майхонада айлаб макон,
Оҳ, гафлат уйқусига ўчлашиб биз ончунон,
Ҳар тараф келгай садо «Тур!» деб, уёнмасмиз ҳамон.

Шаръимиз ўтмиш замонларда на душ маъмур эди,
Ҳукми онинг ҳар нечук аҳком аро манзур эди,
Файздин маҳзун кўнгуллар доимо масрур эди,
Сояйи лутфида бекаслар ситамдин дур эди,
Қони эмди ул нишонлардин биза ному нишон,
Дард чўх, тиймор йўх — бўлдук заифу нотавон.

Илмсиз хайли авомлар фоили ашроп ўлуб,
Водариғо, бузди миллатни фасод атвор ўлуб,
Соҳиби сарватларимиз хайрдин безор ўлуб,
Қолди бизлардин ҳамият бидъат ила ёр ўлуб,
Кеча кундуз лаҳву — луббат бирладирмиз шодмон,
Ҳеч киши қилмаз савоби холисий, қандоқ замон?!

Топқумиз мушкул тараққий; коримиз кину нифоқ,
Йўқ ҳануз бизларда жамъият билан бир иттифоқ,
Ҳақ сўз айтганни ямон деб, сўзига солмай қулоқ,
Истагонимиз ҳамиша тўй ила бўлди улоқ,
Жаҳл хамрин нўш этиб, мастмиз ҳама пиру жавон,
Ваҳ, бу мастликдин ёниб, ҳушёр бўлғаймиз қачон?!

Илм эрур, бешак, билингиз, дардимизнинг чораси,
Илмсиз битмас маризи жаҳлимизнинг ёраси,
Илм ила бўлғай мусаффо кўнглимизнинг қораси,
Гулдин ортуқ илкимизга кирса, илминг хораси,
Илма айлайлук тарадуд, вақт ганимат, дўстон,
Илм ила Мискин каби вайроналар ҳам бўстон.

1914 йил

ФАЛАКИ КАЖРАФТОРДИН ШИКОЯТ

Фарёд сандин, эй чарх! Солдинг биза на савдо?
Ул «Таржимон»имиздин айлаб бу кун жудо – ё.

Коринг жафо ҳамиша, эй пири зулмшеша,
Дод айлаюр алингдин ҳар қайда пиру барно.

Ул Исмоилбек эрди миллатни чун чироғи,
Андоғ чироғ учурдинг, зулматда қолдик, э – во(ҳ)!

Асрида онга монанд йўқдир десам, тонг эрмас,
Арбоби дониш ичра эрди жаҳонда танҳо.

Ҳар сўзини фаҳм ила айтса келури шаксиз,
Фикрига қойил эрди билган тамоми доно.

Боис тараққимизга улдир десам, хатосиз,
Миллатни йўлга солди – чўх паңд айлаб иншо.

Ҳар нутқи наздимизда дурдан зиёда эрди,
Балким, эди баҳосиз қадрин биланга, аммо.

Миллат атоси дерлар, лекин, атодин ортуқ,
Айлар эди насиҳат, бизларга ул дилоро.

Лозим биза: қилайлук доим дуо ҳақиға,
Ёд айлаюк – севинсун руҳи бўлиб тавоно.

Эй дил, онинг сўзини оламга достон эт!
Эй тил, онинг каломин қўйма тилингдин асло!

Эй хома, сен тўк эмди кўздин мудом қаро қон,
Эй лавҳ, сен қаро бўл, мотам ила саропо!

Эй килк, ёз жаҳонга шарҳи азосини Сен,
Эй сафҳа, сен ўқурда қилғил дуо таманно.

Эй осмон, тўк эмди кўздин бу нажми ашқинг,
Эй ер, санам чекиб оҳ – дарларза бўл ҳамоно!

Эй жумлаи жарида, васфин ёзинг ҳамиша,
Бўлмас адо сифоти ёзган ила кўб, аммо.

Эй шоирони олам, ашъор ила дамо – дам,
Марсия ила таърих, сўз ҳам қилинг муҳайё!

Лойиқ на янглиғ этсак таърифини, ёронлар,
Не десамиз ярошур андоғ адиба, ҳой – ҳо!

Зинҳор(у) сабр юзига боқмай дедимки, Мискин,
Фавтига ушбу таърих: афсус, водариго!

БИР ИМОРАТ ХУСУСИДА

Ё раб, на хуш иморат бўлмиш бинои маҳбуб,
Суҳбат қуриб ўтирмак ҳар аҳли дилга мансуб.

Булмиш асоси маҳкам, дағи ҳавоси хуррам,
Кўрганда таҳсин айлаб, ҳар хирадмад маъқуб.

Устози ҷубдастга юз офарин дегайман,
Фикрин баландлигига гардун эмас маҳзуб.

Қилди бу жойга наққош жумла ҳунарларин фош,
Нақши хижолатидин гулшанлар ўлди маҳжуб.

Бориси тоза сийнат, завқлана берди зийнат,
Азбаски ёр — дўстлар қилмоққа жойи марғуб.

Жам ўлса аҳли улфат, гар ўлса базму суҳбат,
Ағёрдин асра, ё раб, келганда ёри матлуб.

Дил хаста Мискинийни ҳам энди ёд этинглар,
Булганда яхши меҳмон, кўрганда ушбу мактуб.

Таълийи дил кушосин солинг хаёл этарда,
Якбора келди дилга таърих қилурга маҳбуб.

Бу қасида тошкентлик Муҳрим ака деганнинг янги қурган меҳмонхонаси ва дўстлар анжуманига бағишланган. Ҳижрий 1334 йилда ёзилган. Тошкентлик Нодирхон маҳсум Алоvidдин маҳсум ўғилларидан 1967 йил 10 апрелда ёзиб олинди.

КЎРСАМ ХУМОРМАН

Жоно, жамолинг бир кўриб беихтиёрман,
Ақлу ҳушимдин айрилиб Мажнун шиорман,
Ҳасрат ўтида ўрганиб жисми фигурман,
Ҳуснингни холис ошиғи дил беғуборман,

Ҳар кун жамолинг юз йўли кўрсам, хуморман.

Сендек париваш нозанин дунёда кўрмадим,
Шул менда армон, юзларим пойингга сурмадим,
Афсона бўлдим сен учун ҳолим гапирмадим,
Ҳуснингни холис ошиғи дил беғуборман,
Ҳар кун жамолинг юз йўли кўрсам, хуморман.

Аввалда нечук айладинг сен ошно мени,
Йўқлаб висолинг базмига шому сабо мени,
Охир рақибим сўзила қилдинг жудо мени,
Ҳуснингни холис ошиғи дил беғуборман,
Ҳар кун жамолинг юз йўли кўрсам, хуморман.

Ошиқни ҳоли шулמידур, эй қошлари қалам,
Лутфу мурувват ўрнига доим ишинг ситам,
Мискин гадоман, васлингга еткур қилиб карам,
Ҳуснингни холис ошиғи дил беғуборман,
Ҳар кун жамолинг юз йўли кўрсам хуморман.

* * *

Йиғламай найлай бу кун, девонадурмен, айрилиб,
Сабру ҳушу ақлдин бегонадурмен, айрилиб.

Волау шайдо бўлуб, айлар ишимни билмайин,
Телбалардек халқ аро мастонадурмен, айрилиб.

Сийна чоку дийда ғамноку паришон ҳол ўлуб,
Жон ҳазин, хотир ғамин гирёнадурмен, айрилиб.

Фурсатим гўё бир ою соатим бўлмишки йил,
Бу жудолиғ дардиға ҳайронадурмен, айрилиб.

Хотирим вос – вос ўлуб, сўзлар сўзум беҳуд – галат,
Элга мундоғ кулгу ҳам афсонадурмен, айрилиб.

Оҳким, сен бирла юрганда эдим бир подшоҳ,
Найлай, энди бекасу ғамхонадурмен, айрилиб.

Нола айлармен куюб, ҳажрингни оташгоҳида,
Кеча – кундуз, Мискиний, сўзонадурмен, айрилиб.

МУРАББАЪ

Курдим хатингиз, зебо санамлар,
Қағлимга эркан ёзган рақамлар.
Бераҳм айлаб бизга ситамлар,
Раҳм айламайсиз, қоши қаламлар.

Қош узра фарқни эгри қўярсиз,
Ошиқларингиз бетиг сўярсиз.
Соқий бўлибон майлар қўярсиз,
Раҳм айламайсиз, қоши қаламлар.

Ошиқлар ичра дилхаста Мискин,
Ишқ булбулидур, вобаста Мискин.
Ғам доми бирла побаста Мискин,
Раҳм айламайсиз, қоши қаламлар.

ҚАЁНДУР

Сабо, айтғилки, жононим қаёндур,
Юзи гул, ғунча хандоним қаёндур?

Мени ишқи билан девона қилгон,
Ситамгар, кўзи чўлпоним қаёндур?

Ётибман дарди ҳижрони билан зор,
Этинглар⁹², дарди дармоним қаёндур?

Йўлида интизорим ҳаддин ошди,
Демас ҳоли паришоним қаёндур?

Бўлубман ҳасратида мисли Яъқуб,
Ушал Юсуфи Канъоним қаёндур?

Кўриб гулларни дерман телбалардек,
«Дейинг, сарви хиромоним қаёндур?»

Худога қилмадим бир яхши тоат,
Ўлиб борсам пушаймоним қаёндур?

⁹² Лйтинглар дейилмоқчи

Манингдек оси(й) йўқ ушбу жаҳонда,
Агар сўрганда «нодоним» қаёндур?

Умидинг кесма, Мискин, раҳматидин,
Дема ўлганда эҳсоним қаёндур?

ШАҲЛО КЎЗИНГНИНГ ШЎХИНИ

Шаҳло кўзингнинг шўҳини жонлар фидосидир,
Нозик қадингнинг нозини дил мубталосидир.

Ул кун кўриб жамолинги ҳайратдаман ҳануз,
Оина қилган кўзларим холинг жилосидир.

Ўлмай ажалдан илгари ағёрлар тигидин,
Келгил қошимга дардим васлинг давосидир.

Кўзинг учида бир кулиб боқсангчи қайрилиб,
Бу нотавон дилимнинг сенга илтижосидир.

Нозу тағофил қилма кўб, Мискин қулингга боқ,
Ётмиш карамга кўз тутиб, кўйинг гадосидир.

ЭЙ ДИЛБАРИ ЖОНОНИМ

Эй дилбари жононим, кўб нозу итоб этма,
Юз жабру жафо бирлан ҳолимни хароб этма.

Мастона кўзинг бирла қошинг қиличин тортиб,
Бир – бирга имо айлаб, қатлимга хитоб этма.

Ҳуснинг ҳақи эй жонон, қилма мени кўп шайдо,
Ағёр ила май ичиб, бағримни кабоб этма.

Дод ила фиғонимга бўлгайму қиё боқсанг,
Зор ила, аё дилбар, ҳажрингда азоб этма.

Қонимни тўкар бўлсанг, эй кўзлари жаллодим,
Қўй ҳолима бир соат, ўймоққа шитоб этма.

Лаълингни закотидан Мискинга карам айла,
Келганда эшигингга сен тарки жавоб этма.

БИР КЕЛСИН

Сабо айтгил, ул маҳлиқо бир келсин,
Ақлим олган нозик адо бир келсин,
Ишқ аҳлига ноошино бир келсин,
Ваъдаси йўқ ул бевафо, бир келсин!

Ишқи одди ўшал Лайли нигорим,
Бир Мажнунман, йўқ қўлда ихтиёрим,
Жаллод экан менинг суйган нигорим,
Қоним айлаб қўлга хино, бир келсин!

Нечук пари мени шайдо айлаган,
Бир бошима мунча савдо айлаган,
Қаро холи бахтим қаро айлаган,
Ўзи барно, кўзи шаҳло, бир келсин.

Ҳижронида ҳар кун чекиб юз алам,
Рост қоматим ғам юкидан бўлди ҳам,
Кулбам сари қўярму деб бир қадам,
Кўз йўлида шому сабо(ҳ), бир келсин.

Элни ҳайрон этар нозук хироми,
Кабку товус рафгорининг гуломи.
Ишқ элига жонбахш ширин каломи,
Сўзларига жоним фидо, бир келсин.

Жамолига боқсам кўзим тўймагай,
Меҳри, ишқи ўз ҳолима қўймагай.
Ноз тиғи — ла нега мени сўймагай
Ўлдурса ҳам бўлдим ризо, бир келсин.

Сабо, айғил, бориб юзи моҳимга,
Раҳм қилгаймукин тортган оҳимга,
Бу Мискин ҳолини гўзал шоҳимга,
Ман тарафдин қил илтижо, бир келсин.

* * *

На қилай гулшанни, ул гул юзли жонон бўлса, бас,
Хоҳламас сунбулни дил, зулфи паришон бўлса, бас.

Рағбатим йўқ сарв бирла сабзаларнинг сайрига,
Маҳвашим ул сарви қомат, қадди райҳон бўлса, бас.

Менга таъриф айламанглар, базми Жамшидни нетай.
Севганим бир соате ёнимда меҳмон бўлса, бас.

Бода кайфидин менга, дўстлар, гапирманг зинҳор,
Маст этолмас май мени, ул кўзи мастон бўлса, бас.

Мискин аҳволин кўриб, бедардлар нелар демас,
Бок, йўқ эл таънасига, ўзи севгон бўлса, бас.

ҚУЛИНГМАН

Тўлган ойдек жамолинг бир йўл кўриб қулингман,
Тийғи абрў ҳилолинг бир йўл кўриб қулингман.

Юз нозу, ишва бирла ошиқларингга қилган,
Ўшал ширин мақолинг бир йўл кўриб қулингман.

Ҳар бир қадамда бир ноз, ҳам тўлғаниб буралсанг,
Жонон, лабингда холинг бир йўл кўриб қулингман.

Ёрингга бўлса манзур, эй Мискиний, бу назминг,
Чин фикр ила хаёлинг бир йўл кўриб қулингман.

БЎЛМИШМАН

Тушиб савдои ишқ бошиман девона бўлмишман,
Тамоми ақлу ҳушдин айрилиб бегона бўлмишман.

Жамолинг ҳусни бирлан нола айлаб кечаю кундуз,
Фиғои чекмақда чун мен булбула ҳамхона бўлмишман.

Отарлар таъна тошин дарди йўқлар ҳолима, билмас,
Жунун бозорида элга ажаб афсона бўлмишман.

Куйиб ишқинг ўтига доимо мисли самандарман,
Вужудим ўртанурки, сан учун сўзона бўлмишман.

Нечук жононасан, номинг мани шайдои ишқ этган,
Қулингдин бир май ичмай ташнаи бемора бўлмишман.

Қуйиб нозу тағофилни, кулуб Мискинга бир боқғил,
Рақиблар жабру зулмидин дили вайрона бўлмишман.

БИЗНИ ТАШЛАБ

Бизни ташлаб қайга кетди ул қаро қошим менинг?
Термулиб йулига кўздин оқадур ёшим менинг.

Чорасиз қолдим, нетай, хижрон ўтида ўртаниб,
Тўлди ҳасрат бирла куйган бу ичу тошим менинг.

Ёр кетар вақтида менга қайрилиб бир боқмади,
Йиғласам, айб айламанг, қавму қариндошим менинг.

Менга айтдилар рақиблар, унга дил берган эдинг,
Бир келиб ҳолимни сўрмас, ёру йўлдошим менинг.

Бедаво дардим иложин кимга изҳор айласам,
Йиғлагайман ишқ дарди қонидин ошим менинг.

Мискин аҳволи харобин ким билур ул ёрсиз,
Айрилиб, ҳеч ерга сўғмас бул ғариб бошим менинг.

ИЗЛАРМАН

(Тошкент ироғи)

Манам Мажнуни ишқ, дўстларки, бир Лайлони изларман,
Жамоли гул, сочи сунбул, кўзи шаҳлони изларман,
Ажаб бир тийра дилдурман, қамар сиймони изларман,
Мани ишқида зор этган ўшал зебони изларман,
Ўшандоқ офатижон шўхи бепарвони изларман.

Асири гул юзидурман, жаҳон гулзорини найлай?
Анга кўнгулни олдирдим, бўлак дилдорини найлай?
Этарга сирри маҳрам йўқ, бу ғам изҳорини найлай?
Маломат қилса қилсин эл, алар гуфторини найлай?
Кечибман ору номусдин, ўшал барнони изларман?

Этарман хизматин ўлгунча энди бир ғуломиман,
Фидои лаъли лаби жон физо ширин каломиман,
Нетарман ўзга ишратни, висоли шоди домиман,
Дилу жоним билан бўлдим қаро чашмини ромиман,
Хаёли бирла мастдурман, ўшал саҳбони изларман.

ҚИЛАЙМУ ҚИЛМАЙ?⁹³

Ишқингни, эй париваш, ифшо қилайму қилмай?
Фарёд уриб, гамингдин ғавро қилайму қилмай?!

Олмоқ бўлиб висолинг бозори ишқа кирдим
Айтгил сан эмди ўзинг савдо қилайму қилмай?!

Мундоғ очиб жамолинг, чиқсанг бўлиб хиромон,
Бу жону дилим сенга шайдо қилайму қилмай?!

Лаъли лабингни васфин минг йил десам тутанмас,
Юздин бирини айтгил, иншо қилайму қилмай?!

Хумориман ичолмай васлингни бодасидин,
Кўнгулда дарду ҳолат пайдо қилайму қилмай?!

Олмиш хаёлу ҳушим наргисларингни фикри,
Девоналик ўзимга барпо қилайму қилмай?

Ноз уйқусида борсам, Мискин, агар баногоҳ,
Куйган танамни анга ошно қилайму қилмай?

ЙЎҚОТГАНМАН⁹⁴

Гариби дашти фурқатман диёримни йўқотганман,
Бу водийда яна дилдору ёримни йўқотганман.

Ишимдир булбули шўридадек тун – кун фиғон, фарёд,
Жаҳон бўстонидин бир гулўзоримни йўқотганман.

Хазон қилди қазо боди тегиб нахли муродимни,
Чекиб қумри каби «ёҳу» баҳоримни йўқотганман.

Гаҳи худман, гаҳи беҳуд ажаб, девонаман дўстлар,
Бу беҳудлик аро номусу оримни йўқотганман.

Уриб тош бошима Мажнунлиғ изҳор айласам кулманг,
Муҳаббат кўйида Лайли нигоримни йўқотганман.

Жудо фарзандидин бўлган ўшал дилхаста Мискинман,
Бўлибон телба, ё раб, ихтиёримни йўқотганман.

⁹³ «Омидхон» исмига ёзилган мувашшаҳ

⁹⁴ Ўғли Султонмурод вафотига бағишланган

Мактаб ҳақида

Маъдани иззи аъло лутфи лаб мактаб эрур,
Махзани меҳру вафоу зул ҳасаб мактаб эрур,
Манбаи ҳилму ҳаё боби одоб мактаб эрур,
Фозилу доно расолаарға сабаб мактаб эрур,
Зийнати миллат Ажамдан то Араб мактаб эрур.
Кўз очинг атрофу оламға, талаб мактаб эрур.

Ҳар атога лозим ўглин ўқитиб шод айламак,
Тифлин айёми ўтмай, лутфи ижод айламак,
Марду занга фарз эмишдур илм бунёд айламак,
Динимиз ободи мактаб, они обод айламак,
Зийнати миллат Ажамдан то Араб мактаб эрур,
Кўз очинг атрофу оламға, талаб мактаб эрур.

Барча анвойи ҳунарни пешвоси илм эрур,
Тўғри йўлга бошламакни раҳнамоси илм эрур,
Зуҳду тақво асоси, муттакоси илм эрур,
Бу жаҳолат зулматин нуру зиёси илм эрур,
Зийнати миллат Ажамдан то Араб мактаб эрур.
Кўз очинг атрофу оламға, талаб мактаб эрур.

Эй жужуқлар, илм учун Ҳаққа муножот айлангиз,
Кеча – кундуз ёлбориб, чўх арзи ҳожат айлангиз,
Ҳаққа устоди яна яхши фаросат айлангиз,
Жону дилдан хизмати соат – басоат айлангиз,
Зийнати миллат Ажамдан то Араб мактаб эрур.
Кўз очинг атрофу оламға, талаб мактаб эрур.

Эй жужуқлар, илм учун жаҳд ила ғайрат бошлангиз,
Саъй айлаб ўқимоққа, ўзга ишни ташлангиз,
Дин учун хизмат қилишни доимо кенгашлангиз,
Чўх хатарли йўлладурсиз илмни йўлдошлангиз,
Зийнати миллат Ажамдан то Араб мактаб эрур.
Кўз очинг атрофу оламға, талаб мактаб эрур.

Жон нисор этсак ҳамиша илм учун камдур бу дам,
Илмсиз қолсак, кейин бизларға мотамдур бу дам,
Ибрат олингиз авом ҳар ерда мулзамдур бу дам,
Кўрасиз бегоналар илм ила хуррамдур бу дам,
Зийнати миллат Ажамдан то Араб мактаб эрур.
Кўз очинг атрофу оламға, талаб мактаб эрур.

Ёшлик вақти ганимат, илм учун журъат қилинг,
Азтаҳидил жонни қийнаб, кўшишу ҳиммат қилинг,
Кимки олим бўлса таъзим айлабон ҳурмат қилинг,
Мискинийдек илмсиз қолманг, бу кун ғайрат қилинг,
Зийнати миллат Ажамдан то Араб мактаб эрур.
Кўз очинг атрофу оламга, талаб мактаб эрур.

«Ойна» журнали, 1914 йил 39-сон, 19 июль

Ражои ожизона

(Абдулла Авлонийнинг «Шуҳрат» газетасининг
чиқиши муносабати билан)

Фаҳму хирадга таҳсин ширин забона «Шуҳрат»,
Дил қайғусин ёзарга гуфтори шона «Шуҳрат»,
Инсоф келтур, эй дил, на хуш баёна «Шуҳрат»,
Илминг хазинасида дурри ягона «Шуҳрат»,
Ёрон, ўқинглар олуб, роҳат бу жона «Шуҳрат».

Миллат ишига доим ул турфа меҳрибони,
Миллат йўлида парво қилмас тўкулса қони,
Миллат сўзини сўзлар шаккарфишон забони,
Миллатни ошкора айлар бўлса ниҳони,
Ёрон, ўқинглар олуб, роҳат бу жона «Шуҳрат».

Ўз миллатинда ёрон, маҳкам эрур ҳамадин,
Марди замона улдир; миллатга берса жонин,
Кўрса шарорат аҳлин ҳолига бўлма ғамгин,
Фосиққа қаҳри жаббор ёлгон эмас, эрур чин,
Ёрон, ўқинглар олуб, роҳат бу жона «Шуҳрат».

Доно қолиб оёқда, нодон аҳли суҳанвор,
Булбул хомушлиғда — ю, зоғу зағон дишовор,
Хунрезлик ривожи кирди бу кунда аксар,
Фисқу фужур аҳли тўлди жаҳонда яксар,
Ёрон, ўқинглар олуб, роҳат бу жона «Шуҳрат».

Номусу шарм йўқидин ёш баччаларки, майнўш
Қилмиш, нетай, ёронлар, бошимда қолмади ҳуш,
Тарзи насиҳат этса, фарзанд атоға нохуш,
Жону дил ила ҳар дам «Шуҳрат» сўзин қилинг гўш,
Ёрон, ўқинглар олуб, роҳат бу жона «Шуҳрат».

Эй Мискин, ўтмиш умринг подонлиг ичра ғофил,
Фарзанди одам асло сендек эмас тажоҳил,
Солгайму ўтга жонин оламда ҳеч тағофил,
Эрон, ўқинглар олуб, роҳат бу жона «Шухрат».⁹⁵

Ҳуррият

Қоронғу эрди олам зулм абрила шабистондек,
Эритти адл буржидин чиқиб маҳтоби ҳуррият.

Жафою жабр даштида ҳама халқ эрди лаб ташна,
Кетурди муждалар мавж урди деб уммони ҳуррият.

Муборак, эй Ватан аҳли, сиза бу баҳри бепоён,
Севинчдан айш этингиз, бўлдингиз сероби ҳуррият.

Қилолук шаръи бунёдини маҳкам ҳам бузуб бидъат,
Нечукким, қўлдадур тайёр букун асбоби ҳуррият.

Нифоқ ила адоватни қўюб биз иттифоқ бўлсак,
Ҳама мушқил бўлур осон, будур одоби ҳуррият.

Тамоми масжиду мактаб, имом ила муаззинни,
Келинлар, айлайлик ислоҳ, аё аҳбоби ҳуррият.

На кеча топмай осойиш, на кундуз олғуси ором,
Югургай халқ учун ҳарён яна асҳоби ҳуррият.

Ҳаманинг ўзиға лойиқ (етарлик) доди қайғуси,
Ўзидин кечмаган одам бўлурму боби (?) ҳуррият.

На мақсад бўлса кўнглунда бу кун арз айлаб, эй Мискин,
Талаб қилғил, бориб тезроқ, очиқдур боби ҳуррият.

1917

Янги йил

Ўтказдик еллардай йилларни,
Чалиб биз юксалиш карнайин.
Меҳнат — ла гул этиб чўлларни,
Ўсамиз суръат — ла тинмайин.

⁹⁵ Асл матнда бир мисра тушиб қолган

Тинмасдан юксалиш йўлида,
Йилларни қолдириб кетамиз.
Тарихда ҳеч бирда бўлмаган,
Янги бир дунё бор этамиз.

1930

ҲАЙРОНИМАН

Бу гулшан ҳавосининг ҳайрониман,
Чу булбул навосининг ҳайрониман.

Менга ҳар нафас келтурур бўйи ёр,
Фараҳбахш сабосининг ҳайрониман.

Табиблар иложига лол ўддилар,
Бу дардим давосининг ҳайрониман.

Кеча — ю эрта кенгаш қатлим этар,
Қошининг имосининг ҳайрониман.

Қуриб илкида ишқ эли қонидин,
Ул ойнинг хиносининг ҳайрониман.

Юзидин қилур юз қуёш касби нур,
Жамоли жилосининг ҳайрониман.

Ададсиз ижобатга йўл топмаган,
Бу Мискин дуосининг ҳайрониман.

* * *

Қилди бир жон офати бул кун мени девонавор,
Ноз ила боқиб манга ул кўзлари мастонавор.

«Санга минг жоним фидо бўлсун» дедим, сан ҳам манга
Кулуб айттинг: «Рост бўлса, жон беринг парвонавор».

Ман дедим: «Бағрим эзилган, ҳасратингда кўб куюб»,
Дерки: «Жоно, ҳасратингда ман каби жононавор.

Кўзларингдан ўргулай, келмадинг — ку неча кун»,
Десам, айди: «Йўлларимда зору муштоқона вор.

Хотириг жам тут, деди, — сандин бўлак ёр истамам». Ман десдим: «Хуснунгга офат етмасун, филмонавор»,

Йиғладим, дарду дилимни айладим анга баён,
«Мандин ўзга ҳеч кима айтма» деди афсонавор.

Мискиний «Афгор диллар кўп — десам, бу даҳр аро»,
Ноз ила айтурки: «Ҳолини сўрар султона вор!».

АЙЛАНАЙ

Ишқингда жону дил била бўлдум гирифтор, айланай,
Бу йўлдин асло тонмадим, оссанг агар дор, айланай.

Лаъли лабингни ёдида хуноба ютдим ою йил,
Арз айламакка қайда тил, тушганда бозор, айланай.

Ёлғизлигинг пойлаб мудом, бўлди укам, умрим тамом,
Кўрсам дебон ҳар субҳу шом, бўлди кўзим чор, айланай.

Хублар санга фармони руҳ, эй маҳваши нозик адо,
Ман нега қилмай жон фидо, барча харидор, айланай.

Икки қошинг айлаб камон, отмоққа чорлаб ҳар замон,
Қилсанг агар кўксум нишон, бўлмайму тайёр, айланай.

Номинг ўқуб ёшу қари, васлингга бўлиши муштари,
Бир мен эмас ҳуру пари, бўлсамки, дер ёр айланай.

Ҳар бир сўзинг, эй нозанин, бу ҳолима болдин ширин,
Мискину шоҳ дер, офарин, лабинг шакарбор айланай.

* * *

Хуснунгни, эй париваш, эълон этайму этмай,
Ё дил уйида сақлаб, пинҳон этайму этмай.

Ўлдум ғамингда охир, душманни таънаседан,
Эй гунчалаб, дилимни сўзон этайму этмай.

Лозим эрурми санга, ағёр ила қўл ушлаб,
Десангки, ман ғарибни яксон этайму этмай.

Мастона кўзларингни васфин дебон саросар,
Ҳолига ишқ элини гирён этайму этмай.

Аввал олуб кўнгулни, охир хуморлар айлаб,
Бир демадинг висола меҳмон этайму этмай.

Нозик онингни Мискин, бир баъд назм узра,
Жо қилди нуктадонга, осон этайму этмай.

* * *

Зое айлаб ғамза тигин отма кўп бегонага,
Ногаҳондин тушмасин ўт бизни ғурбатхонага.

Юз ўтирсам чашминга гар, бир гадойнинг бўлмишам,
Кўз учида бир карам этгил, мени девонага.

Эй кўзи жаллоди қотил, қошлари тиғи дудам,
Ўлдурур бўлсанг мени, жон садқа сен жононага.

Волаи шайдои ишқинг бўлмишам, қандоқ қилай,
Бир илож эт, эл ичинда қўймағил афсонага.

Ўзга машғулларни меҳрин ташладим дилдин отиб,
То қачон мен ошиқ ўлдум сен каби жазмонага.

Лабларинг лаълила ёқутнинг баҳосин синдириб,
Ҳусн бозорида нарх урди тишинг дурдонага.

Доимо мастдир ўшал билмас ўзин беихтиёр,
Кимки ҳамдам бўлса бир дам сен кўзи мастонага.

Найлайин ҳар кеча ҳижронингда ёнмоқдир ишим,
Шамъи васлинг шавқида ҳамроҳ бўлиб парвонага.

Эҳтиёт айлар эдим дил мургини тан боғида,
Бир кўриб холу хатинг лол ўлдим — у ул донага.

Нозу истигно тағофул айламай Мискинига,
На бўлур қилсанг тараҳхум, мен каби ҳайронага.

АЙЛАНСИН

Нигоро, дилраболар шахди гуфторингдан айлансин,
Тамоми маҳлиқолар шамси рухсорингдан айлансин.

Висолингиз харидори эрурман нақди жон бирлан,
Бу савдо бирла бошим кетса бозорингдан айлансин.

Рақибларга кулиб боқиб, менинг рашкимни ортгирма,
Гуноҳсиз ишқ элига, берма озорингдан, айлансин.

Ики зулфинг таноб айлаб, оёғу қўлларим бойлаб,
Мени остил сўйиб жоно, — бошим дорингдан айлансин.

«Ироқу» ҳам «Ажам» бўлса «Жигарпора» «Чавандоз»и,
«Дугоҳу», «Чоргоҳ» ул машқи «Гулёр»ингдан айлансин.

Назокат бирла гоҳо растадан ўтсанг хиром айлаб,
Кўриб Мискин демасму қадди рафторингдан айлансин.

ҚУЛИНГ

Умрлар ишқингда мен оввора, айлансин қулинг,
Марҳамат бўлгайми деб мен зора, айлансин қулинг.

На бўлур мен хастага бир ноз ила боқсанг кулиб,
Ҳуснинга тўйсам қилиб наззора, айлансин қулинг.

Кўп эрур ошиқларинг йўқдир вале ҳеч мен каби,
Бир дуоғўй бегараз, бечора, айлансин қулинг.

Ошиқ ўлдим мен ўшал «Наҳну қасамно»ла сенга,
Солмагил ҳуснингни кўп бозора, айлансин қулинг.

Ишқ лوفин урмасин ҳар булҳаваслар эй пари,
Мен каби бош бермаса якбора, айлансин қулинг.

Халқ аро бордур масал: «Хўбларга зўру ёки зар»,
Менда йўқ бул иккисига чора, айлансин қулинг.

Ҳар жафою жабр қилсанг, сабр этар бу Мискининг,
Бас агар боқсанг менга бир бора, айлансун қулинг.

Савти дугоҳ, аз ғазали Мискин Тошкандӣ

Маҳвашо ҳарамдин чиқ, оразинг намоён қил,
Ою кунни хижлатдин абр ичига пинҳон қил.

Ҳусну қадду чашмингни кўрсатиб чаман ичра,
Гули сарву наргисни рашк утига сўзон қил.

Маҳви ноз этар бўлсанг ошиқи ҳазинларни,
Ташла кокилинг, жоно, ҳар тараф паришон қил.

Дом этиб қаро зулфинг, юзга дона хол айлаб,
Жон қушин илингурдинг, келгил эмди, қурбон қил.

Жон олур эса қасдинг санға тиг эмас ҳожат,
Бир нигоҳ этиб, эй шўҳ, ғамза бирла осон қил.

Ушбу жони қимматни бир ўпишга тенг этма,
Сан ҳам эмди эй жоно, бўса нархин арзон қил.

Нолалар қилур токай Мискиний фироқингда,
Лутф этиб они ҳар кун васл уйига меҳмон қил.

БИР КЕЛИБ КЕТ

Дуконим сори, жоно, бир келиб кет,
Қилай ҳуснинг тамошо, бир келиб кет.

Ғазолон кўзларингнинг шевасига,
Эрурман маҳву шайдо, бир келиб кет.

Юракда қат – қат ўлди доғи дардинг,
Мисоли лола раъно, бир келиб кет.

Лабинг ёдидадурман он чунон маст,
Қилиб лутфинг муҳайё, бир келиб кет.

Ўшал ширин мақолинг соғинибмен,
Кўзимнинг ёши дарё, бир келиб кет.

Назокатли қадингни бир кўрарга
Хумориман, нигоро, бир келиб кет.

Рақиблар шарридин кўрқсанг мабодо,
Қилиб бир нарса савдо, бир келиб кет.

Фироқинг дардида ранжурдурман,
Лаби – лаъли масиҳо, бир келиб кет.

Жамолинг соғиниб урсамки, бир оҳ,
Тушар оламға ғавго, бир келиб кет.

Қилай олдингда бир – бир сирри ишқинг,
Этай розимни ифшо, бир келиб кет.
Фидойинг жумла мулку молу жоним,
Нисоринг барча ашё, бир келиб кет.
Сўзинг жон комиға қанду асалдир,
Нигоҳинг руҳи афзо, бир келиб кет.
Бориб кўрмоққа йўқдир манда ҳолат,
Мурувват айла ҳоло, бир келиб кет.
Тулуъ этгил ҳарамдин мисли хуршид,
Бўлубон олам аро, бир келиб кет.
Мани куйдирмагил, қуй, бундан ортиқ,
Кел эмди, кўзи шаҳло, бир келиб кет.
Висолинг гулларига қўнса Мискин,
Бўлуб булбули гўё, бир келиб кет.

ИСТАРИЗ

Тангрига шому саҳар лутфу иноят истариз,
На иноят, тинглангиз, миллатга роҳат истариз,
Қайси роҳат? Илм ила динга шарорат истариз,
Фазлимиз илм, марду занга бас далолат истариз.
Эй, мусулмонлар, бизим сиздан бу одат истариз,
Илм учун жаҳду жадал қилмоқ давомат истариз.

Дахл қилсак, дину миллат илм ила обод экан,
Ҳар фароиз, ҳам шарият илм ила обод экан.
Олими бўлса амаллик, икки дунё шод экан,
Илмсизлик жоҳилиятлик аро муътод экан.
Эй, мусулмонлар, бизим сиздан бу одат истариз,
Илм учун жаҳду жадал қилмоқ давомат истариз.

Илм эрур андоғ билингким, мисни тилло этар,
Илм эрур андоғ билингким, гунгни гўё этар,
Илм эрур андоғ билингким, қатрани дарё этар,
Эй, мусулмонлар, бизим сиздан бу одат истариз,
Илм учун жаҳду жадал қилмоқ давомат истариз.

Илм ила бўлгай бинолар сиз кўруб, ибрат қилинг,
Илм учун сиз ҳам ҳамиша саъй ила ғайрат қилинг,
Иттифоқу боиттифоқ, миллато, ҳиммат қилинг,
Тифлларга марҳамат – ла яхши тарбият қилинг,
Эй, мусулмонлар, бизим сиздан бу одат истариз,
Илм учун жаҳду жадал қилмоқ давомат истариз.

Илмсизликдан бўлур бўлса қаю миллат хароб,
Илмсизликдан келур, миллатга келса ҳар азоб,
Илмсизликдан қилур чўх, ғайрилар бизга итоб,
Илмсизликдан эрур тути уйи жойи ғуроб,
Эй, мусулмонлар, бизим сиздан бу одат истариз,
Илм учун жаҳду жадал қилмоқ давомат истариз.

Барча миллат ичра бизлар, илм учун муҳтожмиз,
Илмсизликдан мудом, музтар ўлуб қаллошмиз,
Тўйдилар бегоналар, илм ила бизлар – очмиз,
Илм боғида ҳама булбул, бизлар эса қашғочмиз,
Эй, мусулмонлар, бизим сиздан бу одат истариз,
Илм учун жаҳду жадал қилмоқ давомат истариз.

Илм учун бизларда йўқдур найладук инъом, оҳ,
Қанча пул бўлса қилурмиз бидъати икром, оҳ,
Беҳамиятлик ила бўлди ғариб, ислом, оҳ,
Оғлаюр бу ҳола Мискин субҳ ила ҳар шом, оҳ,
Эй, мусулмонлар, бизим сиздан бу одат истариз,
Илм учун жаҳду жадал қилмоқ давомат истариз.

МАНБАЛАР

Мискин ижодига оид материаллар XX аср бошлари вақтли матбуоти саҳифаларидан ҳамда авлодлари шахсий фондидан олиниб, проф. Б.Қосимов, проф. Ш.Юсупов ва аспирант Ҳ. Ҳасановалар томонидан нашрга тайёрланди.

ТАВАЛЛО

**ШЕЪРЛАР
ҲАЖВИЯЛАР
МАҚОЛАЛАР**

ТУРЛИ ШЕЪРЛАР

Асари Мирзо Тўлаган Тошкандий мутахаллиси ба Тавалло

Оҳу ҳасрат

Эй Худоё, бер бизингдек бедаволарга даво,
Қилди миллат кўкрагини таъна тирноқи яро.

Жумла Туркистон элидин топмағайсиз охтариб,
Миллат учун қайғурарлик бир саховатли ғано.

Дунёда йўқдур газет биздан шикоят қилмагон,
Биз ҳануз ғафлатдаурмиз, коримиз кайфу сафо.

Бошқалар илм изласа, бизлар худойи ош учун,
Эртадин то кечғача бўлдук эшикларда гадо.

Илм учун берса бировлар ойига сўмлар кўринг.
Бир пақир⁹⁶ — чун биз қилиб панжшанба кунлар, можаро.

Неча турли жома кийса элда атроф одами,
Биз юрурмиз қайда кўрсанг бош яланг, очиқ яқо.

Рус ватандош мактаби тўлгон зебу зийнат илан,
Ё қамишдур бизни мактаб ё чуриган бўрё.

Ёш жужуқлар борса мактаб титраюр безгак киби
Лой ўлуру мактаб ичи ёғмур агар ёғса ҳаво.

Илмсилиқдин эмасму муҳтарам қардошларим?
Қиз аносидин бўлиб, ўғул атодин норизо.

Миллата мактаб керак, йўқму ганилар, ўйлангиз,
Сарф этар тўйу азо деб неча минг бари риё.

Ким қилур биздин бўлак дунёда мундоғ бидъати?
Хоҳ Арабга, хоҳ Ажамга, хоҳ борғил Овруро.

Шарқдин Мағрибгача биздек жаҳонда хор йўқ,
Бизга не бўлди, билолмам, ё Расули Мустафо.

⁹⁶ Пақир — энг майда пул бирлиги кўзда тутилади

Ёзди бир оз ҳасратидин ошнолар афв этинг,
Деб, Тавалло, айларамким, бўлса шеъримда хато.

Тошканд. Тулаган Хужамёров.
«Ойна» 1913, № 10, 244 б.

Бир нидо

Қил ато, ё Раб, бу Тошканд аҳлига илму фунун,
Сендин ўзга ҳеч бир йўқтур Худоё раҳнамун.
Сен агар лутф этмасанг бизлар жаҳолат остида,
Илгари қўймай қадамлар ётамиз холо забун.
Қўл туголмай, кўз кўролмай эл аро бўлдук гаранг,
Қолди ўнг йўл, сўлга тушдик кўзимиз қошлаб тутун.
Бошқа миллат қилди ғайрат минди мақсад отига,
Маҳрум ўлдуқ лоф уриб, чойхоналарда куну тун.
Эй қариндош, ухламангиз, биз кутармиз сиздин иш,
Бас қадамлар илгари бу вақт ўтмасдин бурун.
Илми ҳақни қил тамошо зарраи инсофа кел,
Бас, муаллақ турғузубдур осмонни бесутун,
Мева ҳосил этмаса, қайси дарахтни бил ани,
Арралаб, юз поралаб раҳм этмайин айлар ўтун.
Энди сиз, Туркистон аҳли, илм истанг, ётмангиз,
Ҳибс қилмасдан сизи чулғаб бу гирдоби жунун.
Чиқти сиз — бизлар учун шу йил Самарқанддин газет,
Қайда кўрсанг, ол, ўқу, фаҳм айла, қардошлар, суюн.
Доимо айлар «Тавалло» ўзлигин бир ёд этар,
Оҳ миллат топ тараққий деб тўқуб кўзларга хун.

«Самарқанд». — 1913. — 6 сентябр, № 42.

Тошкандда (Хива) синемоси тўғрисида

Хива боруб чунончи ибрат учун,
На учун зарра ибрат олмаймиз,

Маълумотни ўрусча ёзғони — чун,
Русча хатин ўқиёлмаймиз.

Бормайик деса бир чидаб бўлмас,
Не гўзаллар! Кўнгил узолмаймиз.

Феълимизни кўрингки, хосияти,
Мушт емай елкага юролмаймиз.

Тарбиясиз чунонки қичқиришуб,
Ҳеч бир нарсани кўролмаймиз.

Берса устул, ўтур қимирлама, деб,
Ётамиз чалқа, ўлгиролмаймиз.

Контроллар келиб билет сўраса,
Биз йўқотган билет тополмаймиз.

Бизни кет деб, уриб, изо берса,
Яна тил йўқ, жавоб беролмаймиз.

Яна ҳайдаб чиқарса буни кўрунг,
Кирамиз, қайтадин йўқолмаймиз.

Йўқ эрур бизда ҳеч шарму ҳаё,
Феълимизни кўруб уёлмаймиз.

Яна шундоқа умрлар сурсак,
То қиёмат одам бўлолмаймиз.

Учадур бошқалар ҳаволарда,
Биз ҳануз «кўнкадан» тушолмаймиз.

Эй «Тавалло», югур шитоб айлаб,
Бўлмаса мақсада етолмаймиз.

Тулаган Хўжамёров (Тавалло).
«Ойна», 1914 й. №17, 290—6.

Ҳасбу ҳол

Ҳаводис масъаласин ёзди бизга матбуот,
Неча қат айтди хабар, зойиъ этмагил ҳаракот.

Кўтар бошингни, ўтурма, сукут қилма букун,
Ёз эмди арзай мақсуд, тарк этиб одот.

Гарангму этди амоманг, эшитмаюр қулоғинг
Кўтарма фоида йўқ, ярмисини йиртиб сот.

Қозон, Кафказ, Урунбург қарзни адо қилди,
Тутуб яғочдин асо бир қулингда тасбеҳот.

Бошингга қуйса оёғин кузингни очмассан,
Ётиб чу мисли улук, қилмаюб худодан уёт.

Агарчи буйла ётуб, ғафлатинг тўшогинда,
Қўлим яқонгда кўрорсан тонглаи аросот.

Ва лек илминг қанча борлигини билмассен,
Амома катта, чапон байроку отинг ҳазрот.

Юрурда раста аро бизлари назар этмай,
Нечун қилурсен уялмай фақирлик даъвот.

Чунон, олиму доно муҳаққақ бўлсанг агар,
Не фойда чиқор ондин, чиқармасанг ҳожот.

Кузингни қопладиму вой қора парда,
Кечирма умрингни зойиъ бу водийи зулумот.

Бухоро маркази илм эрди, вой тарихда,
Ва йўқолдимми ё кетди илмдан баракот?

Кузингни ёшини қон қилмоғил, кўб,
Иложи бўлмаюр, аммо асар этмаюр абёт.

Тошкандий (Тулаган) Хўжамёрий жанобларинингдур
«Ойна», 1914 й., №27, 518 б.

Фарёду фиғон

Дарёға чўмди нечалар қўлга иликтурди гуҳар,
Сўз – илмаюб бизға асар ғафлат босиб биз беҳабар

Ҳеч ибрат олмай дунёдин қолдик ҳама элдин кейин,
Ёлғон эмас албатта чин, йўқ бизда бир илму ҳунар.

Айбимиза иқрормиз, шундоғ ажаб беормиз,
Миллатлар ичра хормиз, бизларда кўб хавфу хатар

Дунедә күзи күрмиз, илму фунундан дурмиз
Манглайда қат – қат шүрмиз, биз бир дарахти бесамар.

Чиқди газетлар биз учун олғайму деб ахли фунун,
Борини биз қилдик забун, бир нечаси қилди зарар.

Юрсак ҳамиша чалқайиб, ҳеч кимга боқмай талтайиб,
Бир кун қолурмиз шалпайиб, қайда бу ишларга зафар.

Ҳеч бир надомат бизда йўқ, хавфи қиёмат бизда йўқ,
Зарра фаросат бизда йўқ, инсониятдин йўқ асар.

Ёшу қари жоҳил бўлуб, гафлатга дил мойил бўлуб,
Бидъатлара омил бўлуб, йўлдан озиб кетдик магар.

Беҳуда дойим юрганингдин яхшидур илм урганинг,
Илм ўлса – да Чинга боринг, деди биза хайрул башар.

Кўз оч, Тавалло, боқ жаҳон, илм ила бўл қушдек учон,
Парвоз этолмас ҳеч қачон, қуш бўлса гар беболу пар.

Гошканд. Тўлаган Хўжамёров.
«Ойна», 1914 й., №34, 814 б.

Абёт

Арз будур жами ёрона,
Хоҳ ошноу хоҳ бегона.
Юрур эрдим йўлиға кўзни тикиб,
Чиқди икки садо бу майдона.
Ўлтурурдим хаёл кўчасида,
Почтадан берилар икки дона.
Бири номи «Садойи Туркистон»,
Бири будур «Садойи Фарғона».
Бу икيني бириси чун хуршид,
Бири ўхшаб чу моҳи табона.
Ё бири тўтии шакар гуфтор,
Бири ўхшар ҳазор достона.
Гафлати жаҳл кетсалар шояд,
Солсалар кўзни аҳли Фарғона.
Қилди сероб жумъа кун ҳамани:
Оби раҳмат ёғиб бу Турона.
Дуо ўқуб, шод ўлуб, ҳама аҳбоб,

Югуриб расталарда ҳар ёна.
Тулашиб ўртага газитни қўюб,
Айланурди мисоли парвона.
Мен буларни кўруб суюнгандин,
Ҳамд айтдим жаноб Субҳона.
Дафъатан ёзмоға ружуъ айлаб,
Қўл узатдим олурға ҳамёна.
Перовод айладим иккисига ҳам,
Боқмадим қиммат на арзона.
Хатни ёздим бланка орқасига,
Ҳам салом кўндуруб муҳибона.
Адрисим Тулаган Хўжамёров,
Кўп Тавалло қилиб бу эълона.

Тавалло Тошкандий.
«Садои Фарғона» 1914. — 16 апрел, №4

Вақт ғанимат

Ётди энди, оталар, бидъатни сиз ташларга вақт,
Монёъ бўлманг, умр кўрсун, яшасун ёшларга вақт.

Бир садо Фарғонадан чиқди, атолар, фаҳм этинг,
Раҳм этуб бизлар учун, кўз косасин ёшларга вақт.

Бир жарида йўқлиғидин дилда тўлғон доғ эди,
Сан олуб тездан ўқурға келди қардошларга вақт.

Эй муҳибон, аҳли ирфон! Бу умумий нарсадур,
Кўб хасислик фойдаси йўқ, ёнингиз қошларга вақт.

Ибрат олинг ғайрилардин, иттифоқ айланг бу кун,
Йўл билонлар билмагонни, энди йўл бошларга вақт.

Умрни беҳуда зое этманг, эй дин ходими,
Миллат(н)инг ҳолиға бермоқ сизга кенгашларга вақт.

Миллата бу кун фидо қилдум вужудим хирманин,
Ман киби куймоққа етди сиз қариндошларга вақт.

Табрик этмоқ вақти эрмасму, ётурсиз тобакай?
Ёрдам этмоқ етди навбат жумла диндошларга вақт.

Ол қалам! Ёзгил аламлар, қуйма, дилда сақлама,
Оҳ! Армонда кетарсан, келса ёнбошларга вақт.

«Фурсатинг йўқ» деб ўтурма, эй, Тавалло, ёзавер,
Хизмат этмоқ бари бирдур бу ватандошларга вақт.

«Садойи Фарғона», 1914 йил 11 май, 15 – сон.

Эй дўст

Тур ётма, бу кун, тарки висол айлама, эй дўст,
Раҳм эт биза, сан, ғарки хаёл айлама эй дўст.

Хурсандлигим сен била эрди мени доим,
Кўргузмай ўзинг қаддими дол айлама, эй дўст.

Чимкандда биринг, бунда биринг ётган эсанг ҳам,
Хомангни тилин бу каби лол айлама, эй дўст.

Эй Абдуҳаким! Сандан умидим мани кўбдур,
Миллатни ривожига завол айлама, эй дўст.

Чимкандда аё Абдусамиё Қори⁹⁷ ёзуб тур,
Ҳеч бир бизи маҳруми мақол айлама, эй дўст.

Ёзғувчи Таваллоға қилуб лутф ила эҳсон,
Тездан кела кўр дилни кашол айлама, эй дўст.

Тавалло Тошқандий.
«Садойи Туркистон». – 1914. – 20 май, № II.

Бахтсиз миллат

Қутулгайму ёронлар, бахтсиз миллат мусибатдан,
Чекар тинмай акамлар кунда юз хил оҳ ғурбатдан,
Қаҳатлик бир тарафдан, бир тараф боби ҳукуматдан,
Эзилди кўкраги, нақш олди тан хоки мазаллатдан,
Дуо айланг, чиқайлик биз ҳам эмди кунжи узлатдан.

Йўлиқти миллатимиз тўда ваҳший рўдаполарга,

⁹⁷ Абдуҳаким, Абдусамиё қори Таваллонинг Чимкентдаги маслақдош дустлари. Абдусамиё қори 1918 йилда Тошкентда очилган Мусулмон халқ дорилфунунида дарс ҳам берган.

Асар йўқ номусиндин бир ажойиб беҳаёларга,
Дучор ўлди недандур, билмадим, мундоғ балоларга,
Шифо вер, эй худо, сен ушбу дарди бедаволарга,
Юраклар боғлади қон бўйла армон ила диққатдан.

Қилиб жой қарга – қузғун бургуту лочин уёсига,
Кўринг, йўлотмаюр ўз мулкени, бас ўз эгосига.
Солур зулмат, ёронлар, партави олам зиёсига,
Қилингизлар дуоким, етмасунлар муддаосига.
Худоё, сақлагил бечораи миллатни туҳматдан.

Сулаймонлар кетуб, гўё қутулди деву инсу жин,
Солур эл бошига тинмай, ёронлар, бас, нифоку кин,
Тузуб ҳар куни юз хил эгри тартиблар қилур тахмин,
Куракда турмағай асло агарчи қўйсангиз фаҳмин,
Кутурми аҳли дониш кори ҳуби девсийратдан!?

Аёғлар қўл ўлуб, ушбу замон қўллар аёғ ўлди,
Хирад аҳли бугун девонау девона соғ ўлди.
Электр хира ўлди, ёғлу филта шамчироғ ўлди,
Қадаҳ заррин синиб, ўрнига бугун итялоғ ўлди,
Таажжуб айламанг, ҳар нарса тушса қадру қимматдан!

Ажаб эрмас, бу шўриш бизда бир инсоф йўқликдан,
Дучор ўлдик балога лофи маҳзи балқуруқликдан,
Саволига жавоб тайёрламай доим дудуқликдан,
Бўшолмаймиз «Тавалло» ўз аромизда бузуқликдан
Қутулмасмиз шунинг – чун меҳнату андуҳу ғурбатдан.

Тошкентли Мулла Тўлаған Хужамёров.
«Ал – Ислоҳ», 1918 й., № 2, 39=б.

Бурга

Ухламай тун кечалар сакраб, дикиллаб уйнашиб,
Ҳеч бирор жон ухлამас ишқингда ҳар ён ағнашиб,
Бир нафас жим турмагайсиз ёки қиттек уйнашиб,
Жабру зулмингиз ўтиб кетди ниҳоятда тошиб,
Кўп одам ўзни қўтир қилди баданни тирнашиб.

Кундузи ухлаб олиб тун кечалар бедорсиз,
Қон ичишда гўёки бир ит каби хунхорсиз.
Жинмусиз ёким нари, ётдик десак тайёрсиз,
Ушлайолмас ҳеч киши ўлгунча ҳўб маккорсиз,
Учратолмай қоламиз, бармоғимизни тишлашиб.

Инсофингиз борми сакрарсиз оёқни тўртгалаб,
Ё чақинг, ёки гимирланг, ё баданда ўрмалаб,
Ё симилланг, ё баданда бир сидирға йўрмалаб,
Уйқу бермай фингшитарсиз кечаси бирлан талаб,
Билмагаймиз қайға ғойиб бўлодурсиз эрталаб,
Бир нафас бир жойда турмай қочадурсиз сакрашиб.

Бир чақиб кетсанг, худо ҳаққи, алам қилмас эди;
Ёки тутқуч берсанг эрди бизда ғам бўлмас эди,
Тишласанг, заҳр солмоқ кундуз ситам қилмас эди,
Айланиб ўрни қўтирға муттаҳам қилмас эди,
Ҳўлга айланди қўтир ҳам дард чипқон паствашиб.

Уйга кирсанг, томга чиқсанг бирга қолмай борасиз,
Шунчалик уста эрурсиз қилни қирққа ёрасиз,
Тишни тишга қўйғумиз ағнаб ҳамиша чорасиз,
Тинч қўйинг, роҳат қилайлик, мунчаям ахторасиз,⁹⁸

Сенга боққанда бити пашша адолатлик сабил,
Келмагай сенга баробар дунёда бир нарса хил,
Қийнаб ўлдирса сизи бўлғум савобига кафил,
Йўқми доруси унинг бўлса юборинг бир сатил,
Ухлаёлмас болалар боғлиқ бешиқда йиғлашиб.

Мағзава. «Муштум», 1925 № 15, 10–6.

⁹⁸ Асл матида бир қатор тушиб қолган

Нижний ярмаркасида янги ашулалар

Нижнийда мусулмонлар ҳайрона тонг отқунча,
Дардини айтиб йиғлар гирена тонг отқунча.

Фағтоини судрашиб, булворида мудрашиб,
Сочу соқолин қошиб, сарсона тонг отқунча.

«Синдикат» дегай мол йўқ, кўзини юмиб лўқ — лўқ,
Боз устига айлар дўқ, инсона тонг отқунча.

«Савдо» фалоти⁹⁹(I) ҳар кун сўз бирла қилар мамнун,
Ё жоду ўқир афсун, афсона тонг отқунча.

Бир кунда бозорларни юз айланамиз тинмай,
Кафшлар жоғи йиртилди, вайрона тонг отқунча.

Пап(и)рос чекаман десанг, бир сўмни чиқар аввал,
Жанжал агар айларсан, отхона тонг отқунча.

Тўрт одама бир соқчи, қўлларда қизил калтак,
Қийшиқ оёғинг боссанг, қалқона тонг отқунча.

Мағзава. «Мушгум». — 1925, №17, 10 — 6.

«Шарқ» мактабида имтиҳон

26нчи «Шарқ» мактабида,
18 майда имтиҳон бўлди.

Оталар ҳиммати билан шул кун
Қуй сўйиб, қанча ош, нон бўлди.

Янги мактабга қарши бўлганнинг
Кўзида ёш, бағри қон бўлди.

Музика ҳеч дам олмай чалди,
Балки кеча ўтиб, азон бўлди.

⁹⁹ Фалата — савдо палатаси

Эртадин кечгача савол – жавоб
Демади бир киши ямон бўлди.

Ҳамма бирдай қилурлар байрам
Дердилар яшнамоқ замон бўлди.

Русча – ўзбекча дарсдан мамнун
Тан бериб барча шодмон бўлди.

Саҳни мактаб тўлиб оталарга
Тоғу тош қиз билан жувон бўлди.

Имтиҳон сунгида ҳамма бирдан
Фойдаси бизга бегумон бўлди.

Раҳмат айтиб ҳама мураббийлар
Уй – уйига қараб равон бўлди.

Тавалло. «Муштум». 1926. – №3. 31 май.

Мазлума қизлар ашуласи

Қиз олгон қўш хотин устига, чолларга ажал келсун,
Оқаргон сочлари, пахмоқ соқолларга ажал келсун,
Оқизгон ёшимиз, ҳардамхаёлларга ажал келсун,
Поқиллаб умри, дарз ўлгон саполларга ажал келсун,
Семирган чўчкадек, ул қора молларга ажал келсун.

Турувчи ўртада ул совчи кампирларни ер ютсун,
Югурган уй сайин исковчи кампирларни ер ютсун,
Сотиб виждонни пулга, овчи кампирларни ер ютсун,
Беринг – олинг деган уңдовчи кампирларни ер ютсун,
Ародан бир йил ўтмай бемажолларга ажал келсун.

Эсиз ёш умримиз дунёда ғам бирла хазон бўлди,
Сўлиб гулдек юзимиз сарғайиб чун заъфарон бўлди,
Куйиб бу устихонлар, бағримиз ҳам қора қон бўлди,
Женотдел қайдадирсиз, ҳолимиз гоят ёмон бўлди,
Эгилган тўнғалақдек қадди долларга ажал келсун.

Чакиб носвой, сақолга туплашиб, офтобда бит боққан,
Ажалнинг ошғич амрин бўйнига ижро учун таққан,
Чўридек бизни ёшлик чоқда занжирбанд қилиб боққан,
Ҳеч инсоф этмайинча умримиз боғига ўт ёққан,
Ёши етмишда шул партут қўполларга ажал келсун.

Беринг — чи алжиган чолга, атолар, бизни сиз зурлаб,
Сотинг — чи энди ҳам бизларни бир ҳайвон каби хурлаб,
Тилингиз қирқилур эмди бу йулга очсангизлар лаб,
Сира бир чора йуқ, гар турса ул пешонангиз шурлаб,
Женотделда чизиб ер гунгу лолларга ажал келсун.
Мағзава. «Муштум». — 1926, №26, 5—6.

РЕСТОРАН

Знакомлар ресторанга юр, бу тун,
Вино олғум ҳар кишига ман бутун,
Майли тепсун армани хоҳ — бошима
Чурқ демайман синса ҳам тишлар бутун.

Ресторанда қанча бир моҳпоралар,
Боқмади ҳар қанча берсам поралар,
Маст бўлибман урдилар, хўб тептилар,
Финг деб айтдимми? Танимни поралар.

Ресторанда хўб тамошо кечалар,
Мадмазел деб неча жондан кечалар,
Ўн кун ишлаб, йуқ қилиб бир кечада
Эртаси кўз ёшида сув кечалар.

Қанча жуликларга ўғрилик, талаб,
Кимни ёлғиз топсалар олура талаб
Кечалар тонг откуча йўлни тўсиб,
Қайда кўрсанг, шунда ётур эрталаб.

Сизни жалб этган ўзига армани,
Пора версин, кимни тўқдир кармани,
Қамбағалга анда жой йуқ, бормасун,
Қўйма, ўлдир анда кўрсанг гар мани.

Ресторанда ўлтириб беёқа сан,
Шул юришда, ўйла кимга ёқасан,
Топқонингни сен бузуққа сарф этиб,
Оилангни жониға ўт ёқасан.

Мағзава. «Муштум», 1926, №26, 5—6.

МАЙЛИГАМУ?

(Алмаий шегърига назира)

Дедимки: Ташла бу чачвон — паранжини, холажон!

Деди: Эрим урушур, ҳам сўкар, майлигаму?

Дедим: Хотин илан эркак ҳуқуқидир бирдек,

Деди: Амалда кўринмас, бекор, майлигаму?

Дедим: Ўқинг, биласиз эр билан хотин фарқин,

Деди: Эрим оёғим синдирур, майлигаму?

Дедим: Эринг агар урса югур «женотдел»га

Деди: Эрим муни билса осар, майлигаму?

Дедимки: Ушбу замонда хотин—қиз эрка эрур,

Деди: Буни уламолар бузар, майлигаму?

Дедим: Яқинда буларнинг тагига сув қуямиз,

Деди: Фақат қоғоз узра қарор, майлигаму?

Дедимки: Бизнинг умид ёш ўғил ва қизлардан,

Деди: Қизни онолар сиқар, майлигаму?

Дедимки: Ҳур яшасун ҳам мудом бўлақлардек,

Деди: Бу сўзларни қилсам тумор, майлигаму?

Мағзава.

«Муштум»: Ўтурма гапни чўзиб эзмалик қилиб иковинг,

Сўзинг чўзилса бошинг оғритар, майлигаму?

«Муштум», 1926, №29, 3 — 6.

МЕНДАН НОН САВАТ

(Нон саватчи шоир)

Сиз бутун «Муштум» тағо, бизларни кулдирмай чиқинг,

Бой бобовларни ёзиб, чочини юлдурмай чиқинг,

Мушт уринг бошига болаб, локин ўлдирмай чиқинг,

Кўб қизиқ сўзлар ёзиб, кулгуга тўлдирмай чиқинг.

Учраса судранг эшонларни, чўмилтирмай чиқинг.

Йўқ эрур дунёда сизга ман киби хушторлар,
Кампиёз, сертуз қилиб ёздим, ўқинг аншъорлар,
Кўк гармдори сепинг, еб кетмасун маккорлар,
Дам егизмасдан сузинг, келса агар ағёрлар,
Шеърдан белбоқ қилиб, қадни букилтирмай чиқинг.

Қайси бир жойларда бўлсангиз, ука, яшнаб юринг,
Кўрсангиз журнал – газетларни мудом бошлаб юринг,
Ҳар тарафга кўзларингизни очиб ташлаб юринг,
Дўстларни кулдириб, душман кўзин ёшлаб юринг,
Қўлга тушса зулм илан асло қутултирмай чиқинг.

Ҳезваш, хумсони кўрганда хиром айлаб ўтинг,
Учраса мухлис – муридлар эҳтиром айлаб ўтинг,
Ибрат олсин ўзгалар, бизга салом айлаб ўтинг,
Кулдириб, гоҳ йиғлатиб, ҳар хил мақом айлаб ўтинг.
Шартта – шартта сўзлабон тилни тугилтирмай чиқинг.

Матбуот майдонида сиз ўзни чин «Муштум» қилинг,
«Финг» деса сизга бировлар, бир урушда гум қилинг,
Тарсаки бирлан уриб бошини мисли хум қилинг,
Ул сақол – мўйловларин қирқиб, мозорга дум қилинг,
Кечани кундуз қилиб, кўзни юмдирмай чиқинг.

Мағзава. «Муштум», 1928, № 2, 8 – 6.

КОМХОЗЧИЛАР ҚУЛОҒИГА

(Агар қулоқлари бўлса)

Бир идора ўлмаса биз розимиз,
Бўлса ҳам ул ўргулай комхозимиз,

Қишда ботқоқ – лой, ариқдин сув тошиб,
Ёзда сув йўқ, чангда ўттай ёзимиз,

Қайрилиб боқмас, магар кўрми кўзи,
Вой, хириллаб қолди – ку овозимиз,

«Ташналиқдан дод» деб бўлди касал,
Ўлди ўрдак, қолди қақшаб ғозимиз.

Ёзда ухла, қишда ишла, кун олис,
Сенга ортгай иззату эъозимиз.

Иш биларманлар кўпайтир, ишқилиб,
Садқа бўлсун бизни кўпу озимиз.

Гунгу ахлатларни тупла кўчага,
Шунда дермиз: «Ўлмасин шоввозимиз»

Майли, катта кўчаларга сепма сув,
Жанда ўлсун қанча сарпардозимиз.

Чиқса жаҳлинг, тишла бурнингни тамом,
Бўлма диққат, чунки бу бир нозимиз...

Тўғри сўзлар ёзғу(в)чи бу Мағзава,
Бир ўқуб кўрсин — чи комхоз, розимиз.

1929

ҚАЛАМ¹⁰⁰

Мухбир ўртоқлар билинг, руҳнинг фисосидур қалам,
Дил уйини ярқиратгон пурзиёсидур қалам.

Матбуот майдонида ўйнат қаламни ҳар тараф,
Мард йигит душманга отган ўқ — «ё» сидур қалам.

Ишга кирганда қаламни тўхтатолмас ҳеч киши,
Кўп китобхонларни билсанг, пешвосидур қалам.

Қоғози кўз пардаси бўлса ёзарди мухбиринг,
Кўп ёзувчилар кўзин оқу қаросидур қалам.

Махфи(й) сирларни очиб ташлаб жаҳон айвонига,
Кўп синиқ дилларни, билсанг, мўмиёсидир қалам.

Бўлса ҳар қайси шаҳарлар ичра шўро душмани,
Ошкоро ёзадур, они жазосидур қалам.

Таърифи битмас — туганмас гавҳари ноёбдур,
Йўлда қолгонларни бир ҳожатравосидур қалам.

¹⁰⁰ «Комхозчилар кулогига» ва «Қалам» шеърлари М.Зокиров нашр этган «Тирик сатрлар» (Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти. 1968 йил) китобидан (125–126 бетлар) олинди.

Қилни қирққа ёрадур, ширин – шакардай ёзсангиз,
Ёзса аччиқ матбуотнинг аждаҳосидур қалам.

Парчаи қоғоз, қалам ажратма ёндан Мағзава,
Дунёда билсанг, кишининг ошносидур қалам.

1929

ЯҚИНДА ЖА-ЖА-ЖАҚДИР

Ер юзини «шоир» босиб кетажақдир,
Ҳар кишига бир бош «шоир» тегажақдир.

Ул шоирлар бир мирига тўрт юз гром,
Бир нафасда шеър ёзиб беражақдир.

Юз кучаниб узун – қисқа ёзгонларин,
Йиғлаб турган одам кўрса кулажақдир.

Баланд – пастлик жойлариға қийналсангиз,
Ўқиб бермак учун ўзи келажақдир.

Илҳом келиб турса унга ҳар томондан,
Бир тўп қоғоз бир нафасда битажақдир.

Лайлак топган Афандидай расво килиб,
Оёқ – тумшуқларин буткул кесажақдир.

Тез хотирлик, жўшга келиб, тошиб кетиб,
Тегирмонга бориб тоғда юражақдир.

Мусобақа эълон қилса «Муштум» агар,
Ҳар ким сўзин шеър билан айтажақдир.

Мағзава. «Муштум». – 1930. – №2. 5 б.

МАҚОЛА ВА НАСРИЙ ҲАЖВИЯЛАР ТУРКИСТОНЛИ ҚАРДОШЛАРИМА ОЧИҚ ХАТ

Сиз Туркистон атрофиндаги замона аҳволидин хабардор қардошларима «Ойна» воситаси ила бир—икки сўз ёзмақни ихтиёр этдим. Умид қилурманки, сизлар ҳам ушбу фикрга иштирок эдуб, миллат тараққийсина марҳамат кўзи ила қараб, ҳамият қулоғи ила тинглаб, ҳиммат қўли ила кирушарсиз.

Огоҳ ўлингизки, ҳар бир миллат журнал ва газет чиқармоқ ўлса, ўшал миллат болалари жону дил бирла суюнуб, қувониб қарши олурулар; моддий ва маънавий ёрдамда бўлинурулар, оё бизлар эмасму, янги адабиётта ташна ва гурусна ҳолда умр ўтқаргувчилар? Не учун бизда бошқа миллатлар каби мажалла ва жариди йўқ? Албатта, бул бизларнинг ишсизлик ва илмсизлигимиздандур. Агарда бизлар ҳам ўз она тилимизда бўлгон бир дона мажалла ва газетимизни бошқа миллат болалари каби тиришуб ўқусак эди, бизларга ҳам ўналаб, йигирмалаб газит, журнал вужудга келур эди. Бойларимиз ҳам мажалла ва газета насиҳати ва танқидини тинглаб, азиз болалари учун қайғуруб бидъат ишлара қиладургон беҳуда сарфларин кўйуб, миллат тараққийсига чолишурулар эди. Уламоларимиз—да мажалла ва газета сабабила аҳвол ва ижоби замондан хабардор бўлиб, миллатга, замонга хизмат қилур эдилар, инсоф эдингиз...

Қардошлар! Бир юз элик мингдан зиёда Тошканд аҳолисидин, (Университетни кўя турайлик), гимназия битирган бир жўра киши йўқ, замоний ишларимизга одам йўқ. Ҳар сана Тошканд атрофинда улоқ чолиб, неча киши оддан йиқилуб ўлди, деса, 100 дан зиёда деб жавоб берилса, муболаға бўлмас. Муҳаррир адиб борму, деб савол қилинса, албатта, жавоб топмассиз, тол чибиқ ила жин қувадургон соҳиб каромат, дуохон, рамол—фолчи изланилса, ҳар маҳалладан иккилаб—учлаб топилур. Эй қардошлар! Атрофа боқинг—да, ҳаракат эдинг, миллатга ёрдамда бўлмоқи ўзларингизда вожибдур.

Энди миллатнинг «Ойна» сини бирлашуб, энг бўлмаса, моддий жиҳати тузулганча олиб бормоқ керак. «Тужжор», «Хуршид», «Тараққий», «Турон», «Бухорои шариф»дек мундин ҳам бебаҳра ва бенасиб ўлуб, бутун дунёдаги миллатлар олдинда шармисор ўлуб хижолатда қолмайик. Мундан ўн йиллар муқаддам бизлар каби яшаган тотор қардошларимиз ҳозирги кунда бор қувватлари ила ғайрат қилуб, маданиятда биринчи

даражада тургон рус ватандошларимизга етуб боралар. Булар барчаси ижтиҳод ва иттифоқ самарасидур. Кўз олдимизда шундайин диндошларимиз тургонда, на учун бизлар шулардан ибрат олмаймиз, шунлар ила қўл – бақўл тутушуб тараққийнинг ижтиҳодинда бўлмаймиз? Ижтиҳод ва иттифоқ лозим, қардошлар!

Тошканд Тулаган Хўжамёров.
«Ойна» – 1913 й., №6, 137 – 138 – б.

Эътизор

Энди ҳар мусулмон қариндошларимизни маълумларидурки, бултургина Худонинг қудрати ила биз шўринг кургурлар учун Самарқанддин бир газет «Самарқанд» номинда вужудга келган эди. Биз гафлатзодалар анга аҳамият бермадук, ўқимадук ва қадрига етмадук. Бизларнинг касофатимизга учраб, 44 – номерида бир минг сўм зарар қилиб тўхтаган эди. Бир неча адабиёт муҳиблари бу ишга хафа бўлган бўлуб, тилигром – хатлар юбориб, газетани тўхтатманг, юргузинг, бизлар ёрдам этамиз. Оқча бирлан ҳам муштарий кўпайтирамиз, деб илтимос қилдилар. Хайр, бу иш мундоқча бўлиб турмади, жаноб Маҳмудхўжа муҳаррир ғайрат этдилар. «Самарқанд» исмидаги газет ўрнига «Ойна» номлик ҳафталик журнал чиқордилар. «Самарқанд» муштарийларина «Ойна» юборилди, келди, кўрдик. Арода кўп вақт ўтмади, бир нумрасидин шоирлара хитоб мазмунида мақола ёзилиб, яъни шеър ёзиб турмоқларин Туркистонлик шоирлардин ўтунуб қолдилар. Камина кўб уста шоир бўлмасам ҳам ўз лисонимизда ўзбекча қилиб бир – икки шеър ёзиб юбордим. «Ойна»да дарж ўлинди. Бунинг бирла турмадим. Бир – икки мартаба мақолалар ҳам ёздим, босилди. Энди ўшал шеърларим қайси бир хил «Ойна» муштарийларина маъқул бўлгонидинму ёки бўлак муддаому билмайман, ҳар кун хат мунда келар, оғзаки илтимос қиладурларки, нима учун мен «Ойна»га шеър ёзмайдургон бўлдум. Ушбу хат ила жаноб муҳтарам газета ўқийдургонларга маълум қиламанки, ман «Ойна»га шеър ёзмоқни кафилин олгоним йўқ, ҳам шеър, ҳам мақола ёзмасман. Чароки «Ойна» мартда ёзгон мақолани олти ой ўтказиб, октабрда босиб чиқарадур. Шунинг учун Тошкандда биринчи мартабада «Жамияти имдодия» фойдасига ўйналгон театрни ҳам «Ойна»га ёзмадим, «Таржимон», «Ҳақиқат» газетасин қарамоғонгизи ўгинаман. Энди мандин шеър, мақола талаб қилсангизлар, ушбу «Туркистон вилоятининг газети»ни

олиб ўқурсизлар. От айланиб қозигин топар, деган ман бўлдим. Не учун мен хафа бўлмасманки, Ўрунбурғда чиқадиғон «Вақт» газетасин ўқиб турамин, бир неча мақола ёзиб юбордим, босмайдур. Босса ҳам бик оз қилиб босадурлар. Бизларнинг тўғримиздин матбуот саҳифасида қалам тебратса, дарҳол бош мақоласига «Сарт», «сартлар» деб бўлмағон бир мажҳул исм ила бизларни камситиб нафратланарлар. Ул киши ҳамон ҳамшираларимизнинг эрлар ила мусоҳабаси, тунларда кўчаларда прогулкалари деб муфассал суратда баён қилиб туташ, туташимиз деб овузларини сувлатиб газетага тулдирурлар. Шул воқеаларни кўруб, бир хил газеталарни ўқимоқдин виждоним мени қайтарди. Билмасманки, энди қайси газетани ўқимоқни ва қайси газетага ҳасби — ҳолимизни етушмаганликларидин ёзув, миллатга хизмат этмоғим деб, бошим қотуб, ўйлаб, «Қайси ерни ўтин ўтласанг, шул ерни сувини сувла», деган қозоқ мақоли эсимга тушиб кетиб, ушбу «Туркистон вилоятининг газети»ни ўқимоқни ҳам ўз биродарларимга тавсия этмоқни вожиб даражада билиб, кўнглаум шул фикрни муқаррар қилиб, татар қариндошларимизга ҳам Оллоҳдин инсоф тилаб қолдум.

Тавалло.

Туркистон вилоятининг газети. — 1914. — 16 март, №22

ХҲЖАМЁРОВГА ЖАВОБ

Очуқ мактуб

Муҳтарам муҳаррир афанди, манинг бул ёзмиш мактубимга мўътабар газетангизни бир еридин ўрун беришингизни умид қиламан.

«Туркистон вилояти газети»нинг 22 — чи номерида Тўлаган Хўжамёров афандининг имзоси ила ёзилмиш мактубни ўқиб кўриб, кўб таассуфликда қолдим, чунки ул жаноб(инг) кўпдин бери «Ойна» журналининг баъзи нўмирларида мақола ва шеърларин ўқуб роҳатланур эдик. Ҳозирда бул афанди «Ойна» муҳарриридан тамоман аразлаб эди. «Ойна» журналида ҳеч бир мақола ва шеър ёзмасга ҳам мундан кейин «Ойна» журналини ҳеч ўқумасга деб ўзини билдирган экан, на учун бул афанди бундай қилур деб хотирингизга келур. Онинг учун на ғам? Қайси газет — журналга бул жанобнинг имзоси ила мақола ва шеърлар дарж этилса, ани олиб ўқумоқдин бошқа чора йўқ. Лекин бул афандининг бўлмағур ерга ароз бўлгани қизиқ, мана бир улкан ваҳжи: юборган мақола ва шеърларини вақтидин бир неча ойлар ўтқузуб дарж қилгани эмиш. Шоир афанди, сизнинг «Ойна» журналига юборган мақола ва шеърларингизни кечуктуруб дарж

қилувининг бир сабаби бўлса керак. Онинг учун бир газетни бутун икки саҳифасини ман «Ойна» журналидан арозладим, маним ёр — дўстларим шул «Туркистон вилоятининг газети»ни олиб ўқусунлар деганингиз, арозлаганингиздин ҳам қизиқ ва ажабо, сизнинг бул деганингизга на жавоб берурман, сиз айтсангиз — айтмасангиз ҳам бул «Туркистон» ва «Ойна» журнали олувчилар аввалдан шул газет, журналларга ўрганган кишилар, албатта ўқур ва сиз жаноб журналга ёзмасангиз ҳам ёзувчи киши топилиб қолур ва Тулаган Хўжамёровнинг мақола ва шеърлари йўқ деб «Ойна» журналидин арозлаганингиз учун ўқувчиларга қайси газет — журналларни ўқурман деб маслаҳат қиласиз ва онинг учун ҳар хил матбуотни ўқумоқ керак. Хулоса, бизнинг ҳозирги газет журналларимизга ёзувчилар ишқу ҳавас ўрнига мана энди арозлашга тушиб кетубдурлар.

Тошкентли Фузайл Жонбой
«Туркистон вилоятининг газети». — 1914. — 30 март, № 26.

ЖОНБОЕВГА ЖАВОБ

Ушбу «Туркистон вилоятининг газети»ни 32 — номерида Фузайл Жонбой қалами ила ёзилган «Отвѣт Хўжамёруф»и ўқидим. Ажабо, муаллим афанди менга нима учун бойландилар экан. Ёки бўлмаса «Тавалло ила ёзиштим», ном олмоқ қасдидаму, билмадим. Хайр, ёзганларида бир дурустлабгина ҳам ёзмабдурлар. Мақолаларини бошидагилари ушбудур, чунончи, хоналарида хаёл дарёсига болқуб, бола ўқутмоқдин болқуб¹⁰¹ ўлтирган эканлар. Бир шогирдлари бир «Туркистон вилоятининг газети»ни қўлида кўтариб кирибдурлар. Дарҳол муаллим афанди, чидаб тура олмасдин мутолаа қилибдурлар, ҳоказо. Шундай ёзиб тамом қилиниб, ичида мени тўғримга бўлмаган ифтиролар ёзиб итмомига еткузубдурлар. Камина бу мақолаларини ўқигон онда билдимки, бу жаноб алифни калтак дегандек мени шогирдим газет олиб келди деб, ўзларини бир каттакон домла қилиб кўрсатдилар. Эй муҳтарам муаллим Фузайл афанди, эмди маълум бўлдики, Фузайл экансиз. Асли Фузайл кичкина Фазл деган тасғир¹⁰² сўз бўлур, «жон» деган сўзни муаллим бўлсангиз, ўзингиз билсангиз керак, жон деб инсонниму ёки бошқа тоифани айтар, лекин муни очиб айтмоққа ҳожат кўрмадим. Энди мени сўзимни қабул қилсангиз, ҳар ким илан жавоб раддия ёзишмасдин бурун отингизни ва отангиз исмини тўғрилаб

¹⁰¹ Болқуб — чарчаб маъносига

¹⁰² Тасғир — кичик, кичрайтирилган.

олганингиз яхши бўлур эди. Манимча, Жонбой ўрнига Жонмуҳаммад куйингиз. Ул вақтда Мулло Насриддин Афанди лаклакни тутиб оёгин ва тумшугин қирқиб, энди қушга ўхшадинг, дегандек бўлса ажаб эмас. Эй муҳтарам муаллим афанди, ҳар нарса ёзганингизда ўйлаброқ ёзинг, эсламай сўзлаган эснамай ўлади, мақолига ўхшаб кетмасун. Ҳар қанча мани тўғримга ифтиролар ёзганингизда ҳам мен сиздекдин ранжимасмен ва ҳам мартабадин тушуб ҳам қолмасман. Чароки, Амир Навоий дебдурларки, «Ҳуд – Ҳуд қўйдилар азали тож бошига, тушгайму жола ёққан ила тож бошидин» ва яна мани хотирамни кўтариб, тасалли берганингизда ҳам сиздек одам сўзи ила кифояланмасман, чунким «Покларни жони бил озурда хотир бўлмағай. Кўзгу рухсори нечукким занг бўлмас, нам бўлар» ва ҳам жанобдек иборат оро бетаъсирлардин умид ҳам қилмасманки Навоий фардиға мубтало бўлгонлигимдин:

Ўй улким, балки оламдин бақо қилғай тамаъ,
Аҳмақ улким нодон аҳлидин вафо қилғай тамаъ.
Баъзи ҳайвонвашлар илгидин агар истар кўнгул,
Ўйладурким орзу қилғай буғу шоҳида гул.

Эй муҳтарам Фозилмаоб афандим, Таваллонинг бир маслаги бордур. Бир хил... ўхшаш ким қолиблари бўлиб, ўз миллатин тонимагон ҳеч нимарсани билмасдан ўзини – ўзи «образаван»ман деб юрганлардин ҳамон йироқроқ юродур. Чунончи, бу фардга амал қилиб:

Ул чибиндур кўзга олтун янглиғ истар хилъати,
Кўбраги билким нажосат узрадур ором анго.

Энди, эй муҳтарам афандим, қойил ўлмайсизмуким, муаллим бўлиб туриб, ёзган мақолангизда бир мисқол ҳам туз йўқлигини, 8 оғиз мақолада 7 хил тил илан ёзиб, хонамда хаёл дарёсига боқиб ўлтириб эдим, деб, қозоқча сўзлаб, «ражо эдарам» деб, тоторча дебсиз. Фамилиямни билмабсиз, деб, русча ҳам аролаштирибсиз, ёки сиз ўқимадингизму, «Гадо шол кийганда, Кавус¹⁰³ эрмас, зағизгон сайраганда товус эрмас» ҳикоясин ва ҳам кетида, сизга Тавалло шеъриндан фойда йўқ, дегандек шеърими танқид этибсиз. Ажабо, сизда неча юз ва қандай виждон бор, аввалги хатингизда Тавалло шеърин ўқуб роҳатландук, деб ёздингиз. Энди мундоқча дерсиз: мани шеърин ўз аҳбобларим учун ёзиладур, сиздек баҳра ололмаслар – «тошга ёмғур қор қилурму, муттасил ёққан билан» ҳам мени мақола ва шеърларим ила аҳли нодон ва дунёдин беҳабарлар ҳеч ислоҳ топмаслар. Чунончи дебдурларки, «Тарбият қилган билан ножинс

¹⁰³ Кавус – Кайковус кўзда тугилади

булмас одамий. Ипни минг алвон илан ранг этсалар, булмас ифак».

Хайр афандим, соғ-саломат бўлинг, лекин дийдор куришмакни Худо насиб қилмасун, деб биродар рақибинг «Тавалло».

Туркистон вилоятининг газети. — 1914. — 1май,34

НОДОН КИШИЛАРИМИЗНИНГ ТЕАТРАН ОЛГАН ТААССУРОТИ

Газеталарда кўп ўқилиб, бир нечанинг бошин қотурғон бўлса ҳам яна мен ўз тарафимдан Тошкентда 27—феврал «Жамияти имдодиямиз» шарафина ўйналғон миллий, фақатгина ўзимизнинг камчилигимиз ва турмушимизнинг на даражада эканлигин «Ойна» янглиг кўзимизга кўрсатиб берган театр ҳақида ўз қулоғим ила эшитиб, тилим ила сўйлашган одамларнинг таассуротин ҳурматли газет ўқийдургонларга бир оз баён қилиб утаман. Бу тиётр аҳли, билган кишиларимизга бир тушимизда кўргандек ўтиб кетди. Лекин бир неча тараққийпарварларимизнинг яна бир кўрмоққа ҳавасин ортдириб зор интизор эдуб, буниг ила турмасдин бир хил гумроҳ ва тўқим табиат ва бахиллар гүридек кўнгли қоронғу қаро дилларимизнинг раста—бараста йўқ фаросатидин ҳеч бир ақлга тўғри келмайдурган сўз тошиб, дунёи(нг) булғатиб билчиротмакга мутасадди қилуб кетди. Бир неча тараққийдин баҳра олгонларимиз бундай нимарсанинг кўргониға қувонғонидин бизларға ҳазрати Ҳақ тарафидин бўлғон марҳаматми ёки бизнинг бахтимиз ёри бўлғониму, деб, кўзларидин севинч ёшин тўхтата олмаслик даражада қувонтириб кетди. Мана энди ўзларингиз одамнинг бир—биридан фарқ этиб кўрингиз. Бир қайси касалтабиат ўз манфаатин билмағон ва миллатин танимагонларимиз бу тиётрни тескари фаҳм эдуб, йўқ ақлин югуртирмасдин мундоқча фаросатларни этурларки, бизларға тиётр кўргузамиз деб, бизларға ота ўлдурсангизлар мундоқча ўлдурасиз, деб бизнинг болаларимизга ота ўлдурмоқ таълимин кўрсатдилар ва мисоли шунга ўхшаш терс ҳаёллари ила дунёи оламни билчиратуб юрурлар. Камина мундай виждонсизларни сўзларин саҳифаларда ёзиб битируб бўлмасликка кўз етгач, адибларимизнинг айтган шеърлари ила сизларни таништираман.

Айласанг тўтия таълими адоий калимот, нутқи инсон бўлур, аммо ўзи инсон ўлмаз.

Гар қаро доши қизил қон ила рангин этсанг, Ранги тағйир ўлуру лаъли Бадахшон ўлмаз.

Билмасманки, бу келишмагон ифтироларни қайси виждонли кишилар сўйлади экан Албатта, ушбу кишилар кечагина пивохоналарда ичиб, маст бўлуб, тўпписини қўлига олиб «Ё ҳаёт ан — наби» деб букуруб ўтургонлар бўлмасун, агарда шулар жамоасидин бўлурсалар, албатта бунлардин гиламиз йўқ. Чароки, кўр кишини нимага кўрмайсан, деб айблаб бўлмайду. Ушбу мақолани ёзарга тутунгон вақтда Петербургдан чиқадуригон муътабар «Эл» газетаси театримизни тафсили ила ёзуб, ўз тарафидан миннатдорлик изҳор эдуб, муваффақият тилаб, газетасидин бир жой мақоламизга дариг этмадилар. Бу тўғрисида неча минг чақирим олисда туруб, бизнинг турмушимизнинг қайғусина қайғулашиб тургон адиби замон ва маълуми жаҳон Мусо Ёруллоҳ Бегиев жанобларина ва миллат учун жонин фидо эдуб, бутун умрини миллат йўлига сарф этган ўткур қалам Аёз Исҳоқов жанобларина ташаккур айтмасдин ҳам мумкинму? Илоҳо, бизлара ҳам ушбу зотлардек адибу муаррихлар ато айлаб, бидъат ишлардин бизларни йироғ айлагайсан, деб ҳамиша даргоҳига бўйнум сундураман.

Тавалло.

«Туркистон вилоятининг газети», 1914, 3 апрел., №27

ИБРАТ ОЛМАКНИ ВАҚТИ ЕТМАДИМУ?

Бир неча адабиёт дарёсидин сув ичмакни орзусида ва тараққий тоғина қадам қўймоқни ҳавасида бўлунон Туркистонли биродаримга бир озгина изҳори фикр қилмоқни ўзимни бурчим билиб, сўз майдонида бир неча сўзлар ёзуб қоламан. Мундин муқаддам билмагон бўлсак, эмди билмоққа вақт етди. Инсоф этайлик, ақлимиз боринча ишлатайлик, ҳеч бир инсоннинг боши қуруғ ва пуч эмас, албатта, оз — кўб бир «мозга» яъни мияси бўлоду. Агарда инсонда мия бўлмаса, ул киши билингиз, ҳеч бир ишни қилолмайду ва қилишга ҳам журъат этмайду. Жаридаларда ўқиб турасиз ва бир четдан кўриб — да турасизлар. Чунончи, телеграм, тилифун, ойрафилон, ғиромофун ва ғайр шунга ўхшаш иликтричество ила бўлгон нимарсаларни инсон ақла ила бунёд эдуб, вужудга келтирдиму ёки ўзидан — ўзи пайдо бўлдим, албатта йўқ, ҳама илму ҳунар туфайлидинду. Бас, шундоғ бўлодургон бўлгондин кейин нима учун бизлар илмдан безормиз, бўлак миллатлар қанча илмга рағбат этсалар, бизлар ҳамон қочармиз. Шунинг учун бизларнинг турмушимизнинг қайси ёғидин бир жарида босур бўлса, албатта, бир ҳажв

мақомида босуб, ўқуғон одамнинг зеҳнини қайтаруб, паришонҳол айлаюр ҳам бу илсизлигимиза бир далил ушбударки, Русия давлатина ватандош, орқадош бўлиб умр курувчи Туркистон аҳолиси беш миллионларга қарийб булатуриб, биргина жаридамиз ҳам йўқ. Агарда, бўла қолса, албатта зарар етकिрмақдин ўзга хусулимиз бўлмас. Ҳозирги замонда илм ила, иккинчи пул — оқча ила умрни истироҳатда кечирмак, мумкин. Қўлда оқча тутмасдин ва илм ўқумасдин дунёда умр ўтказурман, деган инсон албатта мажнунликдин йироқ эмас, деб билинг. Қачон бой ила камбағал ўзларин одамларнинг фарқ тарозусига солуб қарасалар, албатта давлат тарафи ниҳоят оғир вазлик бўлуб, хижолат арқонуға камбағал кишини банду шармисор айлар. Агарда илм тўғрисида маълумингиз бўлурса, бу ҳам шунинг ила баробардур.

Чунончи, бир одам мол олди, ёки оқча олиб вексилга қўл қўймоқ бўлди, афсус — надомат они аҳволигаким, ўз исмин, яъни фалончи — фалончи ўғли демакни билмайдур. Эмди ул киши на қилмоқи керак? Албатта нотарус жанобни маҳкамаларига бормоқ керак. Ноилож борурлар. Вексил онда бекорға бўлмас, албатта. Онда сорғойуб тортғон машаққатидин бўлак биргина «фалончи — фалончи ўғли» деган икки калима сўз учун муқаррар икки сўм ёки уч сўм кўр бўлиб туланадур. Мана кўринг, эмди бир калима сўз неча пулдан тушти... Азиз миллат болалари, илм ўқимоқни тартибин ватандош болалардин ибрат олингиз. Ҳамон кўрасиз, баъюналарига китобларин солиб, юзларинда неча хил шодлик аломати зоҳир бўлуб, ҳамалари биргина таъйин соатда бир ийдга жўнолғондек, кўчаларда оқиб борадурлар. Бизлар киби қайси бири эрта билан ва қайсиси пешинда бормайдур. Кўрасиз, бизлар мактабга жўнағонда гўёки бир азоб берадурғон ёки ҳибсга олиб кетаётганлардек зўр минан ва ноилож. Мактабга яқинлашган сайин кўкрагимиз уруб, юрак ўйнаб, мактаб эшигида неча минут туриб, кироийнму ёки кирмасдин эртага бирор баҳона топилмасму, деб қароб турамиз. Вой, бизларнинг ўткан умрларимизга ва оталаримизнинг қилғон тарбиятларига, деб афсусчилар ичидин

(Тавалло).

Туркистон вилоятининг газети. — 1914 й. 3 апрел, №27.

БИР ГАЗЕТА МУҲАРРИРИ ИЛА МУСОҶАБА

Ушбу 9—нчи май байрам муносабати ила Русия давлатини «Городской сад», яъни «Ибрат боғи»га борган эдим. Ниҳоят тўрт тараф боғни сайру томошо айлаб, бир эски искамейка узринда азбаройи истироҳат этмак учун ўтирган эдум, орадан кўп вақт

утмади, ёнимга бир тотор йигити келиб ўтирди. Ул киши келганда ман турмоқга ниятланган эдум. Ул киши билиб қолиб, манго дедиларки, қардош, ўлтиринг, зинҳор мани ёнимдан қочманг, мумкин бўлса иккимиз мунда бир оз ўтурайик дедилар. Камина ҳам қабул эдуб, ўтуруб қолдум. Бир оз ўтургач, бояги йигит дедиларки: «Сиз афандим, мундагилардинмусиз ёки бошқа мамлакат кишисиму?» Жавобида дедимки: «Агарда сиз мани мундагиларга ўхшатмасангиз, бандангиз мунда ўсиб тургон Тошканд ёшларидинмен», деган он ёнима яқинлашиб келиб «Хўш афанди, сиз мусулмонча ўқув – ёзув биласизму?». Дедимки: «Кўп бўлмаса ҳам озроқ биламан», деганимда: «Русчага қандайсиз?» дедилар. Ани ҳам озроқ биламан, дедим. Шу сўз орасида эдик, ёнидан бир газет («Садойи Туркистон») бешинчи нумрасин чиқоруб, дедики: «Сиз бу газетни ўқурсизму ёки йўқму? Бунга сизнинг Тошканд мусулмонлари қайси кўз илан боқурлар, идоралари қайси ерда, ношири қари кишиму, ёш кишиму ва муштариёлари кўпайганмукун?» деб савол қила бошладилар. Камина ўз билганимча жавоб беруб, бу «Садойи Туркистон»нинг асли вужудга келмоқин, миллат вазифасини жарида орқали адо қилмоқ ниятида эканлигин ва шул фурсатларда бир нумрасига икки юз сўм зиён қилиб турғонин ва бизнинг тараққийдин тариқча фойдаланмагонларимиз мунинг асл мақсадидин беҳабар ва маслакидан бебахра бўлушуб, ёрдам ўрнига терс қараб юргонларин сўйлаб бердум. Мандин бу хабарларни эшитгач, дедики: «Эй ёш йигит, огоҳ бўлингиз, мундин қирқ йиллар муқаддам ушбу Тошканддан чиқмиш «Туркистон вилоятининг газети» ҳам неча йилларгача ўзин мақсадин халқга англагунча қандай машаққатлар бўлинди. Ваҳоланки, шу дамгача халқ бир хил адабиётдан бебаҳралар, нафрат кўзи ила боқурлар, аммо мунинг қадрин сизнинг миллатга қандай фойда келтурғонин газета муҳаррирлари биладур. Агарда сизларда шул «Туркистон вилоятининг газети» бўлмаганда, сиз, Тошкент аҳолиси, газета нима эканлигин билмас ҳам эдингизлар, энди қадрин кейин биласизлар. Шунга ўхшаш «Садойи Туркистон»нинг ҳам қадрин кейин=кейин биласизлар. Ҳам «Садойи Туркистон» ва жамъияти хайрияларингиз ва усули жадида мактабларингиз деб газетларда ўқиб турамиз. Албатта, бундай янги илмлар ва ижтиҳодлар..., бундай жаридаларга сизларни мушарраф бўлмоқингиза бош сабаб, бизнингча «Туркистон вилоятининг газети» деса ҳам муболаға ўлмас, ростми қардош», – деб жавоб кутуб турдилар. Камина ҳам сўз майдонида ўз билганимча сўйлаб қолсам деб, дедимки: «Мен бошқа одамларни фикрин қандай эканин

билмайман, аммо манинг ўзумча «Туркистон вилоятининг газети» бизнинг фикримизнинг, турмушимизнинг ниҳоят ислоҳ этганларнинг биринчиси деса булур, зероки 44 йилдин бери давом этиб келди, ҳеч бирида биз мусулмонларни ёмон демади, ахлоқимизни ва бидъатимизни ва бетарбиятлгимизни ёзди. Ул вақтда ўшал ёмон кирдикорларимизга бизлар мункир эдик. Ойлар, йиллар ўтди, мана энди оз—оз тушундик, билдук, ўргандук, тартибли мактаблар очилди. Мана, қўлингиздаги «Садойи Туркистон»нинг сарлавҳаси. Туркистон вилоятининг азм қилиб, ёнига садо қўшиб, «Садойи Туркистон» ном газеталарга ҳам молик ўлдик. Энди икки газетамиз бўлди. Ҳозирда икки жаридамиз бир—биридан мақолалар кутаришуб, бири ўндин, бири чапдин бизларнинг дунёда инсонлардек яшатмоқ қасдида қаламин дариг тутмасдин ёзиб турадурлар. Муддати 10—чи май Тошканд Шайховандтоҳурда болалар имтиҳонлари бўлиб, 25—майгача бу имтиҳонларга ҳам ҳукуратимиз ёрдами ва жаридалар шарафи ила восил бўлмоқдамиз. Бўлмаса бизлар имтиҳон деб 8—9 йиллар ўқиб, қора хатни таниб, мулло бўлдик, деб мактабдин чиққонимизни айтар эдик. Фаройиз, зарби имло, жўғрофия ўқурмидик?! Албатта ўқимасдик, ваҳоланки, Ўрунбурғдин нари шаҳар йўқ деб юрадурғонлардан эдик. Мана эрта имтиҳонларни кўриб нима таассуротим бўлса, ёзурман деб, хайрбод қилиб, боғдин чиқиб иккимиз бир—биримиздин айрилдик.

Тавалло Тошкандий.
«Туркистон вилоятининг газети». — 1914. — 22май, №40.

ЎЗ МУХБИРИМИЗДАН

Гулжа— бу шаҳар хитойларга қарашли бир шаҳар бўлса ҳам тижорат ишлари кўпроқ ўзимизнинг русиялик мусулмон оғаларимиз ила тотор қариндошларимиз қўлидадир. Мундаги тотор ёшлари Олмаота ва Ёркандга қарағонда кўб очиқ фикрли ва жасорат эгаси эканликлари кўрунуб турадур. Эркак ва қиз болаларга махсус рушдия мактаблари бўлуб, ҳар қайсилариға муқтадир муаллим ва муаллималар таъйин қилунмиш ва моддий жиҳатлари таъмин этилмишдур. Бундан бошқа яна шаҳарнинг энг ўрта еринда 4—5 минг сўмларга тушуруб, бир яхши иморат вужудга келтурмишлар ва «Шафқат» ном бир кинематуғроф ҳам очмишдурлар.

Биз келган куни бир неча мартаба хайрот йўлиға ўйналди, келувчи кўп бўлуб, туркистонлилардин ҳеч ким йўқ эди. Мундаги

муътабар кишиларнинг айтувларига биноан улар тоторлар ила аралашмоқга такаббурлануб, ман – манлик қилуб ётур эканлар. «Садои Туркистон» муҳбири Тектурмас афанди ва Азим Ҳожи жаноблари ила мусохабада бўлдум. Булар жаридамизга доимо ёрдамда бўлмоқларини ваъда қилдилар.

Тулаган Хўжамёров.

Садои Туркистон. – 1915й., 6 март, №62.

ИНСОФДИН СОФ

Сўнги замонларда биз, туркистонлилар бошига қандай кунлар ва қандай оғир ҳоллар келдики, бутун Русия мусулмонларини маълумидур, демак. 1910–1911 йилларда мануфактура (газмол) бирлан иш қилғувчилар молларини кўписи зиёнга сотиб, дўконларига қизил печатлаб, ер – мулкларини сотилиб қутула олмайча, бир нечаси турмага ҳам ўтурдилар, ҳозир ҳам ўтирмақдалар. Мана энди кўрасиз, 1914–1915 йил Ёвропа муҳорабаси бошланур олдида, газмол қаҳатчилиги бўлиб, илгари бир газмолга ярим тийин олиб қаноатлангон бизнинг туркистонли оғаларимиз ҳозир сўмина 50 фойиз фойда қилса ҳам сотмоқни хоҳламайдур, беш қўлларини оғизларига тиқиб, бир оз фойдасига ҳам рози эмаслар. Умри бўйинча газлама ушламагон кишилар бутунлай газламачи бўлиб, кўринган бир жойга дўкон оча бошлаб эдилар. Кўпда ўтмади. Худованди Карим буларга тезгина кўрсатди – да қўйди. Петроградда министрстволардин пирмаларга циркулар кела бошлади, кимда – ким 1914 – чи йил биринчи август мол олиб сотмаган бўлса, шул кишига мол сотилмасун, агарда қайси приказчик сотув этса, бир йил – у тўрт ой ҳибс этиладур, деб. Буни кўриб бул бечора янгиларимиз оғизларини очиб қолғоч, эски дўконларимиздин инсоф яна йўқола бошлади. Буни ҳам ёзиб ўтмак керакким, ҳукуватимиз тарафидин мол сўйиб сотув этувчиларга ҳафтада уч кун қўй сўймоқ эълон этилгач, орада бир ой ўтар – ўтмас ариза бердилар, бўш кунларда эчки, яъни така сўйсак мумкинми, деб. Қўй сўйилмаган кунларда, эчки сўймоқ рухсат дейилгач, кўрасиз, кўп ерларда эчки гўштини қўй эти деб сотув эта бошладилар. Агарда тижоратимиз хиёнатдан иборат бўлиб, қаноат кета берса, бошимизга офатни ўзимиз сотиб олгонлардан бўлуб, келажак ҳолимиз нима бўлур экан, Худо ўзи инсоф берсун, инсофдин соф.

Тулаган Хўжамёров.

Туркистон вилоятининг газети. – 1916 й. 56 – сон.

ИЛМ НАТИЖАЛАРИ

Бизларга ҳукумат мактаблариға шул кундин тортиб болалар бериб семинария, гимназия, камерчиский¹⁰⁴, реалний учулиша тартибларини ўргатмоқ лозим бўладур. Бунинг ила турмасдин қўл узатсамиз етиб тургон миллатдошларимиз татарларни(нг) «Муҳаммадия» ва «Расулия», «Олия», «Хусайния» ва бўлак мадрасаларига шогирдлар юбормоқ фарз даражасинда бизларга зарурдир. Ҳар йили неча юзларча муаллимлар етиштириб турган бу мадрасалардин олий тарбият кўрган муаллимлар келтуруб, болаларимизни ўқитув йўлинда ижтиҳод кўрсатайлик.

Яхши ўқитмасдан, каптарбозлик, беданабозлик, қиморбозлик ишларига ривож берсак, албатта, бизлар учун ҳам кўнгилсиз ишлардин бўлса керак. Юқорида «Илм натижаси» сарлавҳа қўйган эдим. Бунга далил кўрсатмак учун шуни ҳам ёзиб ўтаманким, Семипалат, Оқмулла областларидаги қозоқлар ҳукумат мактабларинда ва татар мадрасаларинда олий тартиб кўрганликларин самарасидин рабочий тўғрисииндан ҳеч бир низом ва қоидадин йироқ кетмадилар, садоқат кўрсатмақда биринчи ўрин куталар.

Мана энди бизлар каби ўқимаганликларнинг касофати эмасму? Семиречинский қирғиз қозоқларини(нг) бошларига қандоқ фалокатлар келди ва қандоқ оғир ва даҳшатлик ҳодисаларга йулиқдилар. Булар ҳаммаси ўқимаганликларин натижаларидур. Демак, бизлар энди ўз мадрасаларимиздин муаллимлар етишмагини кутсак, яна юз йилларда ҳам етушмас. Эски тариқада қолишдин бошқа гап бўлмас. Биноан алайҳи, бизга фарз бўлиб тушган нарса бойларимиз ва очиқ фикрликларимиз, муллоларимиз шул кундин эътиборан «Олия», «Муҳаммадия»га ўхшаш татар қардошларимиз мадрасаларига ҳеч тўхтовсиз ўқурга шогирдлар юборсунлар. Онлар тайёрлануви бир қанча вақт таваққуф этгонлиқдин унғача бизлар ички Русиядин муаллимлари одурайлик. Иншооллоҳ, бунга ҳукуматимиз ҳам яхши қараса керак ва рухсат ҳам берур деб ўйларман, чунки бўлиб ўтган воқеалар ҳукуматимиз учун ҳам кўнгилсиз ишлардиндур. Эй қардошларим, ёшларнинг бахтлиқ яшамоқлари бизларнинг ижтиҳодимизга боғлидур. Агарда ёшлар тарбиятсиз ўссалар, бир кун булар сиз билан бизни дуоибад қилурлар, нафрат этарлар. Агарда бизлар ёшлиқдин яхши тарбият қилсак, дунёда роҳат яшаб, бошқалар каби дунёдин беармон кетарлар. Агарда бизлар ухлаб ётсак, миллатимизнинг боғи ҳаётиға

¹⁰⁴ Камерчиский — савдо дейилмоқчи

печаклар ўтқузуб, умид гулларин қурутармиз. Бизларга дунёда на керак: ўқимоқ, дунё маишатидин баҳраланмак, Ёвропа мактабларинда тарбия кўрмак. Етар бизларга улоғ чопмоқ, бачча ўйнамоқ, тўй тўйламоқ. Ўрнак бўлсин бизга ёвропа мактаблари, сабоқ бўлсун.

Тулаган Хўжамёров. Тавалло.
«Туркистон вилоятининг газети». — 1916 — 27 ноябр, № 60.

ҚАЙГУРУВЧИ БОРМИ?

— Эски мактаб домлаларининг ковушлари тўғрилангандан бери унда ўқиғувчи болалар тухум қиладургон товуқга ўхшаб, «қа — қағ»лаб ҳар томонга югуриб юрадурлар.

Уйга кирса, оналари ҳайдайдур, мактабга борса, домлалари... Ҳукумат мактабларига вақт ўтган, сўнг бориб, «жой йўқ!» дейилган жавобни олгач, кўчаларда ошиқ, қимор ўйнаб юриш тўтарагига аъзо бўлиб, икки оёқлик шохсиз ҳўкизча бўлиб юрадурлар. Буларни бирор тартибли ўқув юртларига боғлаш чораси йўқми экан?

«Мухбирча»
«Муштум». — 1926й., №(26), 46.

БОШДАН ОЁҒДАН

Маҳалламизда 1917—18 йилларда фирқага кириб шу чоққача ишлаб келган Абдурауф ва Тошмуҳаммад деган ўртоқлар кечагина масжидимизнинг синиқ — мертикларини гузатишда сўфидан ҳам кўпроқ ҳаракат қилиб, домланинг йўғон сув юкмас дуоларини оддилар. Фирқада шундай кишилар ҳам бўлиши керак.

Отанга раҳмат, лўмбозлар!

Ҳар сешанба кечкурун шайх Зайниддин бобо мозорида хириллаш — ириллаш шундоғ авж оладики ... сўйилгон ҳўкиз, нега бундай хириллайсан?

Тўрт даҳадан ўлимтик тилагида келганларга на шулон, на масжидда жой, на ювинди етишмайдур. Бир хиллари жазава қистагон бўлиб кўчаларга чиқиб бўкириб юрадурдар. Бундай ёввойи жонворларни Африқо биёбонларидан ҳам топиб бўлмайдур.

Отанга раҳмат, лўмбозлар!

Хўжа Бобо мозорининг тагида бир узун буйлик, қора юзлик, устида оқ буздан пахталик кийган хирс – мирсдек ҳабшафт эшон пайдо бўлиб қолдилар. Кўрган одам Хизр ёки иблис гумон қиладур Биронта гулахи келиб керак қилса, бу ифлоснинг нарх – навосини биз ҳам билиб қолар эдик.

Отанга раҳмат, лўмбозлар!

Маҳалламизда иккита мансаб уюшмаси юзага чиқди. Бир томонда Мир Файзи деган, иккинчи томонда Султон қори деган япалоқ қори акамиз бошлиқдурлар. Жанжаллари тўйларда ош бошида қайсилари, нон тепасида қайсилари туриш тўғрисида булар эди. Шунинг учун маҳалламиз иккига бўлингон эди. Ҳайтовур бирларини кеча қидирув шуъба олиб кетиб, ош ҳам нон бошида туриш ёлғиз бир уюшмага қолиб турибдур.

Маъзава. «Муштум». 1926, № I. 6 – бет.

КЎКЧА ДАҲАДА

Биринчи – иккинчи Обиназир маҳалла халқи ўзаро пул йиғиб, бир катта ҳовуз қаздирдилар. Атрофи хишт билан ишланди. Маҳалладаги камбағаллар юртчилик қилиб 500 лаб хишт олиб берганда, маҳалламиздаги уйи куйгур хирс бойлар «ҳорманг» деб боришга ҳам тиллари кесилиб тушадирган бўлди.

Кечагина ҳалиги тўнғиз бойнинг бирлари қиз тўйларида яллагининг бошидан йигирма икки червон ҳаводор қилишлари ҳеч қандай латтафаҳм аҳмоқ қилмагон бир ярамаслиқ эди. Лекин бугун ўзлари ҳам заҳарларига ичадурган ҳовуз учун қайрилиб боқмаслиқлари қўндоғда теккан итликларидир. Буниси ҳам майли, камбағалларни кўришга кўзи оқиб тушган бой бизга, «ҳорманг» дерди деб хафа бўлмай қўяқолайлиқ. Аммо камбағалларнинг отаси бўлгон эски шаҳар хўжалиқ бўлими чолчиқларда ётгон миллионларча хиштлиридан бир дона бўлсин, беришни раво кўрмаслиқлари, ҳеч бўлмаса, бир одам юбориб ҳовуздан хабар олмаслиқлари ҳар бир кишини «Яша, эй хўжалик, бўлими» дейишга мажбур қиладур.

САЛОМНОМА

(Матбуот куни муносабати билан)

Шоирликда тавоно, ҳамон сайрар оғизо,
Етти путлик ҳофизо,
Ияк қурғур бе вафо,
Эрсиз қолгон тул хотин,
Ёзганлари кўп ботин,
Ёзар доим ҳасратин,
Ҳеч туганмас нусратин.

«Мағзава». «Муштум», хумпарга сало — о — м. 1928, № 8,3 — б.

ТАВАЛЛОНИ АРАВАГА ҚЎШДУК

Ўлдим деганим учун мени кўмиб қўя қолгон эдилар.
Ўлиш баҳонаси билан бир қанча вақт туллакка боқилиб
чиқишим билан мени аравага қўшиб оғир — оғир юклар
орттирдилар. Ҳозир бир оз ялқовлана бошладим. Тездан
ҳаром ўлиб қолмасам, «унга ишлайман, бунга ишлайман»,
деган фикримни ташлоғим келмайдур.

Тавалло. «Муштум». — 1926. — №31 — 32, 10 — бет.

ИНДАМАСАК, ИНДАМАЙ КЕТАБЕРАР ЭКАНСИЗ—ДА!

Ўзимиз Тошкентнинг қоқ ўртасида, яъни Кўкча даҳа деган
«маданиятли» бир қитъада турсоқ ҳам, кўп чоқдан бери бу
ернинг олди — қочтиларидан бирор нусхани «Муштум»
саҳнасида кўролмаймиз. Шайхонтоҳур, Бешёғоч қитъаларида
бўлгон ичкилик мутахассислари бу ерда йўқ, деб ўйлайсизми?
Худога шукур, бу тўғрида ҳар томондан олдиндамиз. Агар шу
ишни яхши тушунган бўлсангиз эди, журналимизнинг бир
бетини бизнинг Кўкча даҳасига бахшиш қилган бўлур эдингиз.

Яқиндоғи бир жума кечаси, Кўкча даҳа бошлиқлари кўча
айланганда, фостовой милитсия, қоровул, йигит — яланг, қари —
қартанг, сўфи — домла ва хотин — халажларнинг масти мустағрақ
устма — уст, тоғора бўлуб юрганларини кўруб, «Буларни ройунга
олиб бор!» — деб буйруқ беришга бир соғ одам топилмағонидан,
мундоғ коллективний ичишга қойил бўлиб, «биринчиликни Кўкча
олди» — деб иқрор қилибдурлар.

Ҳозир ҳар қаерда кечки ўқиш қўрслари бошланганда, бу
ерда ҳўроз ва кучук уруштириш қўрси бошланиб, савод
чиқаришда биринчиликни тахтакўприклик Сиддиқ қассоб олди,

милитсияларнинг «беандиша»лигидан 2 та зўр кучук урушдан қолди, буларнинг уволи милитсия бошлиқлариға!

Маҳалланинг испискасидан ўчирилгон бой оғаларимиз, яқинда бўладиргон Шўро сайлови ҳайъатига кийиб, ясаниб чиқиш учун қассобларнинг терисини ҳеч қаерға чиқармасдан сотиб олиб туриптилар; агарда жуни ўсиқ гунон қўй териси бўлса, қассобнинг оғзидан чиққан пулни бераверадилар.

Мағзава.

«Муштум», 1926, 45 – сон, 6 – б.

МАНБАЛАР

Тавалло ижодига мансуб бўлган шеърлар, мақолалар ва ҳажвиялар XX аср биринчи ярми вақтли матбуотидан олинди. Тавалло асарлари проф. Б. Қосимов, доц. У.Долимов ва доц. Н.Жабборовлар томонидан нашрга тайёрланди.

Босишга рухсат этилди 2.11.2004. Ҳажми 6,75 босма табак.
Бичими 60×84 1/16. Адади 200 нусха. Буюртма 445.
М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
босмахонасида чоп этилди.